

R 496
1984/9



ON 2
ONE

ГУЛИСТОН
9
1984

200



МИЛЛИОН ШОДЛИК

Дам олиш куни шаҳар айланиб юриб, кекса журналист Раҳматулла акани учратиб қолдим: кўлида бир даста сара гул. Унинг гап оҳангидан, юзидан нимадандир беҳад хурсандлиги билиниб турарди.

— Мени табриклар, ука, — деди Раҳматулла ака. — Қуни кеча эварали бўлдим — ўғил! Аммо бир одам бўлмаганда, билмадим, неваранимнинг ҳоли нима кечарди. Неваранимнинг кўз ёришига яқин қолган кунларда бутун уй-ичимиз билан қайғуда қолдик — мутахассислар неваранимнинг саломатлиги яхши эмаслигини, яхшилаб даволатилмаси, унинг ҳомиласини тиг ёрдамида олишга тўғри келишини айтишибди. Лекин, ука, бахтимизга шифокорлар омон бўлишини, қайғумизни шодликка айлантиришди. Асолатхон дегани бор экан, умрингдан барака топгур, неваранимни ўз парваршига олиб, операциясиз кўз ёрдирди... — Раҳматулла аканинг кўзларида ёш қалқди. — Ҳозир неваранимнинг ҳам, эвараганимнинг ҳам сало-

матлиги яхши. Ана шунақа гаплар. Мана бу гуллар эса, эваранимнинг доя бувиси Асолатхон синглимга! Ишқонасида у кишининг бўш вақтини топиш мушкул экан. Гоҳ шаҳардаги у туғруқхонага, гоҳ бу туғруқхонага чақириб кетишаркан. Яна бир қарасанг, командировкага кетиб қоларкан: областма-область юриб, маслаҳат, ёрдам бераркан, семинарларда, йиғилишларда қатнашаркан. Хуллас, уйига кетаяпман. Ҳоҳласангиз, бирга борамиз. Ажойиб инсон...

Шу куни Раҳматулла ака олам-олам миннатдорчилик билдириб, кўзларида севинч ёшлари билан гулдастани эгасига топширди. Мен эса умрини оналар ва фарзандлар саломатлиги йўлида бахшида этиб келаётган ажойиб шифокорлардан бири, акушерлик-гинекология бўйича ўзбек аёлларидан биринчи профессор билан танишишга муяссар бўлдим.

* * *

Олти ёшида етим қолган Асолатни Тошкентдаги Зебуннисо номли қизлар интернатига беришди. 1933 йилда интернатни ташлаб, Охунбобоев номидаги Медицина техникумига ўқишга кирди ва уни 1938 йилда имтиёзли диплом билан тугатди.

— Техникумни битиришимизга бағишлаб ўтказилган таътанали кеча ҳали-ҳали ёдимда, — дейди Асолат Азизовна, — чунки бу кечада Йўлдош ота Охунбобоев қатнашгандилар. Севимли шoirимиз Миртемир эса шахсан менга бағишлаб ёзган шеърларини ўқиб бергандилар...

Асолат Азизовнанинг медицина соҳасидаги фаолияти техникумни битиргандан кейинроқ бошланган. Гап шундаки, техникумни тугатгач, уни Тошкент Медицина институтига имтихонсиз қабул қилишди. Институтда машғулотлар бошлангунгача ҳали орада саккиз ой бор эди. Ана шу ойлар давомида Асолат Паркент районига бориб ишлади.

— Уша кунларни хотирлаб Асолат она шундай дейди:

— Оғир вақтлар эди. Тоғлар орасида жойлашган Сўқоқ ва бошқа қишлоқларга туяда, эшакда ёрдамга борардим. Уша пайтларда паранжига қарши кураш аж олганди. Ҳануз ёдимда — Сўқоқ қишлоғида район комсомол комитетининг вакили сифатида паранжи ташлашга бағишланган митингга қатнашдим. Минбарда туриб нуқ сўзлаётгандим. Қутилмаганда қишлоқ фаоллари сўзимни тўхтатишиб, мени дарҳол сахна орқасига ўтказишди. Маълум бўлишича, хотин-қизлар озодлиги душманлари мени «тинчитишмоқчи» бўлишган экан. Қолхоз раиси билан партком секретари ва мен отганимни, ярим кечада эҳтиётлик билан қишлоқдан жўнадик. Улар мени Тошкентгача кузатиб қўйишди.

1941 йили институтни битиргач, Асолат онапи болалар жарроҳлик клиникасига ор-



динатор этиб тайинлашди. Улуг Ватан уруши йилларида у бирмунча вақт район ҳарбий комиссариатида медицина комиссиясига раҳбарлик қилди.

— 1945 йилнинг апрели эди, — деб хотирлайди Асолат она. — Қишлоқларда юқумли касалликлар кенг тарқалганди. Ана шу касалликларга қарши кураш бригадаси составида Пскент районига жўнадим. Йўлда кетаётиб, бригадамиз тасодифан транспорт ҳалокатига учради. Менинг ҳам оёғим қаттиқ шикастланди. Саккиз ой даволандим. Қўлтиқ таёқда юра бошлашим биланоқ яна ишга тушиб кетдим. Давр шуни тақозо қиларди. Қўлтиқ таёққа суянган ҳолда, лампа чироқ ёруғида ўн икки ёшли болани операция қилиб, қовуғидаги тошни олиб ташлаганим ҳануз ёдимда...

* * *

Асолат Азизовна илмий иш билан ҳам фаол шуғулланди, тинимсиз изланди, билимини такомиллаштирди. У 1956 йили «Қон қуйиш йўли билан ошқозон ва ўн икки бармоқлик ичак ярасини даволаш» мавзусида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий фаолиятни давом эттирди. 1968 йили докторлик диссертациясини ёқлади. 1970 йилда профессор бўлди. 1968 йилдан эътиборан Тошкент Давлат медицина институтида акушерлик-гинекология кафедрасининг мудири бўлиб ишламоқда. 1971—1974 йилларда республиканинг бош акушер-гинекологи бўлиб хизмат қилди.

Асолат Азизовна жамоатчилик ишларида ҳам фаол. 1970 йилдан 1983 йилгача республика илмий медицина советига раислик қилди. Ҳозирги пайта у Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошидаги 4-беш бошқарма акушер-гинекологлар советининг раисидир.

Олима билимдон, меҳрибон, гамхўр устод

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадний журнали

№9 (415)
Сентябрь
1984

ЖК
№2

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

ҳамдир. Унинг раҳбарлигида бир неча докторлик ва кандидатлик диссертациялари ёқланди.

Асолат Азизовна «Гинекология», «Акушерлик» деган дарсликлар, медицина бўйича 2 та монография, 3 та методик-амалий қўлланма, 20 дан зиёд илмий-оммабоп брошюра муаллифидир. Унинг 50 дан кўпроқ мақолалари «Ўзбек Совет медицина энциклопедияси»да, 150 дан кўпроқ илмий мақолалари газета-журналларда нашр қилинган.

Шифокор-олиманинг Ватан, халқ олдидаги ҳалол меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан тақдирланган.

* * *

— Касбингиздан, тақдирингиздан мамнунмисиз? — сўраймиз Асолат Азизовнадан.

— Бу саволга яқингинада бўлиб ўтган бир воқеа баҳонасида жавоб бермоқчиман. Институтда студентларга лекция ўқиётганим. Туғруқхонадан шошилич хат келтиришди: тезда етиб боришимни илтимос қилишганди. Зудлик билан бордим. Операция хонасида врачлар кўп қон йўқотган аёлнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун курашаётган эканлар... Дарҳол халатни кийиб, ишга киришдим. Аёлнинг аҳволи ҳақққатан оғир эди. Кўп уринишлар натижасида қон кетишини тўхтатишга муваффақ бўлдик. Сўнгра беморга уч литрдан кўпроқ қон қўйдик. Беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Жуда толиққан эканман — ҳўшимдан кетиб қолибман. Ўзимга келганимда навбатчи врач каравотида ётардим. Бир ойча хасталаниб ётиб қолдим. Уша кезларда уйда телефонимиз бузилиб қолди. Телефон станциясига кўнғироқ қилдим: ўзимни танитишим биланок трубкани олган аёл менга навбат бермай гапира кетди: «Салом, Асолат Азизовна, бу мен — Розаман. Эсингиздами — бундан бир ойлар олдин, туғруқхонада менинг ҳаётимни сақлаб қолгансиз. Бугун ишга чиқдим...» Розанинг шундан кейинги гапларини эшитолмадим. У ҳамон нималардир дея, мен бўлсам хурсандлигимдан кўз ёшимни тўхтатолмас эдим... Бундай воқеалар ҳаётимда жуда кўп бўлган. Мен учун қўлимда нажот топган аёлларнинг мионатдорчилигидан қимматлироқ мукофот йўқ.

— Асолат Азизовна, сизнинг қўлингизда дунёга келган чақалоқлардан бирортасининг кейинги тақдирини айтиб беролмайсизми?

— Бажонидил. Аммо уларнинг қайси бирини атай. Яхшиси, мана бу папкада сиз айтётган «чақалоқ»лардан келган хатлар, тўйларга таклифномалар, табрикномалар бор, ана шулар билан танишганингиз маъқулмикин... Ҳа дарвоқе, «чақалоқ»ларнинг биттаси, мана, шундоққина ён қўшним. Эсимда, ўшанда ҳам мени институтдан «Тез ёрдам»га ўтқазиб зудлик билан туғруқхонага олиб келишди. Қарасам, қабулхонада ёнида икки қизи билан қўшним ўтирибди. Отанинг ҳам, қизларининг ҳам кўзида ёш, илтижо билан менга тикилиб туришарди: она нихоятда ночор аҳволда экан. Аёлни замбилда операция хонасига олиб киришга ётганда эшик олдида ҳамшираларни тўхтатдим. Беморни кўздан кечириб, «Кесерев операциясини қўлламас бўлади» деган хулосага келдим. Қиз туғилди. Онанинг ҳам, чақалоқнинг ҳам аҳволи оғир эди. Тегишли ёрдамни кўрсатдик. Қисқаси, ҳозир ўша «қизалоқ» Урта Осиё педиатрия институтининг 5-курсиди ўқияпти...

Асолат Азизовна Қодирова тўлкиланиб гапирар, унинг сўз оҳангида фахрланиш, ўз ишидан қониқниш, толедан мамнунлик туйғуси уфуриб турар эди.

Сухбатимиз интихосида характерли бир факт беихтиёр ёдимга тушди: маълумотларга кўра, 1983 йили мамлакатимизда 5,5 миллион нафар фарзанд дунёга келибди. Ана шу рақамлар замирида Асолат Азизовна каби минглаб ноёб касб эгаларининг, фидойи инсонларнинг қанчадан-қанча машаққатли меҳнатлари ётибди!

Юсуф МУҚИМБОВ

Қуддус МУҲАММАДИЙ

СЕНТЯБРЬ — ЎҚИШ БОШИ, МАКТАБ — ҲАЁТ ЙЎЛДОШИ

Биринчи дарс маза, соз,
Дилларда ҳавас парвоз!
Сентябрь — ўқиш боши,
Мактаб — турмуш

йўлдоши.

Сентябрда ўқишни,
Янги билим тўқишни,
Бошлаймиз, қани қайдан,
Қуёшми ёки ойдан?
Чарақлаб яшнар жаҳон,
Илм — ойнаи жаҳон.
Ер, сув, ҳаво, офтобдан,
Табиат — зўр китобдан,
Биз бошлаймиз ўқишни,
Янги билим тўқишни.
Илм келмас осондан,
Хонамиз, ер, осмондан,
Ўфқни кучоқлаймиз,
Ватаним ардоқлаймиз.
Ўқиймиз Ленин дарсин
Ленин дарси — эл дарсин.
Олабий илм бобом,
Одам илмига богбон,
Одам билимга посбон.
Улуғ йўлни ўқийми.
Қутлуғ йўлни ўқийми.
Қурамыз коммунизм,
Эгаллаймиз ер юзин!
СССРим нур олам,
Одамлари хур олам,
Эркин, озод, нур олам.
Биринчи дарс маза, соз
Дилларда ҳавас парвоз!



САЛОМ, МАКТАБ!

Сентябрь тонг эртаси,
Болаларнинг ҳаваси
Ошиб-тошиб қалбидан
Қайтишган лагерь боғдан.
Шўх-шўх кўшиқ айтишар,
Мактабларга боришар.
Менинг икки уйим бор,
Ҳовли богим — мактабим.
Мактабимда ўқийман,
Китобим — нур офтобим.
Соғинишиб қолдик биз
Жижингой партамизни.
Оқ деворда осқилик
Ер юзи қартамизни.
Жуда-жуда соғиндик
Муаллим опамизни.
Ширинсўз вожатиймиз —
Меҳрибон акамизни.
Соғиндик оғайни, дўст
Мактабдош синфдошни.
Ака-укадек иноқ
Ўрток, жўра, йўлдошни.
Мактаб, сени соғиндик,
Кўксинг кериб турасан.
Узинг гўзал оқ тоғдек,
Визга билим берасан.
Сен ўргатган билимлар
Иш берди ҳамма ерда.
Дала, қирда, тоғларда,
Саёхатда, лагерда.
Маза қилиб дам олдик
Биз сайёҳлар сафида.
Чимён тоғига бордик
Арчазор атрофиди.
Чўқкиларга тирмашган
Қайнар булоқ, ойна кўл
Кўк сувида чўмилидик.
Тоғ-тошларда ўтириб
Ровоч шарбатин сўрдик.
Йигдик ранго-ранг тошлар,
Резинка ўт — дори ўт.
Тоғ гуллари: атир гул
Асал гули — ёғли ўт.
Шундай қизик совғалар
Олиб қайтдик сен учун.
Салом, она мактабжон!
Севикли ўқитувчим!
Оламини ўргатувчим
Одамни қувнатувчим!

Раъно РАҲМОНОВА

АМЕРИКАЛИК ЖАНОБГА

Замин гўё баргдек титраб турибди,
Қескинлашган сари халқаро аҳвол.
Қай уришқоқ тарихда голиб бўлибди,
Жавоб беринг, жаноб, сизга бу савол?

Она юрт тупроғини билиб табарруқ,
Кўзга суртган сари бизда ҳар ўрток
Юз йиллик касалдек кўзингиз тинар,
Гўё болингизга тушгандай чақмоқ.

Қуролланиш ҳақда зўр бериб яна
Нутқлар сўзлайсиз, қўясиз пойга.
Космосда ҳам қилмоқ истаб тантана,
Вазалар ўрнатмоқ бўласиз ойга...

Ҳали битмай туриб Ер жароҳати,
Янграгмоқ бўласиз ажал навосин,
Йўқ! Дунё, заминга керак осийш,
Бузолмайсиз, жаноб, космос ҳавосин!

Тўртқул

ВАТАН

ҲИМОЯЧИЛАРИНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

40



Собиржон ОХУНЖОНОВ,

генерал-лейтенант, Ўзбекистон ССР
Граждан мудофааси штабining бошлиги

КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида»ги қарорини зўр мамнуният билан кутиб олган совет халқи, жумладан республикаимиз меҳнаткашлари ана шу байрамга қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Коммунистик партия, деб таъкидланади қарорда, совет халқи, унинг Қуроли Кучларининг шонли жанговар анъаналарини пропаганда қилиш, ҳарбий-ватанпарварлик ва мудофаа-оммавий ишни кучайтириш муҳим вазифадир. Совет кишилари, аввало, ёшлар ҳарбий иш кўникмаларини эгаллаб олишлари, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга шай бўлишлари керак.

КПСС XXVI съездининг, партия Марказий Комитети 1984 йил Февраль ва Апрель пленумларининг қарорлари, партия ва давлатимиз раҳбари ўртоқ Константин Устинович Черненконинг нутқлари ва сўхбатларидан келиб чиқадиган йўл-йўриқ ҳамда вазифалар барча ишларимизда, жумладан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган фаолиятимиз учун ҳам дастуриламалдир.

Шу йил июнь ойда Катта Кремль саройида ҳарбий академияларни битириб чиқувчилар шарафига СССР Мудофаа вақфлари уюштирган қабул маросимида ўртоқ Константин Устинович Черненконинг қутлови Қуроли Кучлар тўғрисидаги, ҳарбий кадрлар тайёрлаш ҳақидаги оталарча ғамхўрликнинг далили сифатида янгради. Булар Ватанимиз манфаатларини муқаддас билиб ҳимоя қилиш тўғрисида, бутун куч ва билимларни Совет давлатининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, Армия билан Флотнинг жанговар шайлигини оширишга бағишлаш ҳақида партия билан давлатнинг нақизи ҳамдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумида совет кишиларида, айниқса ёшларда юксак сиёсий хушёрлик ва синфий зийраклик туйғуларини камол топтириш, госяий муҳолифларга кескин зарба бера олиш, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга тайёр туриш қобилиятларини тарбиялаш, жамиятимиздаги камчилик ва нуқсонларга нисбатан муросасизлик туйғусини шакллантириш, юксак коммунистик идеалларга садоқат ҳиссини сингдириш борасидаги ишларни кучайтириш нихоятда муҳим эканлиги таъкидланди. Таъмагириклик, бойлик орттириш, ортқиқа беэасизлик берилиш, маънавий нопоклик каби жамиятимиз моҳиятига зид кўринишларга нисбатан ёшларда нафрат туйғусини қарор топтириш лозим, токи ёшларимиз актив ҳаётини позицияда туриб, Ватан куч-қудратини мустаҳкамлашга муносиб улуш қўша олинлар.

Мамлакатимиз тарихининг йилномаси... Совет халқи бу тарихга ўзининг қаҳрамонона жасоратлари шонли саналарини ёзиб қолдирган. Лекин Ғалаба куни асрлар оша

хотирада яшайдиган алоҳида саналардан-дир. Улуғ Ватан уруши халқимиз учун тўрт йил давом этган энг оғир курашлардан бўлди. Ана шу жангларда Ватанимизда ўз гитарлари ва яқинларидан жудо бўлмаган оилани топиш мушқул.

СССРда социализм ғалабаси натижасида таркиб топган совет халқининг маънавий-сиёсий бирдамлиги Ватан учун жангларда яққол намоён бўлди, совет жангчиларининг мардонаворлиги, фидойилиги, қаҳрамонлиги бутун жаҳонни қойил қолдирди. Улуғ Ватан уруши йилларида кўплаб солдат ва сержантлар, офицер ва генераллар, жами 7 миллиондан зиёд киши Ватанимизнинг орден ва медаллари билан тақдирландилар, алоҳида жасорат кўрсатган талайгина жангчилар Совет Иттифоқи Қаҳрамони олий унвонига мушарраф бўлдилар.

Туркистон ҳарбий округи жангчилари ҳам Улуғ Ватан урушида жасорат намуналарини кўрсатишди. Ўзбек халқининг 120 мингдан зиёд мард ўғлонлари СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Генерал Собир Раҳимов, старший сержант Жўра Маҳмудов ҳамда Тўйчи Эрийгитов, Турғун Аҳмедов, Воис Эргашев ва Ботир Бобоев, ёзувчилар Тихомолов, Карпов, расом Сами Абдуллаев каби жасур ҳамюртларимизнинг муборак номлари совет халқининг қалбидан абадул-абад ўрин олган.

Улуғ Ватан уруши ҳақида гап борар экан, фашистларга қарши қуроолдош дўстларим билан биргаликда олиб борган жанглар, Сталинграддан Берлин, Дрезден ва Прагага-ча босиб ўтган йўлларим кинолентасидагидек кўз ўнгимда гавдаланади. 1941 йил 1 август куни Киев остоналарида илк бор фашист ғазандалари билан юзма-юз жанг қилдик. Визинг Биринчи алоҳида махсус отрядимиз Жануби-Ғарбий фронтнинг 40-армияси составида 1941 йилнинг дахшатли муҳорабасида немис фашистларига қарши жангларда катнашиб, икки ойдан кўпроқ вақт мобайнида генерал Гудериан танк группировкасининг асосий қисмини тор-мор келтиришда жасорат кўрсатди.

Урушнинг қизгин кезлари марказий газетда «Ўзбек халқининг ўзбек жангчиларига мактуби» босилганди. Бу мактуб душманга бўлган нафратимизни юз чандон ошириб, кучимизга куч қўшди, ғалабага ишончимизни янада кучайтирди.

«Агар сиз душманни тезроқ тор-мор келтирмасангиз, каллакесар немислар мўйсафид ота-боболарингизнинг мўйтабар соқолларидан ушлаб, уларни хўрлаши аниқ гап, — дейилган эди Мактубда... — Фарзанд деган ўз меҳрибон ота-онанинг белига қувват ва мадор, уларнинг тегиб турган серқон юраклари ва оламни кўрадиган кўз қорачиғи демакдир. Бас, шундай экан, ота-онанинг орномусини, ҳаёт ва тинчлигини сақлаш фарзанд учун ҳам қара, ҳам фарзандир...»

1943 йилнинг 2 феввали. Сталинград бўсағасида фельдмаршал Паулус қўмондонлигида, Гитлернинг сараланган солдатларидан иборат 330 минг кишилик армияси таслим бўлган бу кун Германияда мотам куни деб эълон қилинди. Биз, совет жангчилари учун эса бу катта тантана эди. Барча жангчи ва командирларимизга «Сталинград мудофааси учун» медали, менга эса у билан бирга «Киев мудофааси учун» медали ҳам топширилди.

Ватанимиздан фашист ғазандаларини қувиб чиқариш учун бўлган ҳаёт-мамонт жанглари қаҳрамонликларга тўла. Шундай жасорат кўрсатганлардан бири Абдуллажон Ориқуловдир.

У бригадамизнинг жанговар байрогини фашистлардан кўз қорачигидек авайлаб сақлади. Кўксини ҳукуматимизнинг орден ва медаллари беэаб турган жасур жангчи Фарғона область, Олтириқ районидидаги Полосон қишлоғидан, у пири-бадавлат бўлиб, яқинда 75 ёшида дунёдан ўтди.

Морозовск ва Каменск шаҳарларини озод қилиш учун олиб борилган оғир жангларда бригада артиллерия бошлиги майор Файзулла Норхўжаев артиллерия тўплашига раҳбарлик қилиб, душманинг танк, артиллерия ва пиёда группировкаларини тор-мор этишда ўзининг ҳарбий маҳоратини ишга солди. У Польшани озод қилишда иштирок этди, Одерни кечиб ўтиб, ўзининг танкка қарши артиллерия полки билан Берлинни ишғол этишда жасорат кўрсатди.

Совет Қуроли кучларининг сафлари ажайиб ўринбосарлар билан тўлиб борапти. Ҳозир Армия сафида ўз бурчини ўтаётган ёшлар орасида биз колхозчию механизаторни, ишчию хизматчини, ўрта ва олий маълумотли мутахассисларни учратамиз. Совет халқи Қуроли Кучларимизнинг бебаҳо таъини — офицер кадрлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Яқинда уруш даврида Ватанни ҳимоя қилишда кўрсатган қаҳрамонлиги учун ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида, интернационал руҳда тарбиялашда қўшган ҳиссаси учун Совет Армияси ва Ғарбий-Денгиз Флоти комсомол ташкилоти Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

«Шонли юбилей — совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси 40 йиллигига ҳозирлик кўриш пайтида ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларни кенг

авж олдириш лозим» — деб таъкидлади ўртоқ К. У. Черненко комсомол ташкилотлари секретарларининг Умумармия кенгашида. Ёшларни Ватанга муҳаббат ва унинг душманларига нафрат руҳида, юксак сиёсий, синфий хушёрлик, жасоратга доим шай бўлиб туриш руҳида янада қатъият билан тарбиялаш керак. Давлатимиз асосчиси В. И. Лениннинг: «Тинчлик биз учун ҳамма нарсадан ҳам зарур», деган сўзлари бугунги кунда янада жанговарлик касб этган. Қуролли Кучларимиз халқимизнинг тинч бунёдкорлигини ҳимоя қилишга даъват этилган. Замоनावий мураккаб жанговар техника билан қуролланган Армия ва Флотимиз бугунги кунда атрофчи ва чуқур билимга эга бўлган ёшларни талаб этаётир.

Ҳар бир қадамда, ҳар бир ишда ленинча халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги намуналарини кўриш мумкин.

Тошкент шаҳридаги 22-ва 203-ўрта мактаблар, Чортоқ районидagi 22-ўрта мактабнинг интернационал дўстлик клуби аъзолари «СССР — менинг Ватаним» шиори остида ибратли ишларни амалга ошираётирлар, улар қардош республикалардаги дўстлари билан алоқани янада мустаҳкамламоқдалар. Ёзишмалар ва совгалар алмашишиб, бой ҳужжатлар тўпламоқдалар, улардан дарсларда унумли фойдаланмоқдалар.

Интернационал тарбия соҳасида муваффақият қозонаётган ўқув юртлари ҳам оз эмас. Тошкентдаги 64-, 110- ва 9-, Хўжайли шаҳридаги 18-, Фарғонадаги 6-, Термиздаги «Правда» номли мактаблар, Хева Пионерлар уйи, пойтахтдаги Н. К. Крупская номли Пионерлар саройи, В. И. Ленин номли республика қизлар педагогика билим юрти шулар жумласидандир.

Бўлажак Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш ва шакллантириш ишида бошланғич ҳарбий тайёргарлик дарслари катта роль ўйнайди. Образли қилиб айтганда, мактаб ҳарбий тайёргарлик раҳбари бўлажак жангчининг биринчи жанговар командири ҳисобланади. Юқори синф ўқувчилари унинг дарсларида армия хизмати ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўладилар, ҳарбий иш ва граждан мудофааси алифбоси билан танишадилар. Бу ишни собитқадамлик билан, техника воситалари ва кўргазмали қуроллардан, шахсий тажрибадан фойдаланган ҳолда амалга ошириш фақат бошланғич

ҳарбий тайёргарлик раҳбарининггина эмас, балки бутун умумий таълим мактаблари, педагогик ва граждан мудофааси штаблари коллективи олдидан турган муҳим вазифадир.

Тарбиявий жараён таъсирчанлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири — мактабларнинг ва билим юртларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашдан иборат. Республикаимизда бу борада анчагина тажриба тўпланган. Фарғона область, Ленинград райони педагогик коллективлари ва жамоатчилигининг бу борадаги фаолияти диққатга сазовор. Бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва граждан мудофааси бўйича ўтган йилнинг охирида улар мактабларнинг бутун ўқув-моддий базасини бошланғич ҳарбий тайёргарлик программасига ва СССР Мудофаа министрлигининг тавсияномаларига қатъий мувофиқлаштириш ташаббуси билан чиқдилар. Ташаббускорларнинг тажрибаси мактаб тўғрисидаги ғамхўрлик чинакам умумпартиявий, умумхалқ ишга айланган тақдирдагина муваффақият қозониши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Наманган областида ҳам ёш авлоднинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўйича таҳсинга лойиқ ишлар қилинмоқда. Бу ерда кўпгина мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида жанговар ва меҳнат шуҳрати хоналари, бурчаклари, заллари ва граждан мудофааси шахарчалари ташкил этилган ва жиҳозланган. Ўқувчилар гражданлар уруши, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ва ветеранлари билан, ишлаб чиқариш илгорлари ва ёш жангчилар билан тез-тез учрашиб турадилар. Урта мактабларда қизил изотпарлар ва темурчилар отрядлари, интернационал дўстлик клублари самарали ишлаб турибди. Косонсой районидagi Куйбишев номли 6-мактаб ҳарбий-ватанпарварлик ишлари ҳақда бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва граждан мудофааси комплексини жиҳозлаш бўйича республика социалистик мусобақасида биринчи ўринни эгаллаштириб бежиз эмас.

Шу билан бирга республиканинг бир қатор областлари халқ маорифи ва ҳунар-техника органлари, граждан мудофааси штаблари ишида бу соҳада жиддий камчиликлар мавжуд. Жумладан, Қорақалпоғистон АССР, Навоий ва Қашқадарь областларида бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва граждан мудофааси бўйича ўқув-моддий базани мустаҳкам

лашга зарур эътибор берилмаётир, машғулотлар савияси ҳозирги талаблар даражасига кўтарилмаган. Халқ маорифи органлари, мактаблар ва ўқув юртларининг раҳбарлари ҳарбий спорт иншоотлари ва жиҳозларнинг ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқарилишига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Ҳозирги пайтда хатарли ва кескин тусланган мураккаб халқаро вазиятда КПСС, Совет давлати тинчлик ишени изчиллик билан қатъий гуриб ҳимоя қилишни, сабр-матонат ва сергаклик кўрсатишни, империализмнинг инсоний манфаатларига зид режаларини кескин барбод этишни, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашни энг муҳим масала деб билдилар. «Биз мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, урушқок авантюрачиларнинг жазавазини пасайтира оладиган етарли воситаларга эга бўлиш ҳақида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилаверишимиз хуусида кеч кимда шубҳа-ғумон бўлмай қўя қолсин», — деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил Февраль пленумида.

Саксоничи йилларнинг Ватан ҳимоячилари граждан уруши ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг эстафетасини муносиб кўтариб бормоқдалар. Партияимиз билан Совет ҳукуматиимиз СССР Қуролли Кучларига бераётган юксак баҳо бунинг далилидир.


Совет Қуролли Кучларининг юксак жанговар қудрати жангчиларнинг ажойиб фазилатларига, уларнинг ўз муқаддас бурчига астойдил садоқатига таянади. Ҳозир Армия ва Флотда уруш ветеранларининг ўғил ва набиралари хизмат қилмоқдалар. Улар ўз оталари ва боболари зиммасига тушган оғир синовларни кўрмаганлар. Аммо улар армия-мизнинг, халқимизнинг қаҳрамонона аъналарига содиқдилар. Винобарин, ҳар сафар, мамлакат хавфсизлиги, тинчликни ҳимоя қилиш манфаатлари талаб қилиб қолганида, боқинчилар тажовузига учраганларга ёрдам бериш лозим бўлганида совет жангчиси жаҳон аҳлининг кўзи ўнгида беғараз ва довурак ватанпарвар, чинакам интернационалист сифатида намоён бўлмоқда. Ҳозирги ҳарбий хизмат талоноти билан тинч даврда ҳам мардлик, матонат, фидоқорлик ва юксак профессионал маҳорат талаб қилинади.

Совет Қуролли Кучларининг жанговар замини — юксак техникавий таъминот, ҳарбий маҳорат ва метиндек маънавий руҳининг мустаҳкам қотишмасидан иборат. Эндилқда Совет Қуролли Кучлари ихтиёрида қитъаларо ва ўртача олисликка учирадиган қудратли стратегик ракета комплекслари, танкларнинг замонавий типлари, осмон ҳужумидан мудофаанинг самарали воситалари, юксак жанговар ва учиб хуусиятларига эга бўлган самолётлар, ҳар қандай нишонни мўлжалга аниқ оладиган атом ракеталари жойлашган сув ости кемалари, самолётлар, ракеталарга қарши турадиган кемаларимиз мавжуд.

Совет Қуролли Кучлари доимо сергак турибди. Воқеаларнинг ҳар қандай ривожини, жумладан Европада Американинг ракеталари жойлаштирилади бошланганлиги бизни гафлатда қолдира олмайди.

Совет Қуролли Кучларининг офицер, сержант ва оддий солдатлари республикаимизнинг шонли умумхалқ байрамими Узбекистон меҳнаткашлари билан бирга ҳар қачонгидан ҳам куч-қудратга тўлган ҳолда кутиб олмақдалар. Халқ билан мустаҳкам алоқа ва унинг шонли аъналарига садоқат, юксак гоивийлик ва коммунизм ишига фидоийлик уларнинг энгилмаслик манбаидир.

Совет халқи ёш авлодимизнинг ҳар бирини бўлажак Ватан ҳимоячиларини кўради. Улар халқимизнинг қаҳрамонона шон-шуҳратларга бурканган байроғини шараф билан баланд кўтариб боришлари керак. Уларни оталар шуҳратининг муносиб ворислари қилиб тарбиялаш партия ва комсомол ташкилотларининг, педагогик коллективларининг, бутун халқ маорифининг ватанпарварлик бурчидир.



Зиярат (хиндиетонлик сайёх Номаълум солдат қабрига гуллар қўймоқда).

Н. Шарипов фотоси

КОСМОНАВТИКАМИЗ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА



Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони,
СССР космонавт учувчиси В. А. ЖОНИ-
БЕКОВ.



Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони.
СССР космонавт учувчиси С. Е. САВИЦКАЯ



Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР кос-
монавт учувчиси И. П. ВОЛК.

Барча совет кишилари қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам космонавтаримизнинг янги муваффақиятли парвозини зўр фахрланиш туйғуси билан кутиб олдилар. Негаки, бу парвоз ҳам аввалгиларидек, совет космонавтикасини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди, фан ва техникамизни муҳим янгилıklar билан бойитди. Айниқса, бу галги парвозда учини программасига мувофиқ ватанимиз, совет космонавти Светлана Савицкаянинг илк бор очиқ космосда бўлиши жаҳон космонавтикаси тарихида муҳим янгилік бўлди. Ҳа, «Салют-7» — «Союз Т-11» — «Союз-12» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг учини программасига мувофиқ 1984 йил 25 июлда космонавтлар Светлана Савицкая ва Владимир Жонибеков очиқ космик фазога чиқдилар. Ташқарига чиқишдан мақсад мураккаб технологик операцияларни бажаришга мўлжалланган янги универсал қўл асбобини синаб кўриш эди. Бу ишда, ҳали айтганимиздек, биринчи марта космонавт аёл фаол қатнашди. Космонавтлар Москва вақти билан соат 18 дан 55 минут ўтганда ташқи туйнукни очиб, станциядан чиқдилар. Улар ўтиш бўлмасида ихчам электрон нур қурилмасини, бошқариш пультаини, ток ўзгартғич ҳамда металл планшетларни ўрнатдилар ва мазкур механизмларни ишлагга тайёрладилар. Светлана Савицкая универсал қўл асбоби ёрдамида металл пластинкаларни қирқини, пайвандлаш, кавшарлаш ва сиртига қоплама югуртириш операцияларини кетма-кет бажарди. Бу пайтда Владимир Жонибеков эса, киносўёмка қилди ва телевизион репортаж олиб борди. Шундан кейин космонавтлар ўринларини алмаштирдилар. Космонавт Жонибеков бошқа намуналар билан технологик операцияларни бажарди. Мўлжалланган ишлар бажарилганидан сўнг асбоб-ускуналар ва олинган намуналар ўтиш бўлмасига қайтарилди. Шунингдек, космонавтлар ташқарига чиқишнинг якуниловчи босқичида станциянинг ташқи сиртида илгари ўрнатилган ва турли конструкциядон материаллар билан очиқ космос шароитларида узоқ вақт бўлган панелларни кўчириб станция ичкарисига олиб кирдилар. Светлана Савицкая ва Владимир Жонибеков очиқ космик фазо шароитларида жами 3 соат 35 минут бўлдилар. Светлана Савицкаянинг очиқ космик фазо шароитларида ноёб экспериментларни муваффақиятли бажарганлиги киши бошқарадиган

орбитал комплекс аппарат ичидагина эмас, балки очиқ космосда ҳам мураккаб ишларни бажаришда аёллар самарали ишлаши мумкинлигини кўрсатди.

Космонавтлар Владимир Жонибеков, Светлана Савицкая ва Игорь Волк «Салют-7» — «Союз-Т-11» — «Союз Т-12» илмий-тадқиқот комплекси ичида биргалікда бажариладиган ишлар программасини тугаллаганликларидан кейин 1984 йил 29 июль куни Москва вақти билан соат 16 дан 55 минут ўтганда Ерга муваффақиятли қайтиб тушдилар. Бу вақтда космонавтаримиз Леонид Кизим, Владимир Соловьев ва Олег Атьков «Салют-7» орбитал станциясида учини давом эттирар эдилар.

Орбитал комплекс ичида олти космонавддан иборат экипажнинг иш даврида илмий-техника тадқиқотлари ва экспериментларнинг планлаштирилган программаси бажарилди.

Космонавтлар Ерининг табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф-муҳитни ўрганиш программасига мувофиқ Совет Иттифоқи территориясининг баъзи районларини кузатиш ва суратга олиш бўйича бир қатор ишларни бажардилар. Ер атмосфераси тузилишини ва космик фазода планеталараро жисмларнинг тақсимланишини тадқиқ этиш борасида бир қатор экспериментлар ўтказилди. Вазисизлик шароитида олинган ўта соф биологик актив жисмлар ва узоқ вақт мобайнида очиқ космик фазода турган конструкциядон материалларнинг намуналари Ерга олиб тушилди.

Парвоз вақтида космик учини шароитларининг инсон организмига таъсирини чуқурроқ ўрганишга ва вазисизликнинг ноҳуш таъсири профилактикасининг усуллари ҳамда воситаларини такомиллаштиришга қаратилган медицина тадқиқотлари комплекси ҳам ўтказилди. Шунингдек, космик учини омилларининг турли биологик объектларга таъсирини ўрганиш юзасидан бир қатор экспериментлар бажарилди.

Космонавт аёлнинг иштироки билан экипаж парвозининг муваффақиятли тугалланганлиги космик фазони ўзлаштириш тарихида янги, ёрқин саҳифа бўлди. Ўтказилган тадқиқот ва экспериментларнинг натижалари фанининг ва мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилади ва тинчлик мақсадларида космик-техникани ҳамда космик фазо тадқиқотларини ривожлантиришга имкон беради.

ЎҚИТУВЧИ МАСЪУЛИЯТИ

Мақтаб таълими—
умумхалқ иши

Мажид САМАДОВ,

филология фанлари кандидати, Ўзбекистон ССРда хизмат
кўрсатган ўқитувчи

РИВОЖЛАНГАН социализм шароитида совет халқ маорифи системаси ғоят юксак поғоналарга кўтарилди. Унинг улғувор кўлами қуйидаги рақамларда яққол кўриниб турибди. Мамлакатимиз олий ўқув юртиларида 5,3 миллион, умумий таълим ва ҳунар-техника билим юртиларида 52,5 миллион нафар ва мактабгача тарбия муассасаларидагиси билан 80 миллионга яқин ёш бўлган таълим-тарбия олмақда. Ҳар йили халқ маорифига сарфланаётган маблағ эса 17 миллиард сўмни ташкил этади. Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш асосий йўналишларининг амалга оширилиши муносабати билан халқ маорифи бюджетининг миқдори йилга яна қўшимча 3,5 миллиард сўмга ортади. КПСС Марказий Комитетининг Июнь (1983 йил) пленумида таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатнинг бутун тарихи мобайнида энг ўқимшли, профессионал жиҳатдан мукамал тайёргарлик кўрган ёш авлод мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. Коммунистик идеалларга, революцион анъаналарга содиқ бўлган ёшлар беш йилликнинг олдинги марраларида меҳнат қилмоқдалар. Ҳа, улар келажакимизнинг муносиб ворисларидир.

Ана шундай ажойиб инсонни камол топтиришда совет ўқитувчисининг тутган ўрни ва роли муҳимдир. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет давлати ёшларни тарбиялашда ўзининг ишончли таянчи бўлган халқ ўқитувчисининг моддий ва маънавий шароитларини яхшилаш, турмуш даражасини ошириш, уларга маданий-маиший хизматни кучайтириш борасида катта тадбирларни амалга оширмоқдалар. Мамлакатимизда ҳар йили ўқитувчилар кунининг анъанавий нишонлиниши, «СССР халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маориф ходими», «Катта ўқитувчи» ва «Методист-ўқитувчи» каби унвонларнинг таъсис этилиши ва бошқа имтиёз-омиллар халқ ўқитувчиларига қилинаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Шу йилдан бошлаб эса 1 сентябрь — Билимлар кунини умумхалқ байрами сифатида нишонланади.

Серқуёш республикамизда ҳам ёшларга таълим ва тарбия бериш-

да 270 мингдан зиёд ўқитувчи ва тарбиячилар фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг қарийб 80 проценти олий маълумотли кадрлар.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» ни ҳаётга жорий этаркан, ислохотни амалга оширувчи асосий фигура бўлган ўқитувчининг обрў-эътиборини ва масъулиятини оширишга жиддий эътибор бермоқда.

Ислохот йўналишларида ҳозирги шароитда ёшларга таълим ва тарбия беришининг, уларни турмушга ва меҳнатга тайёрлаш асослари ўзининг ёрқин ифодасини топди.

«Халқ ўқитувчиси бизда шундай бир юксак даражага кўтарилмоғи лозимки, — деб таъкидла-

ган эди В. И. Ленин, — у буржуа жамиятида ҳеч қачон бундай юксак даражага кўтарилмаган, кўтарилмайти ва кўтарилши ҳам мумкин эмас. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Биз ўқитувчини маънавий жиҳатдан юксалтириш борасида ҳам, уни ҳақиқий юксак унвонга лойиқ бўлишга ҳар тарафлама тайёрлаш борасида ҳам муҳими, муҳими ва энг муҳими унинг моддий аҳволини яхшилаш борасида ҳам мунтазам, оғишмай, зўр бериш олиб бориш йўли билан юқорида айтилган ҳолга эришмоғимиз лозим».

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқ ўқитувчисига бўлган ленинча ғамхўрлиги КПСС Марказий Комитети 1984 йил Апрель пленуми ва ўн биринчи қақриқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси маъқул-

лаган умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларига мувофиқ ислохотнинг конкрет масалалари юзасидан қабул қилган қарорларида янада яққолроқ намоён бўлди. Жумладан, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Маориф ва ҳунар-техника таълими системасининг педагог кадрларини тайёрлашни такомиллаштириш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» ги ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ қасаба союзлари Марказий Совети «Ўқитувчиларнинг ва халқ маорифи бошқа ходимларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» ги қарорларида ўқитувчиларнинг, халқ маорифи ходимларининг обрў-эътиборини



Тошкент шаҳридаги 22-ўрта мактабнинг кекса педагоглари — мактаб директори, Ўз ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳақимжон Ҳошимов (чапдан), тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси Ҳасанхўжа Соатов, рус тили ўқитувчиси Мария Васильевна Гладкова ўз талабалари даврасида. Ўқувчилар устозларини Билим кунини билан самимий қутламоқдалар.

янада охириги, уларнинг меҳнат, моддий-маиший, маданий турмуш шароитларини яхшилаш, гоъвий-сиёсий, профессионал тайёргарлиги ва малакаларини оширишнинг кенг программаси белгиланди. Шу йилнинг 1 сентябидан бошлаб ўқитувчилар ва бошқа халқ маорифи ходимларининг иш ҳақи босқичма босқич 30—35 процент оширила бошлайди.

Ислоҳот муносабати билан қабул қилинган қарорларда совет ўқитувчисига юксак, оталарча ғамхўрлик намуналари кўрсатилиши билан бир қаторда, унинг зиммасига социалистик жамиятни такомиллаштириш соҳасидаги дастуриламал йўл-йўриқларни рўйбга чиқаришга қодир бўлган, ҳар тарафлама камол топган ёш авлодни вояга етказишдек улуғвор, мураккаб ва кўпқиррали вазифаларни бажариш масъулияти юклатилмоқда.

Дарҳақиқат, ўқитувчилик гоъта машаққатли ва серташвиш касбдир. Халқ маорифи муттасил тараққий қилмоқда, катта ютуқларни қўлга киритмоқда, лекин айни пайтда унинг муайян камчилик ва нуқсонлари ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам партия-миз томонидан ишлаб чиқилган ва кенг халқ оммасининг муҳокамасидан ўтказилган ислоҳот ҳужжатларида мавжуд камчиликларга барҳам беришнинг асосий режалари партиявий принципаллик билан кўрсатиб берилди. Партиянинг муҳим талаби — инсон шунчаки муайян билимлар йиғиндисо соҳиб бўлибгина эмас, балки аввало — социалистик жамият граждани, унга хос гоъвий йўл-йўриқларга, ахлоқ ва қизиқишларга, юксак меҳнат ва хулқ-атвор маданиятига эга бўлган коммунизмнинг актив кувручиси бўлиб тарбияланишига эришишдир. Таълим ва тарбиянинг, касб танлашга ўргатишнинг ҳозирги шакллари замон талабларига бирмунча мос эмаслигини ҳисобга олиб, ёш инсонни камол топтириш жараёнида таълимни унумли меҳнат билан, касб ва ихтисослар билан уйғунлаштириш асосида уларнинг ҳаётий истиқболларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Урта умумий таълимдан ўн бир йиллик таълимга ўтилади. Болаларни мактабга 6 ёшдан қабул қилинади. Янги таълим системаси 1986 йилдан ўқитувчи кадрлар тайёрланишини ота-оналарнинг истагини, болаларнинг ўзини даражасини ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширила бошлайди. Ислоҳот муносабати билан янги ўқув планлари, программалар, дарсликлар, методик ва бошқа хил қўлланмалар ишлаб чиқилади.

«Шу йилнинг ўзида таълим-тарбия жараёни, мактаб ўқувчиларига меҳнат таълими беришни, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг Апрель пленуми (1984 йил) қарориди, — касб танлашга ўргатишни такомиллаштириш соҳасида реал қадамлар қўйиш зарур».


Ислоҳотнинг асосий масъулияти биринчи навбатда ўқитувчи зиммасига тушади. У кенг қўламдаги янги вазифаларни ҳар томонлама синчковлик билан ўрганиши ҳамда буларни ҳаётта

табтиқ этишининг изчил режаларини ҳам мушоҳада этиши лозим.

Ўқитувчи, педагог қайси вазифада ишлаши, қандай предметни ўқитишидан қатъий назар, фақат ҳаёт талаблари даражасидагина эмас, балки бир қадам олдинда, эртанги кун талаблари билан яшамоғи керак. У фақат ўз фанининг эҳтиросли тарғиботчиси ва билимдони бўлибгина қолмасдан, шу фанининг янги тараққий қирраларидан хабардор, уни амалиётда қўллаш оладиган, ижтимоий ҳаётнинг йўналиши ва жараёнларини тўғри тушуниб, иш тажрибасида амал қилиш маҳоратига эга бўлиши керак. Ўқитувчи ўзининг педагогик савиясини муттасил синаб туриши ва ўқувчилар қалбига йўл топиш санъатини такомиллаштириб бориши лозим. У тарбиячи сифатида эса ўз ўқувчи-шоғирдларини фақат билимлар билангина қуроллантириб қолмай, балки ажойиб инсоний фазилатларни, турмуш тарзи нормаларини ҳам сингдири билиши керак. Шунинг учун ҳам ўқитувчи қайси фандан таълим бермасин, ёшлар учун социалистик ахлоқ мураббийси сифатида маънавий юксак намуна кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Юсуфжон Усмонов, Жума Шукуров, Хўжамбергин Иембергенов, Рихсатилла Ҳусанов ва Евдокия Коломицева сингари моҳир педагоглар шундай юксак фазилатли мураббийлардир.

Албатта, ўқитувчи шахсини таркиб топтиришда педагоглар коллективининг роли каттадир. Ҳақиқий педагоглар коллективи — муқаддас мақсадлар билан, ёшлар қалбига ақл-заковат, эзгулик ва мангулик уруғини сепадиган олий ҳимматли кишилар уюшмасидир. Бундай коллективда ўртоқлик, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, ижодий муҳит ва принципаллик кайфияти ҳукм суради. Соғлом маънавий психологик муҳит янги ташкил этилган коллективдагина ишда юксак кўрсаткичга, катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Бундай кол-



Езги каникулдан кейинги ҳаяжонли дамлар. Тошкент шаҳридаги 115-ўрта мактабнинг ўқувчилари каникул таассуротларини ўртоқлашмоқдалар.

Р. Альбеков фотолари

лективда ёш ўқитувчиларга керакли ёрдам тўғри уюштирилган ва янги таълим системаси талабларини бажариш учун яхши замин ҳозирланган бўлади.

Албатта, юксак инсоний фазилатлар соҳиб бўлмиш ўқитувчилар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларни узоқ йиллар давомида кунт билан ўқитиш, ўргатиш, тарбиялаш ва мунтазам равишда профессионал малакаларини ҳам, гоъвий-сиёсий тушунчаларини ҳам ошириб бориш натижасидагина тайёрлаш мумкин. Янги таълим йўналишлари муносабати билан қабул қилинган ҳужжатларнинг асосида ўқитувчи шахси, унинг тақдир ва тақомили қўйилган. Эндиликда олий педагогика ва ўрта ўқув юртрларига кирувчилар ўқитувчилик ишига иштиёқ билан бел боғлаган ёшлардан мактаб педагогика советлари тавсияномалари билан танлаб олинади. Урта педагогик маълумотга ва камида бир йиллик педагогик иш стажига эга бўлган ўқитувчи, тарбиячи ва ишлаб чиқариш таълими мастерлари ўз идора органларининг йўлланмаларига мувофиқ шу соҳадаги олий ўқув юртрларининг сиртки бўлимларига тегишли ихтисослар бўйича суҳбатлашув натижалари асосида кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Шунингдек, халқ маорифи ва хунар-техника таълими маҳаллий органларининг йўлланмаси билан олий педагогика ўқув юртрларига аниқ мақсад билан қабул қилиш тартиби йўлга қўйилади ва буларга кўпроқ йигитларни қабул қилиш кўзда тутилади.

Бўлажак ўқитувчиларни ва ишлаб чиқариш таълими мастерларини мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш мақсадида педагогика институтларининг ва университетлар педагогика бўлими (факультетлари)нинг студентлари учун педагогика практикаси 1-курсдан охириги, курсгача жорий этилади. Янги талаблар асосида педагогик ўқув юртрларининг ўқув планлари, программалари қайта ишлаб чи-

қилади. Педагогика институтлари рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти, тарих, математика, физика, умумий техникавий фанлар ва меҳнат ихтисослари бўйича таълим муддатини беш йилга аста-секин ўтказиш ва умуман педагог кадрлар тайёрлашнинг сифати ва салмогини ошириш мўлжалланмоқда.

Умумий таълим ва хунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларига мувофиқ педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини янада такомиллаштириш учун зарурий шароитлар ярати берилади. Ўқитувчи ҳар тўрт-беш йилда малака ошириш курсларини ўташи шарт. Педагог кадрлар билан методик ишлар олиб бориб, уларнинг касб маҳоратини ошириш, илгор тажрибани оммалаштириш марказлари бўлмиш ўқитувчилар малакасини ошириш институтларининг фаолияти янада ривожлантирилади ва уларда тегишли кафедра-лар ташкил топади.

Умумий таълим мактаблари, хунар-техника билим юртрлари ва педагогика билим юртрларининг раҳбар кадрлари резервини вужудга келтириш тадбирлари кўрилади. Ўқитувчиларни ва бошқа педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш тартиби такомиллаштирилади ва аттестациянинг рағбатлантирувчилик роли кучайтирилади.

Халқ маорифининг янги таълим системасида кўзда тутилган юксак вазифаларни амалга оширишда оила билан мактаб ҳамкорлиги гоъта муҳим аҳамият касб этади. Болалар тарбияси учун ота-оналарнинг жавобгарлигини ошириш, оилавий тарбия билан жамоат тарбиясининг уйғунлигига эришиш янги таълим системасининг муҳим талабларидандир.


Янги таълим системасини жорий этиш халқ маорифи ходимларининг иши бўлибгина қолмай, бутун партия билан халқнинг жонжон иши, давлат аҳамиятига эга бўлган биринчи даражали вазифадир.

ЎЗБЕКИСТОНДА УЛУГ ОКТЯБРЬ социалистик революциясини тайёрлаш ва амалга оширишда фаолият кўрсатган большевиклар сафида Александр Яковлевич Першин (1874—1919)нинг номи алоҳида ўрин тутди. Революциянинг онгли курашчиларини тарбиялашдек улуг ишда ҳам унинг хизмати бекиёсдир. Низомиддин Хўжаев, Султонхўжа Қосимхўжаев, Мирзааҳмад Мирходиев каби ўзбек ишчиларидан инқилобнинг оташин жангчиларини етиштиришда у жонбозлик кўрсатди.

Александр Першин Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсатини оғишмай амалга оширган ҳақиқий интернационалистлар гвардиясига мансуб кишилардан бўлиб, унинг номи Ўзбекистондаги революцион ҳаракатнинг ёрқин саҳифалари билан чамбарчас боғлиқдир. У жуда оз, лекин гоёт мазмунга бой ҳаёт кечирди. Қисқа, лекин мазмундор ҳаётини халқ бахти учун, эзилган ва хўрланган меҳнат аҳли озодлиги учун курашга бағишлади. Отадан жуда эрта етим қолган Александр тўнгич ўғил сифатида укалари-сингилларини боқиб учун рўзгор халтасини елкасига осди. Темир йўл қурилиши, депо ва устаконалардаги оғир ва машаққатли меҳнат унда адолатсиз тузумга нафрат уйғотди. Ингирма беш ёшидаёқ у профессионал инқилобчи сифатида шаклланди.

Александр 1916 йил ёзда чор полицияси таъқибидан қочиб, Тошкентга келди. Уша йилдан бошлаб унинг бутун умри Ўзбекистонда революцияни амалга ошириш ва унинг ғалабаларини мустаҳкамлаш учун курашга бағишланди.

Ўрта Осиё инқилобий ҳаракат маркази бўлиши Бош темир йўл устаконаларида слесарь-чилангар бўлиб ишлаган Александр Першин темир йўлчилар орасида партиявий иш олиб борди. Махаллий социал-демократик тўғарақлар фаолиятини кучайтиришда Н. Шумилов, В. Ленин, Д. Манжара каби



таниқли большевиклар билан ҳамкорликда Туркистон ўлкасида чоризмга қарши ишчилар курашига раҳбарлик қилди.

Тошкент бу вақтга келиб бутун ўлкадаги инқилобий ҳаракат марказига айланган эди. 1917 йил февраль революциясидан сўнгра, 2 мартда Ўрта Осиё Бош темир йўл устаконалари ишчилари большевиклар раҳбарлигида Тошкентда катта митинг ўтказишди. Шу митингда меҳнаткашлар хоҳиш-иродасини ўзига ифодалаган Тошкент шаҳар Совети сайланди. Большевик Александр Першин ҳам депутатликка сайланди.

Ўрта Осиё Бош темир йўл устаконаларининг ишчи депутатлари Совети биринчи кунлардан оқ энг кучли ва обрўли ташкилотга айланди. 28 мартда Ишчи депутатлари Совети ва Солдат депутатлари Советининг қўшма мажлиси чақирилди. Бу мажлисда

ИНҚИЛОБ ФАРЗАНДИ

Ишчи ва Солдат депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети сайланди ва шу тариқа ҳар иккала Совет расмий равишда бирлашди. Инқилобий ишчилар ва солдатларнинг кучини яхлит сиёсий ташкилот қилиб бирлаштирган Ишчи ва Солдат депутатларининг Тошкент Совети революциянинг асосий кучи бўлиб қолди. Тошкент большевиклари Тошкент Советига таяниб, бутун Ўрта Осиёда Советлар ҳокимияти учун кураш олиб бордилар.

1917 йил 15 апрелда Ишчи ва Солдат депутатларининг I ўлка съезди иш бошлади. Унда Александр Першин Ўлка Совети ва Озиқ-овқат комитети аъзоллигига сайланди. Съездда Першин Петроград ва Москва Советлари чақирғига мувофиқ халқаро пролетариат байрами — 1 Майни кенг нишонлаш ва катта намойиш ўтказиш ҳақида маъруза қилди.

1917 йил 1 Майда эса, Александр Першин Ишчи ва Солдат депутатлари қўшма мажлисида шаҳар меҳнаткашлари озиқ-овқат танқислиги ҳақида гапирди. Қўшма мажлис озиқ-овқат запасларини мусодара этиш билан Совет астойдил шуғулланишни талаб этди ва Тошкент Совети Озиқ-овқат комиссиясини тузди. Унга депутат большевик Александр Першин раҳбар қилиб тайинланди. У Советларнинг I Бутунроссия съездида Ўрта Осиё Бош темир йўл устаконалари томонидан делегат қилиб сайланди. Першин съездда В. И. Лениннинг нутқини тинглади. Халқаро пролетариат доҳийси съезд делегатларига революция олдидаги туб масалалар ҳақида гапириб, фақат Советлар ҳокимиятига мамлакатни вайронагарчиликдан, очликдан қутқариши ва ишчи-деҳқонлар эҳтиёжини қондириши мумкинлигини уқтирди. Александр Першин Петроградда меҳнаткашларнинг тинч июль намойиши Муваққат ҳукумат томонидан ўққа тутилганини кўрди, эсерлар ва меньшевикларнинг бу ҳукумат малайларига айланганининг гувоҳи бўлди.

3 сентябрда РСДРП(б) Тошкент ташкилоти йиғилишида кўпчилик овоз билан «Барча ҳокимият Советларга!» шiori қабул қилинди. Тошкент Совети ижроия комитети мажлисида ишчи ва солдатларнинг митингини чақириб ҳақида большевикларнинг таклифи қўллаб-қувватланди. Митингнинг 12 сентябрда Александрвоғида чақирилган келишди. Бундан хабар топган Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети намойиш ва митинглар ўтказишни таъқиқлаб буйруқ чиқарди. Шунга қарамасдан ўн мингга яқин киши Александрвоғида (ҳозирги Коммунарлар маданияти ва истироҳат боғи) намойишга йиғилишди. Воғида митинг рус ва ўзбек ишчиларининг йирик сиёсий бирдамлиги намойишига айланди. «Иўқолсин импе-

риалистик уруш!», «Барча ҳокимият Советларга!» шioriлари уларни бир мақсад сари бирлаштирди.

Митинг катнашчилари Александр Першиннинг нутқини тинглашди. У большевикларнинг программасини баён қилди. Большевик Николай Шумилов ҳам Першиннинг фикрини тўлдирди. Митингда большевиклар резолюцияси кўпчилик овоз билан қабул қилинган, Вақтли Революцион Комитет сайланди. Унинг составига 4 большевик, 5 сўл эсер, 2 анархист, 3 меньшевик интернационалист кирди. Ревком сўл эсер, поручик Перфильевни генерал Черкес ўрнига Туркистон ҳарбий округи қўмондони қилиб тайинлади. Шаҳар комендант вазифасини эса прапорщик Л. Гриневский эгаллади.

Шу тариқа 13 сентябрь тонги отганда, ҳокимият Ишчи ва Солдат депутатлари Тошкент Совети қўлига ўтди. А. Першин, Н. Шумилов, Г. Цвиллинг, Ф. Колесов, В. Ленин, А. Казаков каби большевиклар бошчилигидаги Тошкент Совети ижроия комитети контрреволюция уяси — ўлка Советини бекор қилди.

Ҳокимият Тошкент Совети ижроия комитети қўлига ўтганиги муносабати билан Қўқон, Янги Бухоро, Каттақўрғон, Скобелев, Авлиё ота ишчи ва солдатларидан табриклар келди. Самарқанд, Андижон, Каттақўрғон, Қўқон ва Қушқадаги ҳарбий гарнизонлар Тошкент большевикларини қўллаб-қувватладилар.

Петроград большевиклари билан алоқа ўрнатган Вақтли революцион комитет аъзоси Александр Першин 13 сентябрдаги Тошсовет йиғилишида: «...биз ўзимиз революцияимизнинг авангарди Петроградга мададкор бўлайлик», дея депутатларни фаол ҳаракатга ундади. Ҳокимиятни қўлга олган Тошкент Советини Самарқанд, Андижон, Каттақўрғон, Қўқон ва Қушқа ҳарбий гарнизонлари қўллаб-қувватлаган бўлса ҳам, Тошкент Советидаги кўпчиликни ташкил этган эсерлар ва меньшевикларнинг қатъиянлиги ва муросасозлиги туфайли Муваққат ҳукуматини Туркистон комитети, унга хайрихоҳ ўлка Совети фаолиятига чек қўйилмади.

1917 йил 18 сентябрь куни Тошкент Совети Александр Першинни Тошкентдаги сентябрь воқеалари ҳақида ахборот бериш ва партия Марказий Комитети билан яқиндан алоқа ўрнатиб мақсадида Петроградга юборди. Александр Яковлевич Петроградда Петр Кобозев ва бошқа большевиклар билан учрашди, Ишчи ва Солдат депутатлари Петроград Советидаги ўртоқларни Тошкентдаги воқеалар билан таништирди. У Петроград Советидан Тошкент большевикларига мадад кўрсатишни илтимос қилди. 3 октябрда Петроград Совети Першин докладыни тинглаб муҳокама қилди. Худди шу йиғилишда большевик



Тошкентда 14 Туркистон комиссарига — В. Д. Вотинцев, В. Д. Фигельский, Н. В. Шумилов, А. Я. Першин, В. Н. Финкельштейн, М. С. Качуринер, А. Н. Малков, И. П. Фоменко, Е. П. Дубицкий, А. В. Червяков, Д. Г. Шнильков, С. П. Гордеев, М. Н. Троицкий, Г. И. Лугин шарафига ўрнатилган ҳайкал.

Н. Шарипов фотоси

В. Володарский Петроград Советини Тошкентни қўллаб-қувватлашга чақирди. Совет Тошкент ишчи ва солдатларининг фаолиятини қўллаб-қувватловчи резолюция қабул қилди. Харьков Ишчи ва Солдат депутатлари Совети ижроия комитети ҳам Тошкент Совети билан қардошлигини билдирди. Харьков Совети ҳокимиятнинг қўлга олган Тошкент Советини қўллаб-қувватлаш лозимлиги ҳақида Петрограддаги Советлар Марказий Ижроия Комитетига телеграмма жўнатди. Унда тошкентлик ўртоқларга Вақтли ҳукумат томонидан жазо отряди юборилишига норозилик билдирди. Айни вақтда ўзбек меҳнаткашлари қасаба союзлари большевиклар мурожаатига қўшилиб, Вақтли ҳуку-

матнинг Тошкентга генерал П. Коровиченконинг жазо экспедицияси юборганлиги муносабати билан қаттиқ норозилик билдирдилар. 20 сентябрда Тошкентда иш ташлаш бошланиб, трамвайлар қатнови тўхтади. Новвойхоналар, дўконлар, босмахоналар, газеталар ёшилди. Электростанция ҳам ишини тўхтатди. Шаҳар зулматга чўкди. Генерал Коровиченконинг жазо экспедицияси ана шундай вазиятда 24 сентябрда Тошкентга — Келес станциясига етиб келди. Унинг биринчи буйруғи Тошкент Советига дўқ-пўписадан иборат бўлди. Генерал-майор Коровиченко 24 соат ичида солдат ва ишчиларга қуролларини топширишни буюрди. Аммо генерал чучварани хом санаган эди. Больше-

виклар тарғиботидан сўнг жазо отрядининг зарбдор кучи — Пенза кавалерия бригадаси Тошкент Совети билан бирдамлигини эълон қилди. Бошқа отрядлар ҳам унга эргшиб, генералнинг буйруғига бўйсунмишдан бош тортди.

Такаббур генерал Тошкент Совети ижроия Комитети билан музокара юритишга мажбур бўлди. 25 сентябрда у ўз ўринбосари граф Доррерни музокарага юборди. 27 сентябрда Вақтли ҳукуматнинг Туркистондаги бош комиссари, Туркистон ҳарбий округи қўмондони П. Коровиченко билан Тошкент Совети ижроия комитети ўртасида сулҳ тузилиб, иш ташлаш тўхтатилди. Инқилобий кучлар ва контрреволюция ҳал қилувчи

курашга таратилди кўра бошлади. Худай марказдаги каби, Тошкентда ҳам инкилоб этилиб келмоқда эди.

4 октябрда большевикларнинг «Рабочий путь» газетасида И. В. Сталиннинг «Ўзлари калтаклашди» деб номланган мақоласи эълон қилиниб, унда Тошкентдаги воқеаларга катта баҳо берилди: «Кеча Тошкентдан келган делегат, — деб ёзган эди у «Рабочий путь» газетасида, — бизга Тошкент тарихининг ҳаққоний манзарасини чизиб берди. Маълум бўлдики, тошкентликлар Муваққат ҳукумат агентларининг барча кирдикорларига қарамай, Ўзларнинг революцион бурчларини ҳалол бажарибдилар». Большевикларнинг марказий органи бўлган «Рабочий путь» газетаси 1917 йил 11—12 октябрь сонларида Александр Першиннинг «Тошкент воқеалари ҳақидаги ҳақиқат» мақоласини эълон қилди.

Революцион Петроград Тошкент меҳнаткашлари ва унинг авангарди большевикларни қўллаб-қувватлашида П. А. Кобозев, В. Володарский каби етук революционерларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Александр Першин 1917 йил 25 октябрда большевикларнинг махфий мажлисида ишлаб чиқилган қуроли қўзғолон планининг муаллифларидан бири бўлди. Унинг таклифи билан Эски шаҳар пролетариатини бу план билан таништириш ва қўзғолон давомидаги ҳарбий ҳаракатларни тайёрлаш вазифаси большевик К. Е. Сорокинга юкланди.

— Қўзғолоннинг муваффақияти, — деди Александр Першин К. Е. Сорокинга, — бизни Эски шаҳар аҳолиси қай даражада қўллаб-қувватлашига боғлиқ эканини унутманг.

Унинг бу сўзлари нақадар тўғри эканини кейинги воқеалар тасдиқлади. 26 октябрда Эски шаҳар меҳнаткашларининг умумий йиғилишида ўзбек қуроли дружинасини тузиш масаласи ўртага ташланди. Низомиддин Хўжаев, С. Қосимхўжаев, М. Мирходиев, О. Бобожонов каби Эски шаҳар меҳнат аҳли етакчилари қуроли қўзғолонни қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

28 октябрь тонгида Ўрта Осиё Бош темир йўл устахоналаридан янграган гудок қуроли қўзғолон бошланганидан далolat берди, ўзбеклардан ташкил топган қуроли отряд рус ишчи ва солдатлари сафидан ўрин олди, оқ гвардиячилар устидан ғалаба қозонди.

31 октябрда Тошкент қўзғолончилар қўлига ўтди. Контрреволюциянинг сўнгги талачи — Тошкент қалъаси 1 ноябрда рус ва ўзбек ишчилари, солдатлари ҳужумига дош беролмай таслим бўлди. Коровиченко, Дор-

пер, полковник Русанов ва бошқа контрреволюция раҳбарлари — Турккомитет аъзолари қамоққа олинидилар.

Улуг Октябр ғалабасидан сўнг Александр Першин озиқ-овқат комиссари сифатида Совет ҳокимиятини мустақкамлаш учун курашди. Бу вақтда ўзига хос мураккаб сиёсий ва социал вазият вужудга келган эди, яъни гарчанд контрреволюция чекинган бўлса-да, кули олишувлар бўлиб турарди. Рус буржуазияси, собиқ амалдорлар революцияга қарши курашда етакчи ўринни миллий буржуазияга бериб, ўзлари улдар орқасидан эргашди.

Туркистон Советлари Фавқуллода V съезида большевиклар фракцияси таклифи билан Туркистон Совет Республикаси тўғрисида Низом қабул қилиниб, унда Туркистон ўлкаси Автоном Совет Республикаси деб эълон этилди. 1918 йил 1 Майда эса Тошкентдаги Инкилоб хиёбонида ТАССР эълон қилиниши шарафига байроқ кўтариш маросими бўлди. Хиёбон қизил байроқлар, лоларанг алвонлар, Карл Маркс сурати туширилган паннолар, транспарантлар билан безатилган эди. Ўша кунин Тошкент меҳнаткашлари бутун Туркистоннинг меҳнат аҳли билан бирга бирданига икки шонли воқеани нишонладилар: бутун дунё меҳнаткашларининг халқаро бирдамлиги кунин Ўрта Осиё халқи учун эркин миллий Совет Социалистик Республикасини барпо этиш йўлидаги биринчи кун бўлиб қолди.

1918 йил 12 май кунин Эски шаҳар мусулмон ишчи депутатлари ва янги шаҳар Совети кўшма мажлисида Александр Першин Туркистонда Совет автономияси барпо этилгани билан ўзбек меҳнаткашларини табриклаб катта нутқ сўзлади. Тошкент большевикларининг биринчи ташкилий йиғилишида Тошкент Озиқ-овқат халқ комиссари А. Я. Першин РСДРП(б) Тошкент шаҳар комитети составига сайланди. У шаҳардаги қайин аҳволи ҳисобга олиб, чайковчиларга қарши кескин кураш олиб борди. Озиқ-овқат маҳсулотларига қатъий баҳо белгиланди.

Кескин синфий кураш қатъий тадбирлар кўришни тақозо қиларди. Першин ўз фаолиятида Низомиддин Хўжаев, Султонхўжа Қосимхўжаев, Очиқ Бобожонов каби ўзбек инкилобчиларига суянди.

1918 йил июнь охирида большевиклар ташкилотларининг I ўлка съезида Тошкент партия ташкилотидан А. Я. Першин делегат бўлиб қатнашди. Съезд Туркистон Коммунистик (большевиклар) партиясини РКП(б)нинг таркибий қисми сифатида расмийлаштирди. У. В. И. Лениннинг кўрсатмаларини бажара бориб, маҳаллий миллатлар

ўртасида сиёсий ишларни кенг қулоқ ёйдириш ҳақида амалий тадбирлар белгилади. А. Першин, Н. Шумилов каби большевиклар ҳаракати туфайли ва П. А. Кобозев талаби билан Туркистон ўлкасининг оғир моддий аҳволини ҳисобга олиб, унга ёрдам учун марказий ҳукуматдан 70 миллион сўм ажратилди.

Ҳақиқатан ҳам ўлкада ёз ойлари мураккаб вазият вужудга келган эди. Оғир иқтисодий аҳвол устига яширин душман ҳаракати ҳам фаоллашди. Шаҳарда 1919 йил 18 январь кечаси нотинч бўлди. Республиканинг кўпчилик ходимлари шаҳар муҳофазаси бошлиғи Ф. Я. Цируллиннинг кабинетига йиғилишга тўнландилар. Қуролланган кишиларнинг бир гуруҳи темир йўл устахонасига бостириб киришга ва уни эгаллашга ҳаракат қилганлиги тўғрисида маълумот тушган эди.

Фавқуллода йиғилишга тўнланганлар орасида ҳарбий комиссар Константин Осипов кўринмади. Уни қидириб топишга ва шаҳардаги аҳволни билишга аҳд қилишди. Ҳукумат аъзолари телефонда у билан боғланишганда, Осипов вазиятни муҳокама этиш учун иккинчи полкка етиб келишларини илтимос қилди. Туркистон Марказий Ижроа Комитетининг раиси В. Д. Вотинцев, шаҳар Советининг раиси Н. В. Шумилов, шаҳар Совети раисининг ўринбосари В. Н. Финкельштейн, Туркистон Фавқуллода комиссиясининг раиси И. П. Фоменко ва бошқа комиссарлар хиёнатдан беҳабар ҳолда Осиповнинг қароргоҳига жўнадилар. Александр Першин эса фитнес ҳақида эшитиб, дарҳол темир йўл устахоналари томон отланди. Лекин у ярим йўлга етмасданок ок гвардиячилар томонидан қўлга олиниб, фитнесчилар қароргоҳи — 2-Сибирь полки казармасига келтирилди. У 1919 йил 21 январга ўтар кечаси бошқа Туркистон комиссарлари қатори ваҳшиёна қатл этилди.

Александр Яковлевич 45 ёшда ҳаётдан кўз юмди. Першин каби партия солдатлари ҳақида гап кетганда, беихтиёр содиқ ленинчи Петр Кобозевнинг Туркистон Коммунистик партияси III Ўлка съезида айтган қуйидаги сўзлари ёдга тушади.


— Коммунист бўлиш — ўзидан кечиш, бутун вужудини партияга бўйсундиришга шайлигини ҳис этиш демакдир, бу — жорат кўрсатишга қодир бўлиш, ишимиз талаб қилган ҳолда, жонни қурбон қилишга ҳам тайёр туриш демакдир.

Александр Першин партия солдати сифатида совет халқлари хотирасида абадий барҳаётдир.

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати



«Қизил тонг»
Тикувчилик ишлаб
чиқарин бирлашма-
сининг илгор ишчи-
ларидан бир гуруҳи:
Найми Исроилова, Ха-
лима Тешабоева, Роби-
ка Умарбекова, Мали-
ка Зоҳидова ва Хафи-
за Файзиёва.
В. Молгачёв фотоси



ШУКРУЛЛО

МАЙСАЛАР

Дунёдан абадий кўз юмгинг келмас
Яркираб, гуркираб келганда баҳор.
Еллар қўлларингдан тортқилаб

қўймас,
Қўшиқ бўлиб кирар қалбингга анҳор.

Илк марта гуллаган шафтолу тонгда
Қалбингга бағишлар қанчалар ҳузур.
Кўз узинг келмайди офтоб минг
рангда
Зангори осмондан сочиб турса нур!

Турналар қур-қурлаб, арғимчоқ солиб
Сени аллаламоқ бўларлар бир дам,
Кўм-кўк майсаларга кўксингни бериб
Бағридан ажралгинг келмайди ҳеч
ҳам.

Беғубор майсалар!.. Барра майсалар...
Анҳорлар киргоғи кўм-кўк майсазор!
Тепалар ёнбағри, чинорлар ости,
Қайга назар солма, кўм-кўк беғубор.

Майса-барраларнинг бағрига сингиб,
Кучоғин тарк этгинг келмайди мутоқ.
Азиз, она тупроқ, эй она дийёр,
Не бахтки, бағрингда абадий қолмоқ!

АЙРИЛИҚ

Тую улфатларда дўстлар бўлса жам,
Виллур қадаҳларга қуйилади май.
Ҳайрон қоладилар баъзан рад этсам,
Улфатлар қатори бир култум ичмай.

Ҳайрон қоладилар фақат майнимас,
Ҳатто чекишни ҳар тарк этганимга.

Ҳайрон қоладилар кичик қалбимга
Икки айрилиқни сиздирганимга.

Гўё бунда бир сир, мўъжиза бордек,
Менга шубҳа билан боқишар ёшлар.
«Ҳуфияга ўтиб, биздан яширма»,
Дегандек сўз қотар гоҳо тенгдошлар...

Гоҳо ёридан ҳам айриллар инсон,
Бунга ҳам бардоши етар-ку мутоқ.
Нима деган нарса чекиш хумори,
Нима деган нарса майдан айрилмоқ?!

КИМДИР СЕНИ ДЕСА, МАБОДО ЕМОН...

Агар у мақтанчоқ бўлса, ранжима,
Бундай феъли учун қилма гуноҳкор.
Мақтанса мақтансин, тингловчининг
ҳам

Ўзин ақлу хуши, фаросати бор.

Палончи амалдор менинг дўстим деб,
Кимдир мақтанганда тўй-томошада,
Билмай ёнидаги ўша эканин
Бўлганлар йўқ эмас элга шарманда.

Кимдир мартабага ишқибоз бўлса,
Шухратпараст бўлса, у ҳам ҳеч гапмас.
Шухратга интилсин, аммо бошқанин
Оёғидан тортиб, чалмаса у, бас!

Балки бу нуқсондир, балки интилиш,
Инсон юрсам дейди олдинга ўтиб.
Ахир самолётда, тайинли жойга
Ҳовлиқиб, бир-бирин ўтади туртиб.

Дўстим, куйиб-ёнма, ортиқ ўртанма
Кимдир сени деса, мабодо ёмон.
Меҳнатингга ишон, ўзингга ишон,
Кимнинг ҳақлигига ҳакамдир замон...

Инсон бир мўъжиза, феълин ўйласанг,
Баъзан ўз-ўзингча қоласан ҳайрон.
Кимдир чўлни севар, аммо кимлардир
Ҳатто чамандан ҳам топади нуқсон.

Кимдир майдан учиб юрса заминда,
Кимдир фазоларга қилмоқда парвоз.
Насиб қилавермас бахт ҳам ҳар кимга,
Ҳар кимни ҳам қилавермас халқ эъзоз.



Менга таъна тошин отмоққа шовма,
Майхўр, худбинлардан минг бор
алқазар.

Шундай гуноҳлар ҳам борки оламда
Булар ҳеч гап бўлмас, ўйласанг агар.

Тақдир деб чидайсан бевақт ўлимга,
Чидайсан юз берса севгида риё.
Бекорга айтмаган доно халқимиз —
Қуруқ тухмагиндан асра деб дунё.

Гап уришиб келиб, сени дўст санаб
Юрагимни очдим, балки келмас хуш.
Хато қилган бўлсам, ўлтирма аяб,
Сендан ранжимайман агар солсанг
мушт.

Гуноҳ ўтган бўлса мендан, жазола,
Ахир, ҳаммамиз ҳам фаришта эмас.
Аммо айтилмаган гапни айтди деб,
Ўз-ўзингча йўйиб, сўзламасанг бас!



СЕҲР КАЛИТИ

Ой ҳам бир замонлар афсона эди,
Юлдузлар туюлар эди бир сеҳр,
Самоват олами пинҳонмас энди,
Одамзод зеҳнига бўлмади қолди сир.

На энди уммонлар ҳайратга солар,
На асрий музликлар... Ҳаммаси аён.
Аммо ақлимиз-чи, етмасдан қолар
Кимлигин билмоққа турган ёнма-ён.

Одамзод топдию, коинот сирин,
Аммо ҳамон ўзи бир-бирига сир.
Ҳатто овламоққа бир қизнинг қалбин
Не доно ақллар лол қолур ахир!

Шубҳалар ўтида гоҳо ўртаниб,
Вировга меҳр қўйиб, бирни яниймиз.
Ҳатто яқин дўстнинг қалбин тополмай,
Баъзан ўзимизга рақиб санаймиз.

Бевақт айрилиқлар, шубҳаю риё,
Нечун хиёнатлар ўтида ёнмоқ?
Наҳот мушкул бўлса, бўлса бедаво
Бир кичик юракка ахир, йўл топмоқ?

Балки сирин билан инсон гўзалми,
Балки шунданмиқан ундаги сеҳр?
Еки етмасмикан қалбин топмоққа
Бизлардаги ишонч, биздаги меҳр!

АРХЕОЛОГЛАР ТОПИЛМАСИ

қўрғон шаҳарчасида қазил-
ма ишларини тугатдилар.
Бу ерда мамлакатимиздаги
энг қадимги шаҳарнинг ха-
робалари топилди. Унинг
ёши тахминан уч минг йил-
га тўғри келади.

Одямларнинг омади кел-
ди. Қазилма ишлари жара-
ёнида оташпарастларнинг
ибодатхонаси, анча-мунча
тилла буюмлар, зардуш-
тийларнинг кўчма қурбон-
лик меҳроблари, кўпбал

идиштовоклар топилди. Са-
даф ва ферузадан зеб берил-
ган, ўткир панжали тилла
типратикан, тошдан ясалган
қурбақа, қадимги тангалар,
аёллар тақичоқлари мута-
хассисларга кўп нарсаларни
«сўзлаб» берди. Маъданчи-
лик ва кулоллар истеҳкомат
қилган маҳаллалардан ноёб
хумдонлар топилди.

Шу кунларда ўрта аср
даврида номаълум сабаб-
ларга кўра ҳозирги Қарши

вокзали районида кўчиб ўт-
ган Қарши водийсининг ик-
кинчи пойтахти — Қалъаи
Заҳоки Морон (илои худоси-
нинг қалъаси)да ҳам қазил-
ма ишлари олиб борилмоқ-
да. Мазкур шаҳарда кўп
йиллар мукаддам ер сатхи-
ни топография усуллари бил-
лан ўлчаш ишлари амалга
оширилганди. Эндиликда
шаҳарнинг планини, унинг
қўрғонлари ва иншоотлари-
ни муфассал ўрганишга қа-

рор қилинди. Республика
Фанлар академияси архе-
ология институтининг ил-
мий ходими Ш. Раҳмонов-
нинг иши ўнгидан келди.
У илк ўрта аср ноёб тангала-
ри, оригинал сопол буюм-
ларини топнишга муваффақ
бўлди.

Қадимги шаҳарнинг бар-
ча топилмалари батафсил
ўрганилгач, Ерқўрғонда
ташқил қилинадиган музей-
га қўйилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар
академиясининг археология
институтини мутахассислари
Қаршидан 8 километр олис-
да жойлашган қадимий Ер-

БОШ МАСАЛА: ТАРБИЯ ВА ИНТИЗОМ

Бундан саккиз йил муқаддам Самарқанд шаҳрида бир неча янги район, жумладан Сибб району ташкил этилди. Ҳозир у шаҳардаги илғор районлардан ҳисобланади.

Район партия комитети, район Совети ижроия комитети сўнгги икки йил ичида йигирмадан ортиқ ибратли ташаббус кўтариб чиқди. Районда айниқса меҳнат интизому, тарбиявий ишлар ва мураббийлик ҳаракатини жонлантиришга катта эътибор берилляпти.

Сибб район партия комитетининг биринчи секретари Даврон Ахров билан ўтказилган суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз:

— Даврон Абдуллаевич, биз Сиббда «Уюшма советлари» деган иборани кўп эшитдик...

— Маълумки, меҳнат интизomini мустаҳкамлашда маҳалла комитетларининг ҳам роли катта. Районимизда юздан зиёд маҳалла бор. Биз район Совети ижроия комитети билан биргаллик кичик бир социологик тадқиқот олиб бордик. Ва нималарни аниқладик дегн: маҳалла комитетлари амалда оширадиган ишлар жуда кўп экан. Маҳалла комитетидоғилар кўлларида келганча урнинишда, лекин барибир зиммаларига юклатилган вазифаларни тўла-синча уқдалай олишмасди. Уларга ташқаридан — жуда эжиндан ёрдам керак эди. Фақат жамоатчилик ташкилотигина бунга қодир. Бу ҳақда анча ўйладик. Ва ниҳоят уюшма советлари тузишга қарор қилдик. Район харитасини ўн етти кимсга бўлиб чиқдик, яъни ҳар бир советнинг у фаолият кўрсатиши лозим бўлган территориясини аниқ белгиладик. Ўн еттита уюшма советининг ҳар бирига беш-олттитадан маҳалла тўғри келди.

— Уюшма советларига кимлар киритилган?

— Ҳар бир уюшма совети ўн беш кишидан иборат бўлиб (улар — корхона ва муассаса раҳбарлари, маҳаллий Совет депутатлари, кекса коммунистлар, актив пенсионерлар, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш илғорлари ва ҳоказо), унга район партия комитети ёки район Совети ижроия комитети аъзолари бошчилик қилишади. Совет ойнага бир марта йиғилиш ўтказилади. Бундан ташқари, уюшманинг район совети ҳам тузилган бўлиб, у барча уюшма советларининг ишини бошқаради.

— Уюшма советларининг фаолияти ҳақида батафсил тўхталсангиз.

— Аввало, улар маҳалла комитетлари қошидаги тартиб-интизомни яхшилаш, аҳолининг турмуш маданиятини ошириш, янги анъаналарни жорий этиш каби жамоатчи комиссиялар, шунингдек ўртоқлик судлари, кўнглили халқ дружиначилари фаолиятини бевосита назорат қилади. Улар маҳалла комитетлари амалда оширган ибратли ишларни таҳлил қилиб, бу ҳақдаги маълумотни район партия комитети бюро-

си ёки район Совети ижроия комитети йиғилишида кўриб чиқилиши учун тавсия этади. Улар социалистик қонунчилик, жамоат тартиби қоидаларини бузувчиларга нисбатан жиддий чора-тадбирлар кўрадилар. (Бу ишлар, одатда, маъмурий органлар, мактаблар, корхона ва муассасалар коллективлари билан ҳамкорликда олиб борилади).

Совет аъзолари ичкиликбозликка ҳам қарши кескин кураш олиб боришади. Жумладан, савдо шохобчаларида спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларига риоя қилиниши ҳам уларнинг назорати остида.

Советлар ўз уюшмасидаги ҳар бир оила, ҳар бир кишининг турмушини чуқурроқ ўрганади; қинғир йўлга кирганлар билан тарбиявий ишлар олиб борилади; ўспиринларга касб танлашда, ишга жойлашишда ёрдамлашади.

Яна бир нарса ёдимдан кўтарилай дебди: район уюшма советида ҳар кварталда бир маротаба энг яхши маҳалла учун ўтказиладиган социалистик мусобақага яқун ясалди. Биринчи ўрнини эгаллаган маҳаллага район партия комитети, район Совети ижроия комитети ва район комсомол комитетининг кўчма Қизил байроги билан биргалликда битта мотоцикл, иккинчи ўрнини олган маҳаллага эса, кўчма вимпел ва гилам берилади. Мотоцикл билан гиламни қайси оилага топшириш маҳалла комитети ва уюшма советининг ихтиёрида.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллаларимиздаги ишлар жуда жонланиб кетди. Тартибузарлар, ичкиликбозлар, бўш вақтларини беҳуда сарфловчилар сониндликда анча камайди. Сўнгги икки йил мобайнида ҳашар йўли билан 16 та маҳаллада клуб қурилди, 4 та хибон, болалар боғи, бир қатор дам олиш зоналари ташкил этилди, кўчалар ободонлаштирилди, минглаб туп дархат гул кўчатлари ўтказилди.

— Даврон Абдуллаевич, Сиз: «Уюшма советлари янги маросимлар, янги анъаналар кенг ёйилишида алоҳида фаолият кўрсатяпти», дедингиз. Ана шу масалани кенгроқ шарҳлаб берсангиз.

— «Устоз ва шогирдлар», «Кў-

шик ва спорт», «Ваҳор ва меҳнат» каби янги байрамлар, йиғитларни армия сафига кузатиш, ўсирилларга паспорт топириш, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ўтказиш каби маросимларнинг самараси салмоқли бўляпти. Лекин кенг тарқалган байрам районимиз маҳаллаларида бундан уч йил илгари жорий этилган «Совет оиласи байрами» десам, хато қилмаган бўламан. Уни ташкил этишдан мақсад — районимиздаги оилаларнинг тотувлигини мустаҳкамлашдан иборат. Айтишди-ку: «Ўйда ҳаловати йўқнинг кўчада фароғат йўқ» деб. Яъни корхоналарда меҳнат унумдорлигининг ошишида оилавий муҳитнинг таъсири кучли. Бундан ташқари, шахсининг камол топиши ҳам аввало унинг оиладаги тарбиясига боғлиқ. «Қўш уясида кўрганни қилади», «Илдизи қандай бўлса, шохи ҳам шундай ўсади» каби мақоллар бежиз яратилмаган албатта.

Ҳар ойда бир марта маҳаллаларда ўтказиладиган «Совет оиласи байрами» оила мустаҳкамлигини оширишда катта роль ўйнаётди. Бундай байрамга атрофлича тайёргарлик кўрилади. Байрам арафасида ҳашар эълон қилиниб, кўчалар, ҳовлилар тартибга келтирилади.

Маҳаллаларда истиқомат қилувчи ҳаваскор расмолар, ўймакор ва кулоллар, каштадўзалар байрам кунини ўз ишларини намойиш этишади. Шунингдек, маҳалла клубида ташкил этиладиган кўрғазмадан хонаки гуллар, сайроки қушлар, аквариумлар ҳам жой олади. Байрам концертида эса маҳалладаги ҳаваскор санъаткорлар иштирок этишади.

Шуниси диққатга сазоворки, байрамда кўп болали оилалар, «олтин» ва «кумуш» тўйлари бўлиб ўтган оилалар, ишчилар сулоалари учун алоҳида-алоҳида жойлар ҳозирланади. Баъзан эса ана шу байрамда «олтин» ва «кумуш» тўйлар ўтказилади. Энг яхши, ибратли оилаларнинг тажрибаси омаллаштирилади.

— Бундай оилалар эса бизда кўп. Масалан, «Муборак» маҳалласидаги Обидовлар оиласини қайд этиб ўтиш мумкин. Раҳмат ака билан Фароғат опанинг ўн фарзанди бўлиб, ака-ука Обидовлар ўз ҳалол меҳнатлари билан кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлишапти. Шундай оилалардан яна бири — Султонмуродовлар оиласидир. Ушбу оила фарзандлари ўз оталари зидан боришиб, бадий фонд устахонасида дурадгорлик қилишади. Ота ва ўғилларнинг умумий иш стажини қарийб олти йилни ташкил этади.

— Даврон Абдуллаевич, районда ота-оналар ўз фарзандлари билан оилада олиб борилаётган тарбиявий ишлар ҳақида ўзлари ишлаётган корхона ёки муассаса бошланғич партия ташкилотлари олдида ҳисоб бериб боради, дейишади...

— Нафақат партия ташкилотлари, балки касаба союз ташкилотлари ҳамда уюшма советларида ҳам ота-оналарнинг ана шундай ҳисоботлари тингланади. Бунга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Фаоллар ҳисоботи қўйила-

диган оилалар тўғрисида керакли маълумотлар тўпланади. Бу усул ота-оналарнинг ҳам, фарзандларнинг ҳам маъсулятини оширишда самарали бўляпти.

— Маълумки, таълим-тарбияни ривож топтиришда мураббийлик ҳаракати ҳам етакчи ўрни тутайди. Бу борадаги ишлар ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Районимиздаги ҳар бир корхонада «Ишчилик шарафи» байрами ўтказилиб, унда ёшлар ишчилар сафига тантанали равишда қабул қилинади. Улар ишчилик номига доғ туширмасликка оғт ичишади. Ёшларга ишчиликка қабул қилингани тўғрисида гувоҳнома билан биргаллик корхона директори, партия ташкилотини секретари, касаба союз раиси ҳамда комсомол ташкилотини секретари имзо чекишган табриқнома ҳам топширилади. Табриқномада, жумладан, қуйидаги сатрлар бор:

«...Бугун сенинг ҳаётингда катта воқеа бўлиб ўтди — сен ишчилар сафига, бизнинг коллективимизга қабул қилиндинг. Ва сен бу билан ишчилар синфининг инқилобий ва меҳнат анъаналари давомчисига айландинг. Амни-мизки, зиммангга юклатилган ушбу вазифани шараф билан уқдалайсан».

Шу кунини шогирдлар билан мураббийлар ўртасида шартнома тузилади. Унинг шартларига кўра мураббийлари ўз шогирдларига касб сирларини чуқур ўргатадилар, бўш вақтларининг маъмули ўтишига кўмаклашадилар. Ёш ишчи эса, ўз навбатида, устоз маслаҳатларига амал қилиши, социалистик мусобақада, жамоат ишларида фаол иштирок этиши юзасидан мажбурият олади. Бу ишлар ижроси уюшма советларининг ҳам доимий диққат марказида бўлади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Охунбобоев номидаги кўн заводи ишчиси Улмас Розиков, «Хўжум» пиллакашлик фабрикасини ишчиси Саид Расулов, «АН-2» самолёти экипажи командири Григорий Цховребов, шунингдек, тикувчилик фабрикасини ишчиси Сайёра Муҳаммадқулова, гиламчилик ва бадий буюмлар фабрикасининг тикувчиси, Ўзбекистон Компартияси XX съезиди делегати Салима Лўқмонова каби мураббийлар ўнлаб шогирдларни етиштирганликларини мамнуният билан эътироф этиш лозим. Улар уюшма Советлари фаолиятида ғайрат билан иштирок этмокдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида, Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўнинчи сессиясида партия ва давлат интизomini мустаҳкамлаш, меҳнатқашлар оммасининг ташаббускорлигини ҳар томонлама кучайтириш зарурлиги муҳим масала сифатида ўртага қўйилди. Пленум ҳамда сессия ҳужжатлари район партия комитети, район Совети ижроия комитетининг бу борадаги ишларини янада жонлантириб юборди. Биз интизомни мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан янги-янги резервларни қидириб ишга солаверамиз.

Суҳбатни Аявар ЖҲҒАБОВ олиб борди

Б

УНДАН ўттиз йил бурун у юздан зиёд кишига — қурилиш бригадасига бошлиқ қилиб тайинланганида, иш билан обдан танишиб чиқдию, дўпписини ерга қўйиб бош қотиришга мажбур бўлди: «Кўп қаватли уйлар фақат гишт териш билан битиб қолмайди.

Ҳали пайвандчи, ҳали монтажчи керак. Ана шу «керак-керак» пайтида қурилиш бошқармаси бўлак бошқармаларга буюртма-илтимоснома ёзади. Улар эса пайвандчи ё монтажчилар бўш бўлса юборади, бўлмаса, бу ердаги иш деярли тўхтаб тураверади. Маош — ишбай, демак, қурувчи бир неча кунлаб маошсиз вақт ўтказилади.

— Хўш, ўша зарур мутахассисларни бригаданинг ўзига бижитиб қўйилса-чи? — деб ўйларди Раҳим Зиёев, — сарсонгарчилик йўқолади, иш тезлашади, вақт ўтмайди.

Бу масалани у эртасигаёқ раҳбарлар олдида кўндаланг қилиб қўйди. Натижада бир неча монтажчи, пайвандчи ва дурадгор синов тарикасида Раҳим Зиёев бригадасига ўтказилди.

Ҳозирги кунда бизга қанчалик эриш туюлмасин, ўша пайтгача бригадалар алоҳида-алоҳида мутахассисликдаги қурувчилардан ташкил топар эди. Раҳим ака уларни қўшди ва... биринчи комплекс қурилиш бригадаси вужудга келди!

Иш юришиб кетди. Объектларни қуриш муддати қисқарди. Энг асосий омил — мод-

Бригадани бошлиқларга бу ҳақда гапиравериб чарчади. У ёғочдан ҳар бирига 500—600 килограмм бетон кетадиган яшик ясади. Йўғон симлар билан белбоғ қилди. Трест бошқарувчиси бир дунё бетонни юқорига элтаётган ёғоч яшиқларни кўриб ажабланди ва... кўрқиб кетди:

— Раҳим, ҳозирроқ тўхтаб бу ишингни. Бу жуда хавфли.

— Биламан хавфли эканини. Лекин нима қилай? Ишинг унумини кўринг!..

Уч кундан сўнг заводда ясалган темир яшиқлар қурилишга етиб келди. Бетонни замбилда ташувчилар ҳисобидан 18 киши бошқа ишга ўтказилди.

Бу «иختиро»лар ҳозирги қурилиш техникаси олдида «майда-чуйда» бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ бу ўша пайтда ўзига хос янгилик эди. Ахир бир бригадада 18 кишини «озод қилиш», уларни бошқа ишга ўтказиш имкониятини трестдаги, Бош бошқармадаги ўнлаб, юзлаб бригадалар сонига кўпайтириб кўринг!..

Яна бир мисол: машина гиштни қурилиш майдонига ағдариб кетарди. Шунинг ўзида қанча гишт синарди. Заводдан машинага ортिलाётганда, қаватларга кўтариб берилётганда яна қанчаси увол бўлади. Шу қурилишга, ҳар бир қурилатган уй олдида тахминан 50—60 минг синиқ гиштнинг тоғ бўлиб уйилиб ётиши одатий ҳол эди. Москва бошқача экан: гишт заводнинг ўзида махсус идилш — поддонга терилади, кўтарма

Замондошларимиз

рекордлар ўрнатиш ишчи билан ёнарди. Буниг учун сигнал қатъият, меҳнатсеварлик унда етарли эди. У аъзо бўлган бригада илғорлардан ҳисобланарди. Бир куни ўрта ёшлардаги бир киши иш тепасига келиб, бригада аъзоларини — юзга яқин кишини йинди.

— Индигга, — деди у гапни қисқа қилиб, — Москвадан машҳур қурувчи, Давлат мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Иван Носов келади, бизга ўз тажрибаларини ўргатади. У одам биздан ҳам ниманидир ўрганиши керак. Орангларда ким ўртоқ Носов билан мусобақага чиқа олади?

Ҳамма жим эди. У киши хафсаласи пир бўлиб, алланарса деб гудранди. Раҳим ёнидаги аёлдан сўраб, унинг ўзи ишлаётган қурилиш бошқармасининг бошлиғи эканини билиб олди. Сўнг дадил олдинга чиқди:

— Мен мусобақалашаман!
Бошлиқ икки-уч қадам юриб, унинг рўпасида тўхтади:

ЗИЁЕВ ДОВОНЛАРИ

дий манфаатдорлик орти... Бошқа трест ва бошқармаларда ҳам комплекс бригадалар ташкил этила бошланди.

1975 йилда Раҳим Зиёев Москвада илғор қурувчиларнинг Бутуниттифоқ слётида ўз бригадасидаги янгиликлар тўғрисида гапириб берди. У ерга подмосковьелик қурувчи Николай Злобин ҳам таклиф қилинган эди. Улар ўз тажрибалари хусусида муфассал суҳбатлашишди. Қурилишда бригада пудратига ўтишга ўша йили асос солинган эди...

Орадан бир йил ўтиб, ўзбекистонлик илғор қурувчилардан 20 киши тажриба алманиш учун Москвага юборилди. Улар орасида Раҳим Зиёев ҳам бор эди. Москва қурилишларида пешқадам ҳамкасблари билан ёнма-ён туриб, ўн беш кун ишлашди. Раҳим ака ўзида йўқ севиниб кетди: ўзи билмаган янгиликлар, илғор усуллар жуда кўп эди бу ерда. «Тошкентта бориним билан жорий этишни бошлайман!» деб ният қилди.

Тошкентга қайтди. Қурилиш майдонига бажарилаётган ишлар энди унга қандайдир ибтидоийроқ туюлди: ағдарма машина бетонни ерга — темир-тунука устига ағдариб кетяпти, сўнгга қоринша бочкаларга солиниб кранда юқори қаватларга олиб чиқишгач, том тепасига тўкиляпти. Ишчилар эса белкурада замбилга солиб, кераклик жойга элтиб ишлатишяпти. Москвада эса бутунлай бошқача: машина бетонни махсус улкан темир яшиқларга бўлиб-бўлиб ағдарди, яшиқлар кран билан тўғри иш жойига элтиб берилади, вассалом. Темир яшиқ керак, холо!

кран билан машинага олиб қўйилди, машинадан кран туширади ва кран зарур қаватга элтиб беради... Қизиқ, оддий нарса. Жоннинг роҳати. Ун минглаб, юз минглаб гишт бекорга исроф бўлмайди.

Бу «оддий нарса» Тошкентда ҳам жорий этилди. Бунда ҳам Раҳим Зиёевнинг Москва таассуроти, ўрганган тажрибаси беҳуда кетмади.

Илгари ҳавоза — қурилиш ишини бажариш жараёнида ишлатиладиган нарвон ва майдончалар ёғочдан ясалар, ясашиб бузилаверар эди. Бир уй қурилишида камда 20 дурадгор фақат ҳавоза ясаб иш билан шугулланарди. Москвада эса... темир устулар ва илгаклар билан ясалган тайёр ҳавоза ишлатиларди экан.

Бундай темир ҳавоза Тошкентда биринчи бўлиб Зиёев бригадасида қўлланди. Натижада, бир бригадада роса йнгирма ишчи бошқа ишга ўтказилди. Буни юқоридаги каби яна бошқа бригадалар сонига кўпайтирса-чи?..

Шу тариқа бригада ишчилари сони қисқариб, айна пайтда қурилиш самарадорлиги, бажарилаётган иш ҳажми ортиб бораверди. Раҳим Зиёев бригадасининг суҳрати кенг ёйиллаверди. 1958 йилда Р. Зиёев биринчи юксак мукофот — Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Дароқе, Зиёевнинг ўзи, бир воқеа сабаб бўлиб, қурилиш оламида «ярк» этиб анча илгари кўзга ташланган эди...

22-қурилиш трестининг 701-бошқармасига ишга киргач, у ҳеч ким забот этмаган янги

— Яша! Ўзим ҳам шу бригадага ишонганим, шу ердан чиқади, деб ўйлаганим. Сенга омад тилайман, ўғлим.

...Учинчи қаватда деворлар гишт теришга тайёрлаб қўйилган. Тумонат одам. Трестдаги қурувчиларнинг деярли ҳаммаси шу ерда. Ҳар икки мусобақадорга иккитадан ёрданчи ишчи ажратилди.

Соат ўн иккида мусобақа бошланди! Деярли ҳамма Носовни ўраб олди. Орадан ўн-ўн беш минут ўтгач, Раҳимнинг атрофида ҳам томошабинлар пайдо бўлди. Шунда биров деди: «Томоша қиладиган нарса у ёқда эмас, бу ёқда экан». «Демак, менинг ишим чакки эмас», хаёлидан ўтказди Раҳим ва қўли-қўлига тегмай гишт териш суръатини тобора ошираверди.

Соат бирда байроқ туширилди. Бир соат ичда тикланган икки девор гиштлари саланди. Ҳолиблик Зиёев томонда эди.

Зиёев шу тариқа қурилиш оламида кўзга ташланган қолди.

Шу йили бригадаги бўлди... Мана, бугунги кунда унинг бригадаси ҳар йили 5—10 та туларжой ва маданий-манший объектларни бунёд этмоқда. Ҳозиргача Раҳим ака бошчилигида тикланган мухташам бинолар сони 250 тадан ошди. Бригада аъзолари сони 105 дан 35 нафарга тушди, самарадорлик орти, қуриш мuddатлари қисқарди. Айрим йирик, мураккаб бинолар 4—5 ойда қурилган бўлса, айрим кўп қаватли туларжойлар бир ой ва хатто... 18 кунда қуриб битказилди!

...Олтинчи олтинчи йил. Тошкентни қайта тиклашда марказлашган Бутуниттифоқ хашари. Бу йиллар тошкентлик қурувчилар учун улкан тажриба мактаби бўлди. Улар бошқалардан ўрганибгина қолмай, бошқаларга ўргатдилар ҳам. Бу даврга келиб Тошкентда Раҳим Зиёевники каби қурилиш тажрибаси мактаблари шаклланган эди.

Ҳозирги муҳташам Халқлар Дўстлиги саройи яқинида Луганск шахридан келган қурувчилар беш қаватли, олти йўлакли тураржой биносини қуришгаётган эди. Унинг ёнида Раҳим ака бригадаси худди ўшандай беш қаватли уйни қуришга киришди. Фақат эни қисқарок: тўрт йўлакли — икки йўлак кам.

Луганскликлар тўртинчи қаватни тугаллаб, бешинчи қаватни бошлашпти. 105 кишилик бригада ишлашпти.

Раҳим ака бригадаси қуриладиган уй ўрнини белгилашаётганда трест бошқарувчиси келиб қолди. У Раҳим Зиёевни яхши танирди. Зиёевнинг қўлини кўйиб юбормай, узок ҳол-ахвол сўрашди. Сўнг, қурилажак уй майдонини чамалаб, бир нима эсига тушгандек тўсатдан:

— Раҳим, уйни лугансклик қурувчилардан олдин битказа олсанми? — деб сўради бошлиқ тўрт қавати битиб қоған уйга ишора қилиб.

Зиёев дафъатан жавоб беролмади: унинг юраги гуржлаб урар, хаёли бирдан сочилиб кетган эди. «Ҳа, десам — бажаролмасам, йўқ десам — ранжийди, кейин менга ишонмай қўяди». Унинг мияси тез ишлай бошлади: «Бригадам аъзолари нима дейишаркин? Улар қувватлашармикин? Қувватлашади...»

— Хўп, дейлик, лекин бундан бригада қандай наф кўради?

— Битказган кунларинг Бошқармадан мукофот ажратамиз. Яна нима керак?

— Битта кўтарма кран улгуролмайди, яна битта автокран бўлса.

— Бугуноқ бўлади. Яна?

— Ғишт узлуксиз келиб турса.

— Таъминланади.

...Бир ҳафтадан сўнг қурилиш майдони четида тўрхалта кўтариб ўтиб кетаётган қариянинг гудраниб айтган гапи Раҳим аканинг қулоғига чалинди: «Кеча ўтганимда уйнинг биринчи қавати битганди, бугун учинчи қавати кўтарилиб қолибди, қурувчилар эса кўринмайди. Тавба!»

Бригадир мийғида кулиб қўйди...

Беш қаватли, тўрт йўлакли гиштин уй 18 кунда тикланди. Ун саккизинчи кунга Зиёев трест бошқарувчисига қўнғироқ қилди:

— Вазифа бажарилди — уй пардозлашга тайёр!

Бу пайтда лугансклик қардош қурувчилар бешинчи қаватнинг ярмини тугатишган эди...

Бош бошқарма бригадага 1 минг 750 сўм мукофот ажратди. Бригада коллективи «Тошкент окшоми» газетасининг энг тезкор қурувчи коллективига ажратган 600 сўм миқдаридаги совринини олди. Ҳар бир иш кунига бир ишчига 37 сўмдан наряд ёшилди, ойлик маош 750 сўмга тўғри келди!.. Бригада шу тариқа шухрат қозониб бораверди.

Раҳим ака илғор ва машҳур қурувчи, меҳнаткаш, иродали инсон бўлиш билан бирга пийру бадавлат ота ҳам — етти ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказашпти. Ўғли Қобилжон беш йилдан буён отаси бошлиқ бригадада илғор қурувчи. Кичик ўғли Муҳиддин ҳам 1983 йил ёзида армиядан қайтиб, тўғри шу бригадага келди.

Ҳа, уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг уч марта Фаҳрий Ерлиги билан тақдирланган ажойиб инсон, маҳоратли, жасоратли бунёдкор Раҳим Зиёев ўзининг рекорд чўққисини эгаллади ва ундан ҳам баяндроқ чўққиларни забт этмоқда. Бу йўлда унга берилган СССР Давлат мукофоти лауреати деган унвон гайрат ва илҳом бағишламоқда.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ



ТОҒДАГИ КЎЛНИНГ СИРИ

Куганда музигидаги қўлда кўз кўрмаган, қуллоқ эшитмаган ғаройиб махлуқлар яшар эмис, деган гап Помир-Олой тоғларида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида авлоддан авлодга ўтиб келар эди. Қирғизистонлик олимлар бу мишмишларнинг сирини очинга муваффақ бўдилар. Апти-

дан улар миш-миш тарқалишига сабаб бўлган ҳодисанинг устидан чиқиб қолган эдилар. Тоғдаги кўлнинг ойнадек тең-теңис юзаси тўсатдан чайқалди ва бир лаҳзада сув фаввораси юқорига отилди. Бу манзара атрофдагиларга гейзерни эслатарди. Сув устун юқорига кўтарилар ва ўқтин-ўқтин тўхтаб отилар эди. Бу ҳодиса шу атрофда турганларга гўё сув остида қандайдир махлуқнинг нафас олишини эслатарди. Кўп текширишлардан сўнг маълум бўлдики, тоғдаги кўл ости ўзидан балавдликдаги музлик билан боғлиқ экан. Музликнинг қислиши окцибатида ундаги ҳаво кўл остида отилиб чиқар экан. Аслида сувнинг юқорига фаввора бўлиб отилишига сабаб шу...

ФАЛОКАТ ИЗЛАРИ

Душанбе шаҳрида яшовчи бухгалтер С. Ағдарованинг оила аъзолари телевизор кўриб ўтиришарди. Ҳади кеч қирмаган бўлса ҳам

ташқари бирданига қоронгулашди. Шивалаб ёмғир ёга бошлади.

— Ҳодисанинг қандай юз берганини ҳозир айтиш жуда қийин, — деб хотирлайди Светлана Абдуллаева. — Елимда, деразамиз рўпарасида кўкин нур таралди. Кейин эса худди бир нарса портлагандек каттиқ зарб товуши эшитилди. Бир лаҳзада дераза ойналари учиб кетди, идиш-товуқлар синди, мебеллар пайрахага айланди...

Шарсимон яшин Ағдаровалариникида қилгуликни қилиб бўлиб, қўшилариликни кита ўтди. Бу ерда унинг кучи фақат радиоприймникни ишдан чиқаришга етди холос.

Уй эгалари чўчиб ҳовлига чиқдилару фалокатнинг кучини кўриб, хайратга тушдилар. Икки қаватли бинога соя ташлаб турган улкан даракнинг танаси худди болта билан кесилгандек узалиб тушганди. Ҳа, табиий фалокат Ағдаровалар ойнасига жиддий зиён етказди. Душанбе шаҳар Октябр район ихрожа комитети зарар кўрганларга моддий ёрдам берилганини хабар қилди. Кишилarga шикаст етмади.



Суратда: Чирлик Электр қимёс санаяти ишлаб чиқариш бирлашмасининг апараччиси, область Советининг депутаты Насиба Болтабоева.

В. Молгачев фотоси

АТЛАС! Фафакат ўзбек аёлларининг, балки бутун Шарқ аёлларининг сеvimли либоси бу. Атласда табиатнинг мўъжизаси бўлмиш камалакнинг сержило турфа ранглари акс этганки, ундан эгнига либос кийган ҳар қандай хотин-қизнинг чиройига чирой қўшилади. Шу боисдан ҳам Марғилон, Шаҳрихон, Наманган атласларининг довруғи оламга таралган. Бугунги ҳикоямиз мавзуи Шаҳрихон атласи хусусида.

Шаҳар водийнинг ҳар соҳада, хусусан ҳунармандчиликда ўз мавқеига эга бўлган жойидир. Шаҳрихон атласи, бекасами, дўпписи, пичоғи, белбоғи, хуллас, пойфазалидан тортиб қандолатчилигигача шуҳрат қозongan. Маҳаллий ҳунармандларнинг ишлари харидоригир бўлиб келган.

Яқин-яқинларгача ҳам бу шаҳарда атлас ишлаб чиқарувчи артель мавжуд эди. Ўз маҳоратларини халқ кўз ўнгига намойиш қилиш мақсадида, аврбандчилар тандани узун йўл бўйлаб, улкан теракларга осилтирганларича, ипак ялаб ялғиланиб кетган нафис бармоқлари билан бўлғувси атласга оро бериб гул боғлашарди. Ана шундай кезларда самода эмас, ерда хақиқий камалакни кўриб, кўз қувнаб, дил яйраб кетарди...

Эндиликда бу шаҳарда бир неча ўнлаб саноат корхоналари қатори атлас фабрикаси ҳам бор. У корхона сифатида 1968 йили ташкил топди. Даставвал, 44 та тўқув дастгоҳи ўрнатилиб, Ҳасанбой Шерматов, Ҳидоятхон Ҳайитова, Ҳабибулло Исмаилов каби бу нозик санъатнинг сир-асроридан хабардор кишилар фабрикага ишга таклиф этилдилар. Иваново тўқувчилари ҳаёда этган дастгоҳларни сошлаб ишга туширишда Абдуманнон Расулов, Раънохон Абдуллаевалар жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Фабрика дастлаб йилига атиги 73 минг метр атлас ишлаб чиқарарди, холос. Энди бу ерда йилига 277 минг метр атлас тайёрланади. Фабрика кенгайиб борди. Кадрлар малакаси оширилди, малакали мутахассислар сафи ортди. Янги технологик жараёнлар жорий этилди. Дастгоҳлар автоматлаштирилди. Янги бинолар, кўшимча цехлар қурилди. Натижада бир йилда 12 миллион 610 минг сўмлик ўрнига 13 миллион 304 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имкони юзага келди. Айти пайтда фабрика областдаги илғор корхоналар сафидан жой олди ва сурункасига икки марта республика социалистик мусобақасида ғолиб чиқди.

— Фабрикамининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, ишчиларнинг унумли меҳнати, кўнгилли дам олиши учун кулай шароитлар яратилди. Фабрикамиз қошида 280 ўринли болалар боғчаси, ошхона, буфет, гигиена хонаси, клуб, кутубхона ишлаб турибди. Кечки сменада ишловчилар учун алоҳида транспорт ажратилган. Фабрикамизда коммунистик меҳнат бригадалари, коммунистик меҳнат зарбдорлари ва бу шарафли ном учун курашаётганлар кўпчиликини ташкил этади. Бир беш йилликда икки беш йиллик планларини бажариш, беш йилликни уч йилда уйдлаш ташаббускорлари ҳам талайгина. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Муҳаббатхон Азимова, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати Ҳидоятхон Ҳайитова, ВЛКСМ XIX съезди делегати Таваккалхон Охунова, область Совети депутати Инобатхон Абдуллаева, Холмухаммад Усмонов, Сойибхон Камолов каби тўқувчи, қалаваловчилар айти пайтда 1987—1988 йил ҳисобита меҳнат қилмоқдалар, — деб ҳикоя қилади фабрика директори

АТЛАС ЖИЛОСИ

Ўрмонжон Йўлдошев. — Ҳозир фабрикамиз коллективи Иваново, Ленинград шаҳарлари ва Литва ССР саноат корхоналари коллективлари бошлаган халқ истеъмол товарларини кўпроқ ва сифатлироқ ишлаб чиқариш тўғрисидаги ташаббусга қўшилган ҳолда иш олиб бормоқдалар. Бизнинг бу ҳаракатимиз область партия комитети томонидан маъқулланди. Айти пайтда КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Декабрь пленумида ўртага қўйилган меҳнат унумдорлигини планга қўшимча равишда бир процентга ошириш, маҳсулот таннарини ярим процентга камайтириш вазифаси ишчиларимиз шииорига айланган.

Фабрика коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг кутлуг 60 йиллик тўйи нишонладаниган йилда 3 миллион

Бу ютуқларга фабрикада бригада пудратининг кенг йўлга қўйилганлиги туфайли эришилмоқда. Корхонада бир ярим йил аввал икки бригада ана шу янги усулга ўтган бўлса, ҳозирда ўн олти бригада пудрат асосида ишляпти. Рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини жорий этиш туфайли кейинги вақтда фабрика бўйича 60 минг сўмлик фойда олинди.

Олтмишбой Болтабоев ва Солижон Ҳасановлар ўз таклифлари билан ипак қуришти агрегатини такомиллаштирдилар. Илгари бу агрегат бир секциядан иборат бўлиб, унда иссиқ ҳаво айланмас, икки юз килограмм ипакни қуриштиш учун 16 соат вақт сарфланар эди. Рационализаторлик таклифи жорий этилиб, агрегат икки секцияли, иссиқ ҳаво айланганидан қилиб қайта жиҳозланди. Энди



Холида Юсупова Шаҳрихон Атлас фабрикасининг илғорларидан ҳисобланади.

Н. Орипов фотоси.

737 минг метр атлас ва шойи газламалар ёки 18 миллион 860 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Улар беш йиллик план ва мажбуриятини олган тўрт ярим йилда бажариш учун сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Шаҳрихонлик атлас тўқувчилар юбилей йилининг ўтган ойлари мобайнида халқимизга 1 миллион 595 минг метр сержило атлас ва шойи газламалар етказиб бердилар. Бу планга кўзда тутилганидан бир неча минг метр кўп демакдир. Йилнинг ўтган шу даври мобайнида меҳнат унумдорлиги планга қўшимча равишда 1,7 процентга ортди. Халқ истеъмол моллари ҳам ортиги билан бажарилди. Шу билан бирга кўплаб хом ашё, электр энергияси тежалди.

ликда уч юз йигирма килограмм ипак олти соатда қуритиладиган бўлди. Бу фабрикага йилига бир неча минг сўмлик иқтисодий самара берапти. Шуниси қувончлики, бу рационализаторлик таклифи республикамининг Марғилон, Наманган ва Бухоро атлас ишлаб чиқариш фирмаларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ҳозир корхонада хонатласнинг «Кремль», «Шахмат нуска», «Номозшом», «Товус нуска», «Турлама» каби турлари ишлаб чиқарилмоқда. Рангин жилоли атласларни ишлаб чиқаришда Ҳасанбой Шерматов, Ҳасанбой Жумаев, Дилором Мамажонова каби гул боғловчилар, Эътиборхон Мўйдинова, Муножот Раҳимова, Раҳимахон Матқулова сингари қалаваловчилар, Нодира Исҳоқова,



МОЗИЙ ҚОМУСИ

Мисрда мамлакат тарихи ва унинг маданий мероси энциклопедияси ни тузиш устида ҳар хил мутахассисликларга эга бўлган 150 дан кўпроқ олим иштирок этаётди. Мазкур мамлакат тарихида биринчи марта тузилаётган бу энциклопедия Мисрнинг фиръавлар давридан бошлаб ҳозиргача бўлган тараққиёт материалларини ўз ичига қамраб олади.

Комиссия аъзоларига энциклопедия тузишдан ташқари вилоятларнинг пойтахтларида музейлар ташкил этиш ҳақидаги масалани ўрганиш вазифаси ҳам топширилган. Шунингдек, улар нодир тарихий обидаларни асраш, бундай обидаларни қонунсиз равишда чет элларга ташиб кетишнинг олдини олиш чораларини ҳам ишлаб чиқишлари лозим.

ОЛЬМЕКЛАР ҚАБИЛАСНИНГ СИРИ

Мексикалик археологлар Веракрус штати территориясида тошдан ясалган қадимий ҳайкални топдилар. 25 тонна оғирликдаги бу ҳайкал улкан одамнинг бошини эслатади. Мутахассис-

ларнинг ҳулосаларига кўра, бу топила қачонлардир Мексика қўлтиги қирғоқларида яшаган ольмеклар қабиласи монументал санъатига оид ёдгорликдир. Унинг яратилган вақти тахминан милоддан аввалги V асрга тўғри келади.

Мексикаликлар сўнгги йилларда хозирги Веракрус ва Табаско штатлари территориясида «ольмеклар» маданияти намуналаридан катта коллекция топдилар. Улар орасида пирамидалар, мақбаралар ишлашда қўланиладиган вулкон жинсларидан яратилган устунлар, сербўёқ кулолчилик буюмлари, ҳар хил тақинчоқлар бор...

Мазкур маданият тошларни тарошлаб, инсонларнинг бошларини гонт улкан кўринишда ифодалаган хос реалистик бедаглари, мувозанатнинг уйғунлиги ва ижросининг мукамаллиги билан кишини ҳайратга солади. Ҳозир инсон боши тасвирланган бундай ҳайкалларнинг сони ўн еттигача етди. Улардан энг йиригининг бўйи 2,5 метрдан ошад ва оғирлиги 30 тоннадан зиёддир.

Шуниси қизиқки, бирорта ҳайкалнинг ёнида бошқа ёдгорликлар ёки буюмларнинг парчалари топилмади. Чамаси, тошдан ясалган бу ҳайкаллар қандайдир диний мақсадлар учун хизмат қилган. Бироқ тадқиқотчилар бу жумбонини ҳали аниқ етиб бераолганлари йўқ. Мексика тарихи учун шундай ажойиб ёдгорликлар яратган халқнинг йўқолиб кетиши сабаблари ҳам сирлигича қолмоқда.

НОЁБ ҲОДИСА

Тропик тўфон натижасида пайдо бўлган баҳайбат сув устуни уч минут давомда Гонконг кўрфазидagi кемага хавф солиб турди. Табиатнинг камдан-кам учрайдиган бу ҳодисасини расмига туширишга муваффақ бўлинди.

ЯГОНА АСИРА

Каркидонларнинг ниҳоятда кам учрайдиган суматра турининг урғочиси Малайзиянинг Малакка порти атрофидаги панжарали кўрада асралоқда. Уни плантация ишчилари бир неча ҳафта илгари автомобиль йўли яқинидан тутиб олишди. Суматра каркидон ҳозирда яшаётган каркидонларнинг учинчи даврига мансубдир. У каркидонларнинг энг қадимий ва энг кичик туридан ҳисобланади. Индиликда бу жониворлар бармоқ билан санарли даражада қамайиб кетган. Улар фақат жануби-шарқий Осиёда яшайдилар. Тутқувликда сақланаётган каркидон шу хил зот жониворларнинг энг сўнгиларидан деб ҳисобланамоқда.

Саводхон маймулар

Таиландда маймулар ўқитиладиган махус мактаб бор. Унда бу жониворлар хурмо дарахтларидан кокос ёнғоғи териш бўйича сабоқ оладилар. Энг яхши

таълим олган макак маймулар бир кунда 1 минг 400 тагача ёнғоқ терадилар.

Яқинда мактабни битирувчи маймулар ўртасида мусобақа бўлиб ўтди. Маймулардан бири ярим минутда хурмо дарахтдан тўққизта ёнғоқ туширишга эришди ва голиб деб топилди.

СИРЛИ КЎЗА

Қозоғистонлик қолхозчи С. Сонбев бўрсиқ ини ёнида ётган кўзачани кўриб хайрон бўлди. Афтадан, бўрсиқ ўзига ини қавлаётганида ер остидаги кўзачага дуч келиб, уни бир амаллаб ташқарига чиқариб ташлагани. Олимларнинг мулоҳазаларига кўра, мазкур кўзача Жанубий Қозоғистонда ҳалигача археологлар дуч келмаган қимматбахо топилавлардир. Бу илмш ўз вақтида тўй-ҳашамларда, маросимларда ишлатилган. Тахминан у буидан салкам икки минг йил аввал кўрғонга кўмилган.


ИХТИОЗАВР СУЯГИ

Франциянинг Рона департаментидagi Бельмон шаҳри яқинида оҳақтошлар қазиб олиш пайтида ихтиозавр скелети топилди. Мазкур жониворлар тахминан бундан 190 миллион йиллар муқаддам яшаганлар. Топилган скелетнинг узунлиги салкам 11 метрга етади.



Нозиктабнат айиқполвон

Татаристоннинг Илеть станицяси яқинида И. Гришини галати воқеанинг гувоҳи бўлди. У ўрмонда айланиб юрди-да тамадди қилиш учун очкироқ бир ерга ўтирди. Тузилган бодрингни энди осгизга олган ҳам эдики, орқа тарафида хириллаган овозни эшитди. Бурилиб қаради-ю кўнгир тусли ёш айиқни кўриб, қотиб қолди. Нозиктабнат айиқполвон Гришининг ўзига қелишини кўтиб ўтирмасдан, унинг қўлигаги бодрингни юлиб олиб, маза қилиб еди. Кейин консерва банкасидаги нўхат бўтқасини ейишга тутинди. Аммо нўхат бўтқаси айиқ полвонга ёқмади шекилли, аразлагандек чакалакзор ичига кириб кетди.



Фарғона область, Ўзбекистон районидаги «Бўстон» паррандачилик-наслчилик фабрикаси коллективи бу йил 3 миллион дона тухум, 300 тонна парҳез гўшти етказиб беришга аҳд қилганлар.
Суратда: совхоз бош зоотехниги Неъмат Кенжабоев, товуқбоқар Холиясхон Сиддиқова ва Мазмуна Алиева.
Н. Шарипов фотоси

Насиба Субҳонова, Одинахон Назарова каби найчакашлар, Гулчехра Абдуллаева, Муҳаббат Субҳонова, Муқаддас Каримқулова сингари тўқувчилар бошқаларга ибрат бўлаётдилар. Жўрабой Қўлдошев, Маъруфжон Орипов, Ҳотамжон Ҳамидовлар етакчи бўлган бригадалар социалистик мусобақада байроқдорлик қилишмоқда.

— Шаҳрихон атласининг ўзига хос хусусиятлари нимада?

— Ҳозир республикамызда хонатлас тўкиб чиқарувчи корхоналар жуда кўп, — деб ҳикоя қилади гул боғловчи уста Ҳасанбой ака Шерматов. — Жумладан, биз ҳам ишлаб чиқарамиз. Аввал ипак каваланади, танда тортилади, биз гул боғлаймиз. Гул боғлаш — жуда мураккаб иш. Чунки унга жуда кўплаб

ранг ишлатилади, улар бир неча жойдан бўйиб боғланади. Муҳим, биз ёрқин ранглар танлашга, шаклларнинг аниқ бўлишига ҳаракат қиламиз. Машинага қўйилганда ҳам унинг сурилиб кетмаслиги, шаклнинг аниқ, ўз ўрнида бўлиши қатъий назорат қилинади.

Қисқа қилиб айтганда, Шаҳрихон атласи тез ўнгмаслиги, ювилганда ранглари чапланмаслиги, ёрқинлиги, жилоси, майда тароқчилиги билан Марғилон, Вухоро, Наманган ва бошқа фабрикаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан ажралиб туради.

Чиндан ҳам, Шаҳрихон хонатласлари ёрқин, рангин жилоларда товланади, тескари томони қизил, ўзи майин силлиқ ва нафис бўлади. Шу боисдан ҳам унинг талабгорлари жуда кўп.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми қарорларида таъкидланганидек, аҳолини сифатли кийим бошлар билан таъминлашни янада яхши йўлга қўйиш фабрика коллективининг асосий вазифасидир.

Фабрика партия комитетининг секретари Зокиржон Сотволдиевнинг айтишича, келгуси йилдан лойиҳа қиммати 8,5 миллион сўм бўлган янги ипак йигирув фабрикаси қурилади.

— Ана шунда биз тўқиган хонатласларнинг шухрати янада ортади, — дейди у мамнуний билан.

Йўлдош СЎЛТОНОВ,
Ҳамид КАРИМОВ

БЕ
ТАСМАЛА
НОҚДАНА

Нон — ризқ-рўзимиз.

М. Пенсон фотоси



Н. Шарипов фотолари

Механизатор-комбайнчи Мирзаали Ҳамдамов.



Акмал ИКРОМЖОНОВ. ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ ҒАНИ АЪЗАМОВ ПОРТРЕТИ.

ПИШИҚЧИЛИК.

ЁШ
РАССОМЛАР
ИЖОДИДАН



Акмал ИКРОМЖОНОВ. ҚУШИК.

Раҳмон ШОДИЕВ. БОЙСУН БОЛАЛАРИ.



УИ БЕКАСИ.






Бугдойзорда.



Улугбек глобуси.

Каной

ХИКОЯ



Шеркон ҚОДИРИИ

Ез. Туш маҳали. Ҳамма ўзини панага олган.

Шералининг очиқ елкалари офтоб тигида йилтирайди. У, қора терган ботганча, лой пишитар эди. Берч бўлиб қолган лойни ағдара-ағдара толиқди. Кетмонига суяниб, хансираб ҳандақдан чиқди. Косадаги чойдан симириб, хузурланиб энтикди. Бўйнидан оқиб, ёлдор кўкрагига тушаётган маржон-маржон терларни елкасидаги рўмолча билан артиб, янги кўтарилган уйнинг ёнига — сояга ўтиб чўкди. Болдирига ёпишган сомонли лойларни кўчира туриб, хаёлга чўмди: «...Қани энди шарқираб оқаётган сой бўлса. Мазаза қилиб чўмилсанг. Хоҳлаган томонингга сузсанг, ҳеч ким сенга халал бермаса...»

— Уф-ф... Тўйгача сувқодан чиқарарман деб ўйлагандим. Ганч сувқоқ қилолганимда-ку...

— Болам, ҳаракатингни қил. Ҳадемай кеч бўлиб қолади, — деган ҳоргин товуш Шералини хушига келтирди. «Кўзғолмасам, бугун ошхонанинг сувогини тугата олмайди-данага ўхшайман...»

...Эртаси куну сув сепаиб, тоза-лаб супирилган Шералининг эшиги олдига қизил «Жигули» келиб тўхтади. Машинадан учта ясанган аёл — ёши ўттизларда, бўйи пастаккина, ҳаракатларидан киборлиги сезилиб турадиган

бир аёл олдинги эшикдан чиқди. Орқа эшикдан эса тугун кўтарган яна бир келинчак тушди. Унинг ортидан ёши улуг, бўйи баландроқ, сочларига бироз оқорлаган, юзидаги ажинларга қараганда анча қийинчиликлар кўрган аёл кўринди. Шерали уларни бир дақиқа дарвоза тирқишидан кузатиб турди-да, хужрага кириб, сим каравотга чўкди.

Паст бўйли аёл шофёрга бир нималар деди-да, машинанинг эшигини ёпди.

— Қани, бошланг, — мингирлади у машина жилгач, бошини орқага ташлаб, кесилган сочларини силкитиб.

— Адашмадикми? — деб сўради кекса аёл.

— Э, мана шу-да. Ана деворларини ҳам оқлаб қўйишибди-ку, — деди у.

— Қани, келинлар, хуш келибсизлар. — Шералининг онаси меҳмонларга қучоқ очиб пешвоз чиқди. — Яхши келдингларми? Қийналмадингларми? Қани-қани, ичкарига.

Меҳмонлар ҳовлида бошига оқ дока рўмол ўраган, чиройли қилиб тикилган чит кўйлак, лозим кийган, оёғидаги янги ковуш-махсисини ғирчиллатиб яқинлашаётган Фотима аммага дуч келишди. У кудаларни қучиб-суйиб, янги солинган уйга бошлади.

Меҳмонлар чиқиб кетишгач, меҳмонлар атрофга назар ташлаб, бир-бирларига хайрон термулишди.

— Куёвимизнинг уйи шуми? — тўнгилади пакана аёл, — Сепимизни мана шу уйга ёямизми?!.

— Ким билади, дейсиз... — Хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар... — Эшикдан бир қўлини кўксига босиб, чой кўтариб содагина кийинган Шералининг онаси Рихси хола кирди.

— Қани, дастурхонга қаранглар, — деди у кираверишга чўкар экан. — Олинглар, тортинманглар...

— Раҳмат. Рихси хола пиёгани меҳмонларга узатар экан, пакана аёлнинг хона деворларига қараётганлигини сезиб қолди. Унинг қўллари бўшашиб кетди.

— Олинглар. Мен ҳозир... — деб беҳолгина ташқарига юзланди. У янги солинган уй қаршисидаги пастаккина хужрасига кирар-кирмас қайнғачисига:

— Вой опа, кудаларингизнинг авзойи бузуқдай, — деди ҳовликчи.

— Тинчликми? — Уйнинг оқланмаганлиги ёқмади, чоғи. Узингиз кириб бирор нарса денг, тагин ортиқча гап-сўз қилиб юришмасин.

— Э, ваҳимангиз қурсин. Келгандан кейин ёяди-да молини. Қизини берса, Шералидай йигитга беради-да.

Фотима амма инқиллаб кўзгалди-да, меҳмонларнинг олдига борди:

— Хуш кўрдик, азизлар. Узаро пичир-шивирлар тиниб, меҳмонлар жойларида бир қимирлаб қўйишди.

— Утираверинлар, утираверинлар. Қалай, яхши утирибсизларми? — деди Фотима амма.

— Раҳмат... Фотима амма кўрпачага утириб, меҳмонларнинг юз-кўзларига разм солди. Улар хайрон ва таажжуб ичида бир-бирларига термулиб ўтиришар эди.

— Энди айбга буурмайсизлар, болаларим. Тўй билан овора бўлиб, баъзи ишларга улгура олмадик, — тушунтира бошлади амма деворларга ишора қилиб. — Сепларингизни ёя туринлар. Тўй ўтин. Кейинги ишларни Шералининг ўзи қилаверади.

Орага сукунат чўкди. Меҳмонлар жимгина ўтиришар эди.

— Кўнгиллариңиз хотиржам бўлсин. Сизларни уялтирадиган иш қилмаймиз, — деди яна амма ўртадаги жимликни бузиб.

— Ҳа, тушунамиз, хола, иморат иши қийин, — тасдиқлади бўйдор аёл.

— Вой, нимасини айтасиз, болам. Воққиш Шералим, мана шу уйни тиклагувчи, она сутти оғзидан келди. Отасиз, ёлғиз ўзи... Бунинг устига хунар-техника билми юртини битирдию боши билан завод ишига шўнғиб кетди. Иморатини ишдан бўш вақтларида бир амаллаб битириб олди, айланай, — Фотима амма, кўз ёшларини арди. — Жони омон бўлса, қолганини ҳам битириб олур...

Яна ўртага жимлик чўкди. Жимликни фақатгина хонада гингиллаб учиб юрган пашшагини бузар эди.

— Келин-куёв тинч-тотув яшаса, мана шу уйларида ували-жували бўлишса, ҳаммаси унутулади, — жимликни бузди яна амма.

Кудалар сепларни ёйиб, келин-куёв уйини ясашиб қайтишди. Кўп ўтмай Рихси хола хонадоғида тўй. Ҳовлига тумонат одам йиғилди. Ошпазнинг қапгири катта дошқозонда тинимсиз айланади. Самоварлар шақиллаб қайнапти. Икки-уч киши дастурхон тузатапти. Кимдир меҳмонларни кутиб олапти. Хотин-халажнинг шовқини, ёш болаларнинг чугурчугури ҳовлини тўлдирган...

Шерали онасининг хужрасида, сим каравотда чалқанча ётиб, хаёл сурар эди: «Уф-ф! Нима бўларкин-а? Бари бир улгура олмадим-да. Нега ўшанда ганчни қимматроқ бўлса ҳам олавермадим? Мана ҳозир уй ганч шувқодан чиқарди. Э, энди фойдаси йўқ. Бу ёйга шармандам чиқмаса бўлгани... Шахло нима деркин?..»

— Ҳой, нима қилиб ётибсан? — ичкарига Шокир кирди. Шерали чўчиб тушди.

— Ҳа, кел, — деди қўлини унга узатиб кўришаркан Шерали.

— Вўлақол. Кийин. Эшик олдида чиқиб ўтирамиз. Вақт бўлди. «Хотинлар-ку уй ичини латта-путталар билан тўлдириб бир нави қилиб кетишди. Ташқариси-чи, ташқариси... Қарасам кўнглим озади...», уйларида Шерали кийнаркан.

Шерали куёвлик сарполарини кийди. Эғнидаги қора костюм-шим унга бекиёғ ярашди, оёғидаги баланд пошнали туфлиси эса бўйини янада баландроқ қилиб кўрсатар эди. Лекин унинг қўзларини ҳоринлик тарк этмаганди.

— Бу бошқа гап, ана энди куёв болага ўхшадиган, — деди Шокир жимлайиб.

Улар бошлашиб кўча эшик олдида, сувлар сепилиб салқинла-

Васко КАРАЖА
(Македония)

САЛОМ, ТОШКЕНТ!

Ассалом, Тошкентим!
Салом алайкум!
Сен менинг ёшлигим,
Сен менинг фахрим,
Мени етукликка
Бошладинг ҳар зум,
Менинг хориждаги
Бошпана шахрим!
Кучли шамол эсиб
Дарғазаб тоғдан,
Оловли ёллари
Кўрсатиб кучин,
Олис кучоғингга
Елдирган чоғда
Вағринга дўстона
Босганинг учун,
Кўзларингдан меҳр
бўлиб
Тошган нур,

Самимийлик учун сенга,
Ташаккур!
Сенинг офтобингнинг
Қайноқ нурлари,
Ярамга қўйилган
Малҳаминг учун,
Муқаддас даргоҳинг,
Илминг дурлари,
Чексиз хиёбонлар,
Кўкларинг учун,
Серюлдуз тунларинг
қуйлари учун,
Уйқусиз тунларинг
ўйлари учун,
Бари учун сенга,
Тошкентим,
Раҳмат,
Мангу бахт қучавер,
Чекмағил захмат,
Олисдаги менинг
севимли шахрим!
Сени десам менинг
очилар баҳрим,
Ташаккур, Тошкентим,
жонажон шахрим!

Э. МУҲАММАД
таржимаси
Скопье шахри.

ХУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

тилган ва ҳозиргина куёв учун махсус ясаatilган стол атрофига ўтиришди. Шерали юмшоқ ўриндикка чўқар экан: «Бари бир улгуришим керак эди...» деган уй уни тарк этмасди.

— Тур, меҳмонлар келишяпти, — деб шипшиди Шокир.

— Келинлар, келинлар...

— Табриклайман!..

— Бахтли бўлинглар!

Шералининг чехраси бироз ёришди. Дўстларини кўриб қувонди, чунки дўстлари унга мана шу уйни кўтаришда ҳашарга келишиб, жуда катта ёрдам кўрсатишди.

— Тўйлар муборак бўлсин, куёв бола! — Шералининг қаршисига узун юзли, кўзлари қақчайган, олифтанома бир йигит турарди.

— Раҳмат, раҳмат. Қани ичкарига... — Шералининг юзи тундлашди. У ичкарига кириб кетган



Расми А. ХОЛИҚОВ чизган

ҳозирги йигит ҳақида ўйлай бошлади: «...Райим бойваччанинг арзандаси... У битмай қолган уйни кўриб, роса масҳара қилса керак... Узи дангиллама участкада туради.»

Карнай садоси ёшларни чорлай бошлади. Куёв жўралари билан келиникига йўл олди...

Шерали келиникидан кайфияти бузилиб қайтди. У бутун тўй давомида ўз хаёли билан ўзи банд бўлиб ўтирди. Ҳатто у тўй қандай тугаганини ҳам сезмади. У уйга киргандagina ўзига келди. Кейин... Келин билан ёлғиз қолди... Гўё у туш кўраётгандек... У қаршисига сервантга ўрнатилган кўзуга қараб тўхтади. Кўзуга у Шаҳлон кўрди. У ҳарир пардалар ичида оппоқ юзини яшириб, кичкина қўлчаларини тиззасига қўйганча жимгина бош эгиб диванда ўтирар эди... Шералининг юраги орзиқиб кетди. У

Шаҳло энди деворларга разм солиб қаради. Сўнг Шералига қараб жилмайди. Унинг икки юзига кулгичлари аниқлашиб, чиройини янада очиб юборди. Шералининг кўзлари каттароқ очилди:

— Бу йил албатта ганч сувқдан чиқараман, — деб гўлдиради у ниҳоят дадиллаб. Шаҳло унинг гапини тасдиқлагандек бошини силкитиб қўйди.

— Иккаламиз... Мен ҳам ёрдамлашаман, — деди қиз охиста, лекин хаяжонли товушда. — Вир ўзингиз чарчаб қоласиз.

«...Ёрдамлашаман?!» Шерали бахтиёр эди. Чунки, ҳаётда ўз тенгини топганди. У яна шунинг учун ҳам бахтиёр эдики, бугундан бошлаб мустакил ҳаётга кадам қўяётганди.

1984

— У ҳали манави деворларни кўргани йўқ... — деб ўйлади Шерали алам билан. — Кўрса... Уф-ф... Нима деркин-а?...

— Шаҳло... Уй...

Шаҳло атрофга беозоргина назар ташлади. Шералининг юраги шувиллаб кетди. У қўл-оёғи бўшайиб, секингина стулга чўқди.

— Нима? — сўради Шаҳло мулойимгина.

— Сувқ қилишга улгура олмадим. Бир ёқдан заводнинг иши...

— Тушунмадим?

— Тўй ҳаракатлари билан, иш билан овора бўлиб, иморат чала қолиб кетди. Манави деворлар... Лекин заводда яхши ишлаганим учун мақтов қозоғи беришди, — деди у ийманиб.

Надежда Константиновна Круская: «Биз меҳнат мактабини — ҳозирги замон ютуқлари негизига асосланган коллектив меҳнатни қарор топтириш йўлларини кўрсатувчи мактабини яратмоғимиз лозим», деб таълим берган эди. «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» да ана шу эзгу мақсад ҳам ўзининг тўлақонли инфодасини топди. Партия ва ҳукуматимизнинг бундай ғамхўрлиги биз ўқитувчи педагогларнинг масъулияти ва эътиборини шубҳасиз оширади. Эндиги вазифа — янги таълим системаси асосларини изчил амалга оширишдан иборатдир.

Бизнинг мактабимиз коллективи ҳам партия ва ҳукуматимиз маъқуллаган «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» ни зўр қизиқиш билан қуқур ўрганиб чиқдилар.

Коллективимиз ўз имкониятлари доирасида мактаб ўқув-техника базасини кенгайтириш тадбирларини кўрмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ 10 минг сўмликдан ортик ўқув-кўргазмалар қуроқлар, техника воситалари ва турли жиҳозлар олинди. Мактабда техника воситалари кабинети ташкил этилди. Кабинет рангли телевизор, магнитофон, кинопроектор ва бошқа ўнга ақин техник ускуналар билан жиҳозланди. Қўшимча равишда ташкил этилган 5 та фан кабинетига телевизор ўрнатилди. Кинозал ва радиоузел ишини янада яхшиладик. Натижада ўқувчилар Иттифок ва республика телевидиелари орқали бериладиган телевизион кўргазмаларни ўқув машғулотларини кўриш имкониятига эга бўлдилар.

Мактаб коллективи 74 нафар малакали педагоглардан иборат. Улар 1 минг 167 нафар ўқувчиларга таълим-тарбия бермоқдалар. «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» асосида 1986—1990 йилларга мўлжалланган тадбирларни ишлаб чиқди. Ана шу тадбирлар асосида иш юритиб, 1986 йилдан эътиборан мактабимизда таълим-тарбия ишларини асосий йўналишларда белгиланган тартиб-қоидалар бўйича олиб борамиз.

Табиики, ислоҳот кўрсатмаларидан келиб чиқиб, ўқув-методик ишлар сваясини юқори поғонага кўтаришимиз лозим. Биз бу ишга жиддий эътибор берамиз. Ўқув масканида ҳар бир фан бўйича метод бирлашмалари ишлаб турибди. Уларда ёш ўқитувчиларга зарур ёрдамлар берилаяпти, очик дарслар уюштирилиб, илрор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари мунтазам оммалаштирилиб берилмоқда.

Жонажон партия ва ҳукумати-

миз мактаб ишини ислоҳ қилишни кенг миқёсли ижтимоий-иқтисодий тадбир сифатида ишлаб чиқиб, бу борада ўқитувчининг ролини алоҳида ўқиргани ҳолда халқ маорифи ходимларининг жамоат ўртасидаги обрў-эътиборини ошириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш тадбирларини аниқ белгилаб берди. Бундай оталарча ғамхўрлик биз педагогларнинг меҳнат ғайратини ошириб юборди. Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочилири А. Муталлиев, Ҳ. Қудашева, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими З. Эгамназаров, фан ўқитувчилари М. Урозова, Г. Юсупов, Э. Аъзамов, С. Гималдинова, Х. Назарова, С. Махмудова сингари фаол педагогларимиз ўқув-тарбия ишларини янада жонлантиришда коллективда пешқадамлик кўрсатмоқдалар.

Мактаб таълимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида мактаб билан ишлаб чиқаришнинг узор алоқасини мустаҳкамлаш лозимлиги алоҳида ўқирилган. Дарҳақиқат, буни амалга ошириш ҳар бир мактаб коллективининг муқаддас бурчидир. Ўз бурчларини қалбдан ҳис этган педагогик коллективимиз ёшларга меҳнат ва касб тарбияси беришга жиддий киришдилар. Мактаб қошидаги ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси қайтадан ташкил этилди. Бригада аъзолари Калинин районидagi «Партия XXI сьезди» совхозининг 1-бўлимидан ажратилган 7 гектар ерда эртаги қарам етиштирилди. Шунингдек, бир неча гектар майдонда маккажўхори ўстирди.

Ўқувчиларга касб ўргатиш, уларда касб малакасини ҳосил этиш масалаларига ҳам жиддий эътибор берамиз. 9—10-синфларнинг ўғил болалари 2-автомобиль-ремонт заводида автослесарлик касбини ўрганмоқдалар. Уша синфларда ўқийдиган қизлар эса Қўйлик теплица комбинаида сабзавотчилик билан шуғулланиб, кичик агрономлик ихтисосини эгаллашмоқда. Юқори синфларда ўқиётган бир гуруҳ қизлар «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номли фабрикада тикувчилик касбини ўрганаптилар.

Мактабимиз коллективи «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» ни ҳаётга муваффақиятли жорий этиш учун ўзларининг бутун қуч-ғайратларини сафарбар этадилар. Ишончимиз комилки, партия ва ҳукуматимизнинг бу муҳим кўрсатмаси ҳамма жойда муваффақият қозонади ва коммунистик жамаият тантанаси йўлида хизмат қилади.

Шариф ОРИФҲУЖАЕВ,
Калинин районидagi Максим Горький
ломли 25-ўрта мактаб директори

БУЮК ОЛИМ

АКАДЕМИК С. П. КОРОЛЕВ
ҲАҚИДА СЎЗ

Маълумки, инсоннинг коинотга интилиш гоёлари қадимдан афсоналар, эртақлар ва фантастик асарларда ўз ифодасини топган. Шарқ афсоналарида учрайдиган учар гиламлар, тариқаи Ақл ҳақидаги ривоятлар ҳаммамизга маълум. Ҳинд достони «Махабхарата»да эса Ойга учиб ҳақида фарозлар бор. Юнон ривоятларида айтилишича, Икар қанот боғлаб Қуёшга парвоз қилади. Албатта, буларнинг бари орзу, тараққиёт сари интилишни ифодаловчи афсонавий фарозлар эди.

Коинотни билиш, космик фазога парвоз қилиш ҳақидаги инсоннинг орзу-умидлари фан ва техника беқиёс тараққий этган бизнинг замонамиздагина аниқ воқеликка айланди.

...Шундай одамлар бўладики, улар ҳаётлигидаёқ ўз номларини мангуликка қолдирадилар. Сергей Павлович Королев ҳам ана шундай улуг сиймолардан бири эди. Совет космонавтика фани ва умуман, космик фазони ўзлаштиришдаги улкан ва беқиёс ютуқларимиз унинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. Сергей Павлович космик техниканинг Бош конструктори сифатида ўзининг бутун ақлини, тафаккур дунёсини қудратли космик кемалар ва буларни орбитага олиб чиқадиган ракеталар яратишга бағишлади. Унинг мўъжизавий ақл-заковати совет кишини бўлган замондошларимизнинг фазони жаҳонда биринчи бўлиб ўзлаштиришга киришишлари учун йўл очди. Албатта, Сергей Павлович бундай жаҳоншумул шухратга осонликча эришмади. У ҳам бошқа оддий кишилар сингари ҳаёт кечирди. 1952 йилда олимнинг ўзи томонидан ёзилган атиги бир саҳифалик таржимаи ҳолида кўрсатилишича, Сергей Павлович 1907 йил 12 январда Житомир шаҳрида дунёга келган. У уч ёшида отадан етим қолади. Ун беш ёшида Одесса шаҳридаги Ҳунар-қурилиш техникумини тамомлаб, қурувчи-бинокор ихтисосини эгаллайди. Кейин эса Киев политехника институтининг аэромеханика бўлимида икки ярим йил ўқигач, Бауман номидаги Москва олий техника билим юртининг худди шундай факультетига ўқишга ўтади. Уни 1929 йилда муваффақиятли тамомлайди. Қарийб бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, 1930 йилда Москва учувчилар мактабини ҳам битиради.

Етшлигидан планиеризм билан қизиқади. 1929 йилда Сергей Павлович ҳаётида унутилмас воқеа юз беради. Уша йили Эдуард Константинович Циолковский билан танишиши — унинг орзуларига қанот боғлади. У шундан кейин ракета техникаси масалала-



ри билан астойдил шугуллана бошлади. Шушу у ўзининг бутун ҳаётини ракета техникасини тараққий эттиришга, космосни ўзлаштиришга бағишлади.

Космик фазога учининг назарий асосларини буюк олим К. Э. Циолковский яратди. У ўзининг «Реактив асбоблар ёрдамида коинотни текшириш» ва бошқа бебаҳо илмий асарларида космик парвозларни техник жиҳатдан амалга ошириш мумкинлигини исботлади. С. П. Королев унинг ишлари билан яқиндан танишиб ва илмий асарларини чуқур ўрганиб, ракета типидagi учувчи аппаратлар яратиш гоёси билан астойдил қизиқди. У худди шу мақсадда 1931 йилда Реактив ҳаракатни ўрганиш Москва группаси (ГИРД)ни тузишда фаол қатнашди ва унга раҳбарлик қилди. Унинг ракеталар техникасини ривожлантиришдаги ана шу ишларининг дастлабки самараси ўлароқ 1933 йилнинг августда ёнилгани биринчи совет ракетаси «ГИРД-09» учирилди. Уша йил охиридан бошлаб «ГИРД» заминда Реактив илмий-тектириш институтининг ташкил этилиши ва унда С. П. Королевнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб бошлаши унинг учун янги имкониятлар туғдирди. Улуг олим кучли ракета системалари яратишга алоҳида эътибор берди ва бу соҳада у катта муваффақиятларга эришди. Вевосита унинг раҳбарлигида баллистик ва геофизик ракеталар, «Восток» ва «Восход» космик кемалари, Ер ва Ойнинг сунъий йўлдошлари яратилди. Ойга,

Венерага ва Марсга учирилган автоматик станциялар, «Электрон», «Молния-1», «Космос», «Зонд» сериясидаги сунъий йўлдошлар ҳам Сергей Павлович етакчилигида ишлаб чиқилди ва тайёрланди. Космик техниканинг мазкур қудратли воситалари ёрдамида фазода олиб борилган кенг-қўламли тадқиқотлар фақат совет фанинигина эмас, балки жаҳон фанини ҳам бебаҳо янгиликлар билан бойитди. Шу боисдан ҳам буюк замондошимизнинг номи биз яшаётган замондагина эмас, балки узоқ коинот қўйнида ҳам абадийликка муҳрланиб қолди. Ойнинг бизга тескари томонидаги йирик кратер (талассоид)нинг Королев номи билан аталиши бунинг рамзий ифодасидир.

Академик С. П. Королев ўзининг илмий-амалий фаолиятида замонамизнинг улуг олимлари — М. В. Келдиш, Я. Б. Зельдович, Ю. Б. Харитон сингари фанимизнинг етук намоёндалари билан яқин ҳамкорликда, уларнинг назарий хулосалари ва тавсияларини ўз назариялари билан мақсадга мувофиқ омичта қилган ҳолда изчил иш кўрди. Модомики, эндиликда жаҳоншумул ютуқларга эришган совет космонавтикасида космик парвозлар назарияси, космик ракеталар, двигателлар, бошқариш системалари, учириниш омихталари (космодром каби), космик кемалар, автоматик станциялар, мураккаб илмий асбоблар ва бошқа хил техник воситаларни лойиҳалаш ва яратиш ҳамда уларни амалда қўллаш, шунингдек, вазнсизлик ҳолатида ҳаёт кечириб (тиббий-биологик)ни

УЛУҒБЕК ГЛОБУСИ

Маълумки, XV асрнинг биринчи ярми Урта Осиёда аниқ фанлар тараққиётида муҳим босқич бўлди. Бунда улуг астроном Мирзо Улуғбекнинг хизматлари бекиёсди. У Самарқандда, Бухорода, Ғиждувонда мадрасалар ва астрономик расадхона, кўприклар қурдирди. Улуғбек расадхонаси ўрта аср Шарқи илмий тафаккурининг жавҳари — ўз даврининг фанлар академияси эди. Бу ерда машхур

математиклар ва астрономлар йиғилганди. Машхур олимлар Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Али Қушчи... Улуғбек академиясининг ўзагини ташкил этар эдилар.

Самарқандда ўтказилган дастлабки кузатишлар, ўша пайтгача қўлланиб келинган юлдузлар жадвалининг жиддий ноаниқликларга эга эканлигини кўрсатди. Бу жадвал қадимги Юно-

нистонда, геосентрик система-нинг асосчиси Клавдий Птолемей томонидан 138 йилда тузилган эди. Бунда Птолемей машхур юнон олими Гиппарх (эрамингача II аср) тўплаган астрономик кузатиш натижаларига асосланади. Птолемей жадвали узоқ йиллар давомида сайёралар ҳаракатини ўрганишда кенг қўлланилиб келинди. Уша даврларда юлдузлар осмон сферасида қадаб қўйилган кўзгалмас ёритгичлардир, деб ҳисобланар эди. Аслида эса юлдузлар доимий ҳаракатда ва уларнинг бир-бирига нисбатан вазияти ўзгариб боради. Шунинг учун уларнинг Птолемей жадвалида кўрсатилган вазияти Улуғбек давридаги кузатишлар натижаларига мос келмай қолди. Бундан ташқари, Ер айланиш ўқининг фазодаги вазияти билан боғлиқ айрим астрономик микдорлар аниқ ҳисобга олинмаганлиги ҳам маълум бўлди. Шунинг учун ҳам Птолемей жадвали аниқлиги бўйича амалий астрономия талабига жавоб беролмас эди. Улуғбек янги астрономик жадвал яратиш

ишга ишонч билан қўл урди. У олимлар билан маслаҳатлашиб, Птолемей жадвалига киритилган юлдузларни қайта кузатишга ва уларнинг вазиятини ўлчашга, астрономик доимийликларни аниқлашга киришди. Шу мақсадда Улуғбек Самарқандда машхур расадхона қурдирди. Самовий жисмлар вазиятини юқори аниқлик билан ўлчаш мақсадида у улкан астрономик асбоблар ясади. Шу қурилмалардан бирининг ер ости қисми 1908 йилда археолог В. Л. Вяткин томонидан кўхна Афросиёб (Самарқанд) яқинида топилди. Текширишлар бу улкан асбоб квадрант (айлананинг тўртдан биридан иборат ёй) эканлигини кўрсатди. Унинг радиуси 40,2 метрга тенг. Расадхонада ҳар хил мақсадларга мўлжалланган катта-кичик астрономик асбоблар аслахонаси бўлган. Яқин йилларгача Улуғбек расадхонасининг асбоблари нобуд бўлган ва беш ярим асрдан кейин уларни топиш амри маҳол, деб ҳисобланиб келинар эди. Бироқ, УзССР Фанлар академиясининг акаде-

таъминлаш системаларини амалий ишлаб чиқиш масалалари муваффақиятли ҳал этилган экан, бу номлари тилга олинган даҳларимизнинг буюк хизматидир.

Маълумки, инсоннинг космик эрага дастлабки қадамини Юрий Гагарин номи билан боғлаймиз. Бу шартли нисбийликдир. Аслида Гагариннинг космосга парвозини улуг инсон, бекиёс истеъдод эгаси Сергей Павлович Королев тайёрлади ва муваффақиятли амалга оширди. Бунинг учун эса олим ернинг тортиш кучига бардош берадиган мутлақо янги техникани яратиш ва орбитадаги вазнсизлик ҳолати билан боғлиқ бўлган энг мураккаб масалаларни мардондор ҳал этди. Ҳа, чиндан ҳам инсоннинг космосга парвозини таъминлаш учун космик аппаратлар ҳаракатини танлаш, космик аппаратларни муайян самовий жисмларга нисбатан мақсадга мувофиқ равишда йўналтириш, бузилмасдан узлуксиз ишлайдиган алоқа линиясини яратиш, ердан туриб космик кемани ва ундаги тегишли аппаратларни бошқариш каби гоят мураккаб масалаларни ҳал эттиш Бош конструктор учун осон бўлмади. У конструкторлар ва бошқа инженер-техник ходимлар фаолиятини донишмандлик билан ана шундай ўта масъулятли масалаларни бажаришга сафарбар эта билди. Сергей Павловичнинг буюклиги шундаки, у жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган бу масалаларни дунёда биринчи бўлиб бажариш бахтига муяссар бўлди.

Вазнсизлик ҳолатининг инсон организмгагина эмас, балки орбитага кўтарилган асбоб-ускуналарнинг ишлашига ҳам таъсирини ўрганиш, суъий йўлдошлар ва космик кораблларнинг узоқ муддат учишлари учун уларни энергия билан таъминлаш, космонавтларнинг Ерга соғ-саломат қайтиб тушиши билан боғлиқ бўлган масалаларни айтмайизми. Сергей Павлович буларнинг ҳаммасини мислсиз ташкилотчилик истеъдоди ва тафаккур қудрати билан ҳал этди; бунга кўплаб илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюрolari коллективларининг кучини йўналтирди.

Олимнинг ҳамкасбларидан бири, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Н. Раушенбах С. П. Королевнинг истеъдодини қуйидагича изоҳлайди: «у ўзи учун махсус ва асосий бўлган масалалардан нисбатан узоқ бўлган, лекин керакли система-ларни яратиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳам моҳияти-

ни билиш лозим деб ҳисоблар ва ўзи бунга доим амал қиларди».

Сергей Павлович ўзининг бутун фаолияти давомида ҳамма вақт ва ҳамма ерда биринчи бўлди. У қуёш системасини тадқиқ қилишга ҳам биринчи бўлиб қўл урди. 1930 йилда Королев томонидан яратилган «Красная звезда» планери авиация тарихида муҳим янгилик бўлиб, кишиларнинг баланд учишига мўлжалланган эди.

Мамлакатимиз ракета техникаси ва космонавтикамиз тараққиётининг ҳар бир босқичи С. П. Королев илҳомидан қувват олди. 1940 йилда унинг томонидан яратилган ракета-планернинг учирлиши инсоннинг сууюклик билан ишлайдиган ракета двигателяли учини аппаратидаги парвози сифатида совет авиацияси ва ракета техникаси тарихига кирди. Королев раҳбарлигида яратилган қитъаларо баллистик ракетанинг 1957 йил 21 августда муваффақиятли учирлиши Совет Иттифоқининг халқро обрўйини бир поғона кўтарди ва космосга чиқишда таянч бўлиб хизмат қилди. Уша йили 4 октябрда Ватанимизда жаҳонда биринчи бўлиб Ернинг суъий йўлдошининг ҳамда 1959 йил 2 январда қитъаларо автоматик станцияларнинг учирлиши бутун совет фанининг, жумладан, буюк олим С. П. Королев истеъдодининг ҳам ёрқин намоиши эди. Ушанда автоматик станциямиз иккинчи космик тезликда Ойга қараб йўл олди ва ернинг тортиш кучини енгиб ўтиб суъий сайёрага айланди. Буни кўриб жаҳон аҳли ҳайратга тушди.

Шу тариқа совет космонавтика фани ва техникасининг мислсиз тараққиёти тобора юксала борди. 1961 йил 12 апрелда жаҳонда биринчи бўлиб мамлакатимизда инсоннинг космосга парвози амалга оширилди. Бу тарихий парвозни тайёрлашга бевосита раҳбарлик қилган Королев Ю. А. Гагаринни космик фазога кузатиб, уни Ердан ҳам ўзи биринчи бўлиб қутиб олди. Олим ўзининг бекиёс билими ва идроки билан инсоният тарихида космик эрани бошлаб берди.

Эришилган муваффақият билан хотиржам бўлиб қолмаслик, босиб ўтилган йўлни такоррламаслик, балки фан ва техникада доим олдинга — юксак марраларга собитқадамлик билан интилиш Сергей Павловичга хос ажойиб фазилат эди.

У шундай теран ва зийрак инсон эдики, баъзи муваффақиятсизлик заминида ҳам галаба омиллари кўра биларди. Масалан, шундай воқеа юз берганди. Учувчисиз

дастлабки космик кемалардан бири ердан берилган «буйруққа» бўйсунмай, баъзи техник камчиликлар оқибатида тезлиги усайиши ўрнига ошиб кетади ва у бошқа орбитага ўтади. Кўпчилик бу ҳолдан умидсизланган бўлса, фақат Королевнинг ўзи мазкур муваффақиятсиз эксперимент заминида бўлгувчи космик кемаларни маневр қила билиш билан уни бир орбитадан иккинчи орбитага ўтказиш мумкинлигини англаб этди.

Сергей Павлович ўзининг бутун фаолияти давомида бюрократизм, формализм кўри-нишларига ва хўжақўрсинга иш қилувчиларга нисбатан мурасасиз бўлди. У ўз масъулияти мезонини яхши билар, фавқуллоддаги ҳолларда ҳамма вақт тез ва тўғри йўл тутарди. Ўз қўл остидаги ходимларини доим тўғри гапиришга, алдамасликка даъват этарди. Бир марта шундай ҳол юз берган: ишчилардан бири ракетани йиға туриб, унинг муҳим бир мурватини йўқотиб қўяди ва уни тополмайди. Уша заҳоти у ўз айбини Королевага айтади. Бош конструктор ишчининг мардлигига тан беради. Худди шундай ҳолда ўз айбини бекитган етақчи конструкторлардан бирини эса у қилмиши учун қаттиқ коййди.

Сергей Павлович узоқни кўра билган баркамол олим эди. У Ю. А. Гагариннинг қисқа муддатли парвози тугалланган заҳотиёқ у қўнган жойга етиб боради. Королев ўшанда шундай деган эди: «Энди орбита бўйлаб учадиган доимий станцияларни яратиш устида ўйлашмиз керак». У ўзининг юксак ниятини амалга ошириш устида қаттиқ изланди ва бунга ўз шогирдларини қатъиятлик билан даъват этди.

Дарҳақиқат, улуг олимнинг орзулари унинг етук издошлари томонидан рўйбега чиқарилди. «Салют-6», «Салют-7» орбитал станцияларининг узоқ муддат учини, космонавтларимизнинг 6—7 ойлаб фазодаги муваффақиятли парвозлари бунинг ёрқин мисолидир. Бугун доворак космонавтларимиз коинот қўйнида кўп ойлаб турли илмий тадқиқотлар олиб бориб, фанимизни янги, қимматбаҳо янгиликлар билан бойтаётган эканлар, шубҳасизки, бунда совет космонавтикасининг отаси Сергей Павлович Королевнинг хизмати бекиёсди.

Ҳа, халқ даҳолари ўлмайди. Уларнинг бебаҳо илмий мероси истикбол йўлларини йўлчи юлдуздек ёритиб туради.

Юдиф СЛОНИМ.

физика-математика фанлари доктори



Ян Гевелийнинг «Астрономия даракчиси» (Гданск, 1690 йил) китобидаги ушбу суратда турли даврларда яшаб ўтган улуг мунажжимлар даврасида буюк ватандошимиз Мирзо Улугбек (Ураниянинг ўнг томонида, олимлар сафида учинчи) тасвирланган.

миги Владимир Петрович Шчеглов Самарқанд астрономия мактаби илмий меросининг Европага тарқалиш йўлларини тинимсиз ўрганиши натижасида кўп сирларнинг юзини очди. Илмий излашлар шуни кўрсатдики, 1648 йилда Англиянинг энг кўхна илм ва маданият ўчоғларидан бири бўлган Оксфорд шаҳрида Улугбек юлдузлар жадвалининг кичик бир қисми илк бор чоп этилади. Жадвални нашрга Оксфорд университетининг профессори Жон Гривс тайёрлади ва унга шарҳ ёзди. Бу Самарқанд астрономия мактабига мансуб олимлар асарларининг Европада тарқалишининг бошланиши эди.

В. П. Шчеглов Англияга қилган илмий сафарларидан бирида Оксфорд университети қошидаги Фан тарихи музейи ходимлари хузурида маъруза ўқиди. Инглиз тарихшунослари қизиқарли ахборотлари учун совет олимга ўтган асрларда қўлланилган астрономик асбоблар рўйхатини ва уларнинг тавсифини тақдим этдилар. Рўйхатнинг муқовасига хусусий коллекция экспонатлардан бирининг сурати туширилган эди. Бу нафис тиргович устига ўрнатилган осмон глобуси эди. Сурати ушбу журналнинг зарбарақларида эълон қилинаётган мақур глобус Мирзо Улугбекка

тегишли бўлиб, Самарқанд расадхонасининг кичик астрономик асбобларидан бири эди. Глобусга берилган шарҳга кўра, унинг диаметри — 155 миллиметр, ўзи латундан ясалган ва юзидagi кумуш нуқталар воситасида юлдузлар осмонининг тасвири ифодаланган. Самодаги энг ёруғ юлдузларнинг номлари глобус юзидa араб тилида ёзиб қўйилган ва осмон бўшлиғининг асосий айланалари чизилган. Ёзувлар глобус 1318 йилда ясалганигидан далолат беради ва унга муаллиф усталарнинг номлари ҳам битилган.

Глобусда берилган шарҳга қараганда тирговичи 330 миллиметр баланликка эга бўлиб, глобусдан кейинроқ ясалган. Тирговичнинг ясашиш вақти аниқланмаган. «Улугбек ҳаётлик пайтида ясалган бўлса керак», деган тахмин бор. Шу ўринда: «Қандай қилиб Африсийёбаги осмон глобуси ноёб антик асарлар йиғувчи инглиз олимнинг шахсий коллекциясига бориб қолдйкин?» деган савол туғилади. Эҳтимол, у ҳам буюк Улугбекнинг «Зижи Курагоний» («Юлдузлар жадвали») асари сингари Европага келтирилгандир. Бунинг сабаби Ян Гевелийнинг ақида «Фан» нашриётида босиб чиқарилган «Атлас звездного неба» («Юлдуз-

ли осмон атласи») асарига академик В. П. Шчеглов ёзган сўз бошида аниқ изоҳлаб берилган: «...1449 йилда Улугбек ўлдирилгандан кейин Самарқанд расадхонаси ўз ишини тўхтатган ва бу обсерваториянинг энг фаол ходимларидан бири Али Қушчи (1402—1474) катта қарвон билан Самарқанддан кетган ва Истанбулга бориб, у ерда ўрнашган. У бу ерда мударрислик қилган, кейинчалик эса Аё София мечити қошидаги мадрасанинг бошлиғи бўлган. Шубҳасиз, Али Қушчи Самарқанддан Улугбек зижининг қўлёзмалари ва бошқа самарқандлик астрономлар ишини олиб кетган бўлиши мумкин. Бу қўлёзмаларнинг нусхалари Яқин Шарқ, Ҳиндистон ва Фарбий Европа мамлакатларида тарқалган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳозирги вақтда Истанбул кутубхоналарида Урта Осиё олимларининг кўп қўлёзмаларининг сақланиши ҳам шундай ҳоллар билан изоҳланади».

Улугбек вафотидан сўнг унинг расадхонасида таниқли шоғирларидан бири — Али Қушчи бироз вақт илмий ишларни давом эттирди ва бошқариб турди. Бироқ теурийлар ҳокимиятидаги нотинч сиёсий вазият ва ҳокимлик учун ўзаро курашлар натижасида тез-тез алмашиб турган Самар-

қанд ҳокимлари расадхонада олиб борилаётган ишларга эътибор бермай қўйдилар ва ҳатто дин пешволари тараққиётга қарши хужум қилган қалтис шароитда илмий иш юритиш мушкуллашди ва олимлар бирин-кетин Самарқандни тарк этишга мажбур бўлдилар. Улар эҳтимол расадхонанинг баъзи асбобларини ҳам ўзлари билан олиб кетгандирлар. Шундай қилиб, Мирзо Улугбекнинг глобуси — худди Самарқанд астрономларининг асарлари сингари — «Туманли Албион» соҳилларига Истанбул орқали олиб борилган бўлса керак, деган тахминимиз бор.

Улугбек глобусининг 1:1 масштаби нусхаси ҳозирги кунларда Тошкент Астрономия институтида сақланади. Уни академик В. П. Шчеглов раҳбарлигида тарихий ёдгорликлардан кичик металл нусха ясаб бўйича мутахассис Г. Е. Изместьев тайёрлаган.

Лондонда Улугбек глобусининг топилиши улуг астроном расадхонаси тарихи сирларини ўрганиш соҳасида олга ташланган қадам бўлди.

Октябрь ТУРСУНОВ,
Исроил САТТОРОВ,
физика-математика фанлари
кандидатлари

ИФТИХОР

- Бунчалик булбуллар бунда сайроқи?
- Булбулнинг ватани шу юртим боғи!
- Бунчалар бу юртинг осмони тиниқ?
- Иилада ўн бир ой қуёши ёниқ!
- Сувнинг таъми ҳам бунчалар ширин,
- Сув билан ҳаёти бу ўлка ерин!
- Тераги бунчалар ўсмаса тикка?
- Элидек бўй чўзган кенгликда кўкка!
- Кенглики севмоқнинг маъноси нима?
- Кенглигу юсакни севар бахт — кема!
- Бунчалар ёз ойн бўлмаса қайноқ,
- Сабабки, кузига қайнатар қаймоқ!
- Қишда ери узра турмас экан қор.
- Баҳорда гул бўлиб кўрсатар виқор!
- Мўъжиза экан-ку қоракўз кўзи!
- Мўъжиза бу юртда яшашнинг ўзи!
- Не сабаб аҳоли бунча турфа хил?
- Қадимдан бағри кенг, дўстталаб бу эл!
- Денгизи йўқ экан ўлкангнинг, ўртоқ.
- Денгиздан улугроқ қалби бор бироқ!

МУҲАББАТ ЙЎҚ БЎЛСА...

Муҳаббат йўқ бўлса, дунё хувиллаб,
Боғлардан кетади файзу ҳаловат.
Ҳаттоки, баҳорда бўлмас тароват,
Изгирин эсади гулларни йлаб!

Муҳаббат йўқ бўлса, бўлмас навоси,
Қушларнинг сайраши суратим қулоққа.
Ҳаттоки, сув жилмас ойдин булоққа,
Қадрини топмайди жононлар нози!

Муҳаббат бўлмаса, байту ғазал ҳам
Завқини тарк этиб қўяди бирдан.
Чечаклар уммайди бу нодир ердан,
Кўркини йўқотиб, дард қолар одам!

Одамнинг кўркини очган муҳаббат,
Муҳаббат йўқ бўлса, одам ҳам бир пул!
Ўт ёнган ўчоқни босиб қолар кул,
Рангсиз бир ҳолатга кирар табиат!

Қуёшни ёндирган она ер меҳри,
Дарёни оқизган боғлар жамоли.
Меҳнатни туғдирган ақл жамоли,
Эртанинг илинжи, дарди ва сеҳри!

Муҳаббат дунёнинг мағрур устунни,
Гўзаллик томини тутиб туради.
Шу сабаб идрокдан баланд, устуну
Маконинг энг азиз қалбда қуради!

ПИНҲОНА СЕВГИ

Дейдилар, аллакми севармиш мени,
Ишқимда қўярмиш, ёнармиш танҳо.
Хайлан кетимдан қувармиш мени,
Тан олгин дейишса, йиғлармиш гоҳо!

Суратим кўксиде юрармиш олиб,
Гоҳ ўпиб қўярмиш лабига босиб.
Тақдирнинг ҳукмидан ноумид ёниб,
Қўярмиш ўзича мактублар ёзиб.

Товушим эшитса, сесканиб кетиб,
Бошини қуйига солармиш хомуш.
Гоҳида узокдан термулиб ўтиб,
Кўргандек бўлармиш хаёлида туш!

Опоқ тонг елларга қилармиш нола,
Нурлардан чизармиш суратим ёлғиз.
Баҳорда қирлардан териб гул-лола,
Ўзича йўлимга сепармиш у қиз.

Севгисини ниҳоят тутармиш пинҳон,
Ҳаттоки ўзича бўлмасмиш иқрор!
Кўзига тор келиб кетса ҳам жаҳон,
Дер эмиш ичида: «Бунинг гашти бор!»

Эй, менга пинҳона шайдо бўлган қиз,
Бунчалар ёнмоқнинг не ҳожати бор!
Эҳтимол, мендирман қисматда ёлғиз —
Сен учун яралган содиқ бахтиёр!

Эҳтимол, юрибман мен сени излаб,
Сен эса қочасан мендан йироққа.
Пинҳона ўртаниб, ичингда бўзлаб,
Кўксингни тутасан аччиқ фиروقқа.

Бас энди, майдонга чиққин ошқора,
Қалбимнинг кутгани сен бўлсанг зора!

НУРЛИ ХОТИРА

Абдулла Қодирий хотира

Одамни ўлади, дейдилар, бекор,
Бутунлай ўлиши мумкинмас сира.
Ха, тўғри, оламга келмайди тақвор
Ва лекин қолади ундан хотира!

Дунёда бор экан бирон-бир одам
Ва унинг номини оларкан тилга,
Е завқиде соларкан нотаниш дилга,
Билингни, у тирик, яшар ҳали ҳам.

Яшайди шу тупроқ, шу она элда,
Е тилда яшайди, ё эса дилда!
Ҳеч одам ўлмайди,
Ўлмайди сира.
Унинг ҳайкалдир нурли хотира!

ЯШИЛ БОЙЛИК ПОЙДЕВОРИ

Ангор районидagi Қорасув қишлоғи аҳли Дўстбой ака Бегимовнинг оиласини фахр билан тилга олади. Дўстбой ака ва унинг турмуш ўртоғи Хурсандой она ўзларининг камтарлиги ва меҳнатсеварлиги билан шундай хурматга сазовор бўлганлар.

Фашист боқинчилари юртимизга хиёнаткорона бостириб кирганида Дўстбой ака ҳам эр йиғитлар қатори Ватан химоясига отланди. У Одердан Эмба дарёсигача бўлган жангларда қатнашиб, Берлинни забт этишда жасурлик кўрсатди. Қишлоғига ғалаба билан, кўксини жанговар орден-медаллар билан тўлдириб қайтди.

Дўстбой ака дастлаб оддий ишчи, кейин совхоз бўлим бошқарувчиси бўлди. Ҳозирги кунда ҳам у ўрмон хўжалигида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаётди. Ўрмон хўжалигини ривожлантириш

даги самарали меҳнатлари учун Дўстбой ака 1973 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўрмон хўжалиги ходими» унвони билан тақдирланди. Айни пайтда моҳир ўрмончи Дўстбой ака бошлиқ бўлим ишчилари ҳар йили турли хил медали кўчат етиштириш ва давлатга мева топшириш план-мажбуриятларини ортиги билан уддаламоқдалар.

Дўстбой аканинг умр йўлдоши Хурсандой онани ҳамқишлоқлари асарлардан бекаси, дейишадди. Дарҳақиқат, бу оқила аёл ўн йилдан буён асарларини парваринглайди, асал йиғади. Ҳар баҳор, кузда Хурсандой онанинг ўғил-қизлари, келин-куёвлари йиғилишиб, асал йиғишида оналарига ақиндан ёрдам берадилар. Агар, биргина 1983 йилда 62 асалари қутисининг ҳар биридан 17,8 килограмдан жами 2 тонна асал йиғиштириб

олинган бўлса, онанинг бу йилги марраси янада улкан.

— Қутлуг йилда 2 минг 220 килограмм асал етиштириш ниятим бор, — дейди Хурсандой она.

— Дастлабки иш бошлаган пайтимизда Қорасув зонаси қумликдан иборат эди, — дейди Дўстбой ака. Кўчатларни сув емириб кетар, сал эътиборсизлик қилдингми, жарликлар пайдо бўлар эди. Техника йўқ эди, кўчатларни кундуз куни суғориш қийин бўларди, ерга сув яқши сингмасди, устига устак кун иссиқ бўлгани учун сувнинг тенг ярми бўлганиб кетарди. Ҳамжихатлик билан бир ёқадан бош чиқариб иш олиб бордик. Виз кундуз куни бошқа ишларга уриниб, тунда кўчат суғора бошладик. Бу тажрибанинг самараси яқши бўлди. Ерларимиз кенгайди, турли ниҳоллар, гуллар, медали-манзарали дарахт кўчатлари эдик. Бугун бу ниҳоллар ишчиларимизнинг назорати остида яқши парварин қилимоқда.

Натижада ўтган йили хўжалигимиз бўйича 68 тонна турли хил ҳўл ме-

ва, шулардан 12 тонна ўрик, 10 тонна анор, 20 тонна узум ва шафтоли, олча, хурмо, чилонжийда териб давлатга топширдик. Айни пайтда хўжалигимизда кўнчилик, асаларчилик, чорвачилик, сузургичилик бригадалари, кўн катакчалари ясаб, тўр тўқиш кабини цехлар ташкил этилди.

Хўжалигимизда маҳсул кўнчилик фермаси ҳам бор. Унга Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ва меҳнат ветерани Ғафур Пирматов раҳбарлик қилади. Ҳозир фермада минг бош кўн парварин қилинмоқда. Бу келгуси режаларимизга катта замин яратади. Утган йили Ғафур ака бошлиқ коллектив 3 тонна кўн гўшти, 2 минг 200 донна сифатли кўн териси тайёрлаб давлатга топширди. Бу йил эса улар 3,5 тонна кўн гўшти, 2,5 минг донна кўн териси топшириш мажбуриятини олишган. Қизларнинг меҳнати айниқса бу ерда қадрли. Эада улар гўж-гўж бўлиб ишиган олма, ўрик, анор, узумларни териб яшиқларга жойлашади. Баҳорда эса турфа гул

кўчатларининг, ёш ниҳолларнинг тагини юмшатадиган ҳам, кўчатларни пайванд қиладиган ҳам шу қизлар. М. Юсупова, Н. Чориева, Р. Бегимова, М. Чориева, К. Бобоева, А. Алиевалар ўрмончиларнинг энг яқин кўмақдошлари ҳисобланадилар.

Ўрмон хўжалиги ишчилари ҳар йили аҳолига кўнлаб турли медали — манзарали дарахт кўчатлари сотадилар. Ҳозир ўрмонда олтмиш минг туп гул кўчати ўстирилмоқда. Ердамчи хўжаликда эса уч юз бош қорамол меҳр билан боқилаяпти. Дўстбой ака бошлиқ хўжалик аъзолари бу йил давлатга кўнлаб ҳўл мева топшириш мажбуриятини олишган. Улар дам олиш зонасини яратиб, сузурги эквивалентини кўнлаб ўстириш учун курашмоқдалар. Меҳнат қилган — элда азиз, дейдилар. Дарҳақиқат Дўстбой ака бугун умрини яшилликка бахшида этди, гўзаллик учун, моддий неъмат учун курашмоқда. Ана шу кураш Дўстбой акага самимий ҳурмат, иззат келтирди.

Комила ЮСУПОВА

ВОРИСЛАР

Кишлоқ ўрта мактабининг ўқитувчиси Шарофат Гадоева СССР Олий Советига депутат бўлиб сайланганини эшитганимизда ҳаёлимиздан шундай ўй-фикрлар кечди: «Минг-минглаб ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, шу жумладан у билим ва тарбия берган юзлаб кишилар оддий ўқитувчининг номзоди учун овоз бердилар. Ишлаб чиқариш новаторлари, партия ва давлат арбоблари, олимлар, ёзувчилар ҳамда бошқа соҳаларнинг вакиллари қаторида педагогнинг ҳам олий органга сайланганлиги мамнулик, ички бир қониқиш ҳиссини уйғотмайдими?»

Педагогнинг мартабаси улуғланаётганлиги кишини ҳаяжонга солар, айни пайтда ўқитувчининг обрў-эътибори, унинг жамиятдаги ўрни хусусида кейинги йилларда бидирилаётган фикр-мулоҳазаларни ёдга туширар эди. Матбуотда, радиода, телевидениеда, ўзаро суҳбатларда ўқитувчиларнинг жамиятда тутган мавқеи бундан 20—30 йил аввалги даражада эмаслиги таъкидланади. Бу масаланинг педагогга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган жиҳатлари ҳақида атрофлича фикр юритилади. Дарҳақиқат, ўқитувчининг обрў-эътибори ҳақида ташвишланиб билди-

чиқинглар», деб буйруқ берса, қанақа обрў-эътибор ҳақида гап бўлиши мумкин? Бундай қараганда, ўша участка бошлиғи ёки бригадига билим ва тарбия берган, оқ-қорани танитган, тўғри йўлни кўрсатган ҳам ўқитувчи-ку, ахир!?

Сўнги пайтларда эса ўқитувчининг иззат-икромини ўрнига қўйиб, умуман мактабни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» ҳақида қарор қабул қилинганлиги, ҳурматининг ёрқин далилидир. Бу қарорда бошқа масалалар қаторида ўқитувчининг мавқеини мустаҳкамлаш хусусида ҳам қимматли тадбирлар белгиланган.

Вобекант районининг Д. Д. Ушинский номи ўрта мактаб ўқитувчиси Шарофат Гадоева 582-Ғиждувон сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советига депутат бўлиб сайланганлиги ҳам педагогларга бўлган ҳалқ меҳр-муҳаббати, ҳурматининг ифодаси, партия ғамхўрлигининг белгисидир.

Ана шундай ўйлар билан Бухородан чиқиб, Вобекантга қараб йўл олди. Депутат ишлайдиган мактабга етиб борганимизда бу ерда катта тадбирга ҳозирлик кўриляётган экан. Мутасаддилар янги депутатнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилиб бериш ниятида эканликларини айтишди. Кечга томон шинам залга Харғўш кишлоғидан, унинг тева-рак-атрофидан, район марказидан кишилар тўпланишди. Кекса ўқитувчи, мактаб директорининг ўринбосари Ҳалим Ҳақимов ўз ҳаммасби, шогирди Шарофат Гадоева ҳақида самимий сўзлади:

— Шарофатни деярли 30 йилдан бери биланам. У Ғиждувон районидаги ҳозирги Садриддин Айний номи колхоз кишлоғида туғилиб ўсган. 1955 йил кузида 8-синфда ўқиётганида 10 тоннадан ортиқ пахта териб, бутун Бухорога танилган. Ўша жонбозлиги учун у ўқувчилигидак Ленин ордени билан тақдирланди. Шарофат 1956 йили 15 тонна, 1957 йили эса 20 тонна пахта теришга муваффақ бўлган. Ўрта мактабни битирадиган 1958 йил Гадоеванинг ҳаётида айниқса унутилмас бўлиб қолди. Шу йили у уч марта Москвага — турли анжуманларга борди. Эрта баҳорда онаси билан биргаликда уч қути курт боқиб, 400 килограмм пилла етиштирди. Бу муваффақият учун Гадоева СССР Кишлоқ хўжалик ютуқлари кўргазмасида қатнашиб, унинг кумуш медали билан тақдирланди. Худди шу йили у мамлакат пахтакорларининг биринчи қурултойида, Ленин комсомолининг XIII съездида қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

Хўш, ёшгина кизчани бунчалик тез эл оғзига туширган, унга олқис олиб келган нараса нима эди? Бу — мурғак ёшлиқдан бошлаб қалбнинг қат-қатидан жой олган она заминга бўлган меҳру муҳаббат туйғуси. Бу — меҳнат қилиш ҳар бир киши учун саодат эканлигини дил-дилидан ҳис этиш ифодаси. Бу — яратиш иштиёқи, ҳамиша олдинга чорловчи ёруғ нур. Ана шу нури унга заҳматқаш, жафокаш ота-онаси, катта ишларга ҳеч бир чўчимай қўл урувчи ажойиб кишилар бўлиб этишган. Шарофатнинг отаси коллективлаштириш фаолларидан бўлган, бир умр замин билан тиллашиб, ризқ-рўз етиштирган. Унинг онаси эса бригадир, пиллакор сифатида танилган. Уларнинг

она ерга бўлган муҳаббати Шарофатнинг ҳам ҳаёт йўлини белгилаб берди. Гадоева 1959 йили Бухоро педагогика институтига борганида ҳеч иккиланмай, табиёт-биология факультетини танлади. У ўзи севган жабҳани чуқур ўрганишни, заминнинг сир-синоатларини бошқаларга ўргатган ҳолда ноз-неъмат яратиш ишига кўпроқ ҳисса қўишни орзу қилганди. Бу орзулари ушалмоқда. Мана, йигирма йилдирки, Шарофат мактаб ўқувчиларига табиёт фанидан, кишлоқ хўжалик билимлари асосларидан сабоқ бериб келмоқда. Тиришқоқлиги туфайли институтда ўқиб юрган пайтларида механизаторлик курсини ҳам тутатди. Бу нараса кишлоқ хўжалик техникасидан амалий машғулотлар ўтишда жуда-жуда асқотди.

Гадоева раҳбарлигидаги ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси 10 гектар ерда пахта етиштириб келаяпти. Шарофатнинг фидойилиги туфайли бу бригадада кейинги ўн йилда пахта ҳосилдорлиги 25 центнердан 45 центнерга кўтарилди. Бригада аъзолари техникани моҳирлик билан бошқариб, омиликорлик билан иш юритиб, мўл-кўл ҳосил етиштиришяпти. Узоққа бормай, ўзимизнинг Охунбобоев номли колхозда ишлаётган собиқ ўқувчиларимизни кўз олдимизга келтира қолайлик. Техника жиловорларидан — хизмат кўрсатган механизатор Ражаб Аслонов, Ваҳри Пулатов, Омон Азимов, Носир Жўраев, колхоз агрономи Зиёдулла Носиров, участка агрономи Ҳамза Ҳақимов ва бошқалар Гадоеванин таълим олган, ер илмини ўрганишган. Ана шу соҳада олим бўлиб етишган, обрў-эътибор қозонганлар ҳам кўп.

Гадоева қалбидаги нури, ёлқинни бошқаларга ҳам кўчирсам, дейди. Ҳозир унинг кўпгина ўқувчилари Гадоева изидан бориб, олий ўқув юртиларида кишлоқ хўжалик асосларини кунт билан ўрганмоқдалар. Жумладан, ўтган йили мактабимизни битирган Сайёра Ҳамроева, Зебо Ҳақимова, Маърифат Икромова сингари ўқувчилар бугунги кунда Тошкент Кишлоқ хўжалик институтида таҳсил кўришяпти. Она заминга бўлган муҳаббат Шарофатнинг фарзандларига ҳам ўтди.

Ҳақиқатан ҳам Шарофат Гадоева билан суҳбатлашганимизда, унинг ишлари билан яқиндан танишганимизда, ҳаммасби таъкидлаган хислатларни ҳар дамда ҳис қилиб турдик. Унинг қалбида кишиларга бўлган муҳаббат, ёруғ нур ҳамиша йўлини еритиб турганлигини, доимо ҳаётнинг олдинги марраларидан боришга чорлаётганлигини ҳис этдик.

Суннатилла САИДАЛИЕВ



рилган фикрлар тўғри. Педагогнинг билим даражаси, маҳорати, юриш-туриши билан боғлиқ жиҳатлар ҳар бир кишининг ўзига дахлдор. Бундан ташқари, ўқитувчининг обрў-эътиборига таъсир этадиган субъектив омиллар ҳам бор. Улардан бири, айтилик, кишлоқ районларда маҳаллий ташкилотлар, жумладан хўжалик раҳбарларнинг мактабга бўлган муносабатидир. Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайти: баъзи жойларда маҳаллий ташкилотлар мактабга таълим-тарбия нуктаи назаридан эмас, балки хўжалик ишлари жиҳатидан ёндашадилар. Айрим ерларда мактаб ўқувчиларини хоҳлаган пайтда дала ишларига жалб этиш одат тусига кириб қолган. Колхоз участка бошлиғи ёки оддий бригадир мактаб директоринга ёинки ўқитувчига ўз ўқувчилари олдига менсимасан қолатда: «Фалон ишни қилишга далага

Юсуф ЖУМАЕВ

* * *

Нега қизлар юзи қизарар экан,
Туядаги тушларнинг иналаримикан?
Ким билади дейсиз, йигит: «Севдим», дегач,
Ичда: «Мен ҳам» деган сўзларимикан?

Нега қизлар юзи қизарар экан,
Наҳот, бунинг сирли боиси бўлса?
Ким билади дейсиз, қизарган жойдан
Бехос, бериб қўйган балки илж бўса.

Нега қизлар юзи қизарар экан?
Бу ҳаё рангидир, бермоқ керак тан.
Балки баҳор боис, сабаблар бисёр:
Ариқ ёқасида жийда гуялаган...

Уша қизилқидир, дўстлар, дунёда
Еқтирган ранглари кўзларимизнинг.
Нима боис бўлса бўлсин ва лекин
Юзи қизил бўлсин қизларимизнинг!

Бухоро

Замондошларимиз

ЛИРИК ШЕЪРЛАР

ЗАНГОРИ ФАСЛ

Барқ уриб ётибди зангор бир фасл,
Баркутдай тўшалган ерга ўт-ўлан.
Одамлар қувониб, олсин деб бахр,
Табиат заминга борини тўккан.

Анҳор бўйидаги ялпиздан тортиб,
Новдалардаги хуш куртаккача ризқ,
Елкасига дунё ташвишини ортиб,
Фасл пойингизга чўкмоқда-ку тиз.

Меҳр ила бир бора тўйиб боқинг, бас,
Ям-яшил, ям-яшил қўшиқ бу ахир.
Жонга сингдирингиз, йўқса олар қасд,
Қалбингизни йўқса қиладир басир!

Барқ уриб ётган бу зангори фасл.

* * *

Бир оз гўр дедилар баъзилар болани,
Бола бунга кўнди, начора.
Сўнгра гўл дедилар бу гулу лолани,
Бунга ҳам кўнди у бечора.

«Э, буларга бир гап айтиб бўлармиди»,
Деп ўйлади бола ўзинча.
Олдида доволлар борлигини ўйлаб,
Эътибор бермади улар сўзига.

Асли бола гўр эмасди унча,
Улар айтганчалик гўл ҳам эмасди,
Ўзининг ҳақ эканини билар эди-ю,
Бировга тик бокиб бир сўз демасди.

Бир кун ўйлади у: «Юришим шу бўлса,
Орзу манзилимга қачон етаман?
Агар иш билмасам ўргатсин-да улар,
Йўқ эса, уларни ташлаб кетаман!»

Бир оз гўр дедилар баъзилар болани...

СЎЗ
ТОПОЛМАЙМАН...

Истасам фазода уча оламан,
Кенг само меники бўлолгай мултоқ.
Хатто дунёни ҳам куча оламан,
Кўпларни этолгум сўзимга муштоқ.

Ҳар не мўъжизага мен бугун қодир,
Юрагим шундай бир қудратга эга.
Хайҳот, сўзламоққа бўлсам-да мохир,
Ҳеч сўз тополмайман биргина сенга!

НАЙ

Куйчим, нафис ҳисни, майли, шеърда айт,
Майли, шеърга сингдир най садосини.
Юрагим чечакдай яйрасин бу пайт,
О, куйлама фақат ишқ савдосини.

Мен ҳам сендек ишқда куйган битта қалб,
Мухаббатим ёниб куйловчи найман.
Азоб ичра тўлиб куйга очсанг лаб,
Мен у қўшиқларга қандай чидайман?!

Чор атрофни гир айландинг,
Қалбга солдинг ҳаяжон.
Кейин эса бирдан тиндинг,
Нега тиндинг, шамолжон?

Куйлар эдинг майин-майин,
Қалбим нурга тўларди.
Сенга ихлос қўйган сайин
Шамол бўлгим келарди.

Чорлаётир рангин олам,
Мен-ку шавқка тўламан.
Бас, энди ҳар ишга қодир,
Тинмас шамол бўламан.

Эсажакман баланд-пастда,
Чулғайман ер шарини.
Куйлатаман қасдма-қасдга
Шамолларнинг барини.

Майли бўрон, тўфон турса,
Варига эл бўламан.
Гувиллайман, меҳнат
қилиб,

Шунда бахтга тўламан.

* * *

Булбуллар келди-ку, бир сен
келмадинг,
Сунбула келди-ку, бир сен келмадинг.
Ҳамма жам бўлди-ку, бир сен
келмадинг,
Кўнглим кам бўлди-ку, бир сен
келмадинг.

Еллар соғинганим айтмадимми ё,
Йўллар соғинганим айтмадимми ё,
Диллар соғинганим айтмадимми ё,
Йиллар соғинганим айтмадимми ё?

Нечун келмадинг?

* * *

Нимага берилган бу чехра, бу
кўзлар,
Чарақлаб турмаса тикилган
пайтинг?
Бор қанча меҳрли, хароратли
сўзлар,
Сен муз каби сояқ сўзларни
айтдинг.

Биров насибангни тортиб олган каби,
Осилиб юрадир қошу қовоғинг.
Ногоҳ орқасига тортиб кетар
қалбим,
Кулгуларим сўниб, куяр димогим.

Бошқаларнинг сендан камлик ери
борми,
Арзимасми улар сўзингга, тўхта!
Керакмас, дилингда қув аввал
губорни,
Сўрашсанг сўраш сўнг одамга
ўхшаб!

ЖОНИМ

Сен ўзингни ўзинг билмайсан,
жоним,
Ўзгани назарга илмайсан, жоним.
Ҳеч кимни дилингда яқин олмайсан,
Бу билан тўғри ҳам қилмайсан,
жоним!

«Хурматли опаҷон! Сизни му-
борак эллик ёшингиз билан чин
дилдан табриклаймиз. Табассум
юзингиздан аримасин! Собик та-
лабаларингиз».

Турсуной опа почтабон кел-
тирган табрик хатлари ва теле-
граммаларни кўздан кечираркан,
енгилгина хўрсиниб кўйди. Умр
ҳам ўтаверар экан. Кечагина жа-
малак сочли қизалоқ эди. Бугун
эса нафақат мактаб ёки оила, бал-
ки катта бир маҳалланинг онахо-
ни.

Мана, бугун биринчи кўнгирик
янгради. Янги ўқув йили бошлан-
ди. Бугун опа эллик ёшга кирди.

— Сизга ҳавасим келади, —
дейди 56-мактабнинг ёш ўқитув-
чиларидан бири Муҳаббатхон
Абдуллаева. — Сиздаги болалар-
га бўлган меҳр-муҳаббатга, бирор
лаҳзангизни болалариз тасаввур
эта олмаслигингизга ҳавасим ке-
лади.

...Опанинг хаёли олис болалик
йилларига тутатиб кетади. Онаси
Ёқутхон аянинг: «Мушфиқ
опанинг кун чарх йигириш,
калава ўраш билан ўтди. Сен
ўқиб олим бўлгин, болам», деган
сўзлари яна бир карра қулоғи ости-
да жаранглагандек туюлади.

— 1948 йили Бешёғочдаги мак-
табгача тарбия билим юртини им-
тиёзли диплом билан тугатиб,
Чилонзордаги 56-мактабга ишга
келганимда, — дейди опа, — ўқи-
тувчилик касбининг нозик сирла-
ридан беҳабар эдим. Илк устоз-
лик сабогини истеъдодли ўқитув-
чилар Ҳасанжон Ғофуров, Ҳури
Исаевалардан олдим.

Турсуной Солихўжаева чорак
асрдан буён Тошкентдаги
56-мактабда хизмат қилиб кел-
моқда.

— Опанинг дарслари биз учун
фақатгина адабиёт дари эмас,
балки нафосат ва гўзаллик, меҳр
ва муҳаббат дари ҳамдир, —
дейди ҳамкасби Карима Пўлато-
ва.

— Биз опанинг дарсларини,
ўқиган шеърларини ҳаяжонсиз
тинглай олмасдик, — дейди Тош-
кент Давлат университетининг
аспиранти Мавлуда Ҳошимова. —
Баъзан бевақт жиринглаб қолган
кўнгирик бизни ранжитиб ҳам
кўярди. Опани севадим. Келажак-
да унга ўхшагимиз келади.

Дарвоқе, опа ишлаётган кол-
лектив аҳил ва иноқ. Турсуной
опа ўттиз йилдан буён бир дарғоҳ-
да хизмат қилиб келаётган Ка-
рима Пўлатова, Нури Норхўжаева,
Акбар Қосимов каби касбдош-
лари билан фахрланади. Мана,
йигирма йилдирки, у ўзи истико-
мат қилаётган маҳалла комитети-
нинг раисаси ҳамдир.

— Партияимизнинг мактаблар-
да ўқиш-ўқитиш ишларини ислоҳ
қилиш ҳақидаги қарори биз ўқи-
тувчилар учун аини муддао бўл-
ди, — дейди опа қувониб. — Қу-
вонмай бўладими, фарзандлари-
миз учун янада улкан, бахтли
хаётнинг ёрқин уфқлари баралла
кўриниб турибди.

Солиҳа НАЗАРОВА,
Малика ХИДИРОВА,
ТошДУ талабалари

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик шонли юбилейи нишонланаётган йилда, КПСС XXVI съезди, жонажон партиямизнинг кейинги қатор пленумлари қарорларини ҳаётга татбиқ этиб, унинг ижросини ўз меҳнатлари билан амалга ошираётган ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар шонли тўй руҳи билан яшамоқдалар. Кутлуг тўй арафасида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи республикамиз областларида меҳнаткашлар фаолияти билан яқиндан танишиш, жойларда меҳнат фронтининг илгорлари турмушини ўрганиш, ёзувчилар союзининг область бўлимларида олиб борилаётган ижодий тадбирларни кўриқдан ўтказиш мақсадида кўчма секретариат йиғилишлари ўтказишни йўлга қўйди. Бу тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларида илгари сурилган вазифаларга мос бўлиб тушади.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг навбатдаги кўчма секретариати Хоразм воҳасида бўлиб ўтди.

Хоразм... Бу қуёшли воҳа — уста пахтакорлар, санъаткорлар, ишлаб чиқариш илгорлари ватани. Бу воҳа — номи жаҳонга кет-

ҳар бир деҳқон билан бақамти суҳбат қурдилар...

Туямўйин сув омбори қурилиши ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Бу иншоот ўз иш миқёси жиҳатидан Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Бу тўғон Хоразм ва Қорақалпоғистон далаларига сув тақсимлаб беради. Тўғондан отилиб чиқаётган сувни кўрган адиблар беихтиёр «Бизнинг юракларимиз ҳам ана шундай қайнаши керак», деб юбордилар. Чиндан ҳам юрак қайнаши керак. Ишчилар, инженер-техник ходимлар бунчалик ажиб, эрталардагидек салобатли иншоотни куриб, ишга туширибдилар. Бошқарма бошлиғи Искандар Юсупов меҳмонлари тўғондаги ишлар билан таништирар экан, сув омборининг шарофати билан Хоразм ва Қорақалпоғистонда яна 100 минг гектарлар ерлар ўзлаштирилишини айтди. Бу — демак, янги колхозлар, совхозлар, шаҳарлар бунёд бўлади, деган гап.

Навқирон Туямўйин сув омборининг шундоқ биқинида кўркам шаҳарча қад кўтарган. Бу шаҳарчанинг номи Дўстлик деб аталади. Унинг барпо этилганига бори-йўй 10 йил бўлди. Шаҳар янги. Одамлар — бунёдкорлар янги. Тўғон бошлиғи Искандар Юсупов

ги хар бир хўжаликка ярашади. Бу воҳадаги ҳар бир бунёдкорнинг, жонқуяр партия ходимининг очиқ чехраси ёзилажак асарлар саҳифаларидан ўрин олиши табиий эди.

Ёзувчилар областнинг ўнлаб хўжаликларига, Урганч шаҳри меҳнаткашлари ҳузурида, қатор пионер лагерларида бўлдилар. Хоразмлик адабиёт шинавандалари адиблар, шоирлар Раҳмат Файзий, Туроб Тўла, Шукрулло, Ҳусниддин Шарипов, Юрий Ковалев, Эркин Воҳидов, Гулчехра Жўраева, Айдар Осмон, Анвар Эшонов, Шавкат Раҳмон, олимлардан Матёқуб Қўшжонов, Пирмат Шермухамедов ва бошқаларнинг чиқишларини катта қизиқиш билан кутиб олдилар.

* * *

Ойимхоннинг даласида
ўйим қолди,
Ўйим билан ошиқ бўлиб
куйим қолди,
Ойимхоннинг шаъни
янглиг кулогимда,
Қўшиқ тўла янграқ
кўча-кўйим қолди...

Бу кўшиқ бундан йигирма йиллар аввал балинд пардаларда янграган эди. Бу кўшиқ Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё районидан чиққан машҳур теримчи

са, Нукус шаҳри сўнгги йилларда тамоман замонавий шаҳарга айланган. Бундан бир неча ўн йил муқаддам шаҳарда 10 минг аҳоли яшаган бўлса, ҳозир Нукусда 130 минг киши истиқомат қилади. Нукус шаҳри ўз қурилиши, лойиҳаси, беағзи жиҳатидан гўзал Навоий шаҳрини эслатади.

Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги, дейишади. Бу ҳақда ҚҚАССР Министрлар Советининг мажлислар залида бўлиб ўтган «Ҳозирги даврдаги қорақалпоқ совет адабиётининг актуал масалалари» мавзусидаги Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ёзувчиларининг кўшма йиғилишида атрофлича мунозара бўлди. Йиғилишда шоирлар, адиблар таржима борасида ҳам фикр алмашдилар. Нукус Давлат университетиде ўтказилган мушоиреда эса, ўзбек ва қорақалпоқ шоирларининг тинчлик, дўстлик, Ватан ҳақидаги шеърлари янгради.

Олимларнинг айтишларича, ҚҚАССР яқин келажақда 20 миллион аҳоли яшайдиган ўлкага айланади. Бунинг учун қорақалпоқ заминиде ҳамма шароитлар бор... Демак, яна янги шаҳарлар, завод ва фабрикалар бунёд қилинади, шолзорлар пахтазорлар чандон кўпаяди.

Кўриниб турибдики, автоном

ДАВР НАФАСИ

Ҳаёт ва адабиёт

ган олим шоирлар ватани, Ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Оғахий, Аваз Ўтар сингари қанча-қанча фозилар ана шу тупроқда камол толганлар.

Ёзувчилар ташриф буюришган кунини область партия комитетининг биринчи секретари М. Худайбергандов ёзувчилар билан суҳбатлашди. У область хўжаликларида олиб борилаётган ишлар билан қалам аҳлини таништирди. Бу йил ҳамма областларда бўлганидек, Хоразмда ҳам об-ҳаво нуқулай келди. Минглаб гектардаги пахта майдонларига чигит қайта экилди. Ҳарорат пастигидан гўзаларнинг авжи сусайди...

Область партия комитетиде бўлиб ўтган суҳбатдан кейин ёзувчилар қадимий Хева меҳнаткашлари ҳузурига йўл олдилар. Уруш ва меҳнат ветеранлари, шаҳар ёшлари адибларга пeshовз чиқдилар. Хева гилам тўқиш комбинатиде бўлиб ўтган учрашув эса, унда иштирок этган ҳар бир кишининг кўнглида ноёб илиқлик уйғотди. Райондаги Ленин номли колхоз далаларида бўлган учрашувларда ёзувчи, шоирлар

айтганидек, янги шаҳарчининг навқирон одамлари ўзлари ҳақида асарлар — дostonлар ва қиссалар ёзилишини орзу қиладилар...

Богот районидеги Наримонов номли колхоз республикамизда азалдан машҳур. Бу хўжаликка бири маҳаллар уста пахтакор Искандар Дўсов бошчилик қилар эди. Ҳозир Меҳнат Қизил Байроқ орденли бу колхозни унинг ўғли бошқараётир.

Ёзувчилар хўжалик ишлари, дала меҳнаткашлари ҳаёти билан танишгач, «Зарбдор» номли дон-қорачилик совхозни томон йўл олишди. Бу хўжалик қадимги кум барханлари ўрнида пайдо бўлган. Қумтепалар текисланиб, устига бир қатлам тупроқ ташлаб экин экилган. Жўхоризор, бедазор...

Деҳқончилик маданияти воҳада мана шундай шиддат билан ривожланиб борапти. Район хўжаликларидеги фидокорона меҳнатнинг гувоҳи бўлган ёзувчилар номидан Сарвар Азимов: «Бу ер Богот эмас, Богобод экан», деди. Чиндан ҳам бу ташбех Хоразмда-

Ойимхон Камоловага бағишланган мадҳия эди. Унинг муаллифи кўшиқнавис шоир Туроб Тўладир.

Адиблар машғал Хоразмдан кўшни қорақалпоқ тупроғига қадам қўйдилар. Бу заминда бошқа қорақалпоқ дўстлар сафида меҳмонларни донгдор, номи кўшиққа айланган Ойимхон Камолова ҳам кутиб олди. У ҳозир — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, шу райондаги Охунбоев номли колхоз раисаси.

Кўчма секретариат аъзолари Ойимхон Камолова раислик қиладиган колхоз далаларида бўлгач, Манғит ип-йигирув фабрикаси ишчилари ҳузурига йўл олишди ва район хўжаликлари билан танишишди. Бу ерда ҳам учрашувлар ўтказилди.

Маълумки, бу йил серкуёш Ўзбекистон билан бирга Қорақалпоғистон АССР ҳам ўзининг олтинчи йиллигини тантана қилади. Автоном республиканинг санаотда, қишлоқ хўжалигида, чорвачиликда, фан-маданият соҳасида мислсиз ютуқларни қўлга киритаётганлиги ҳаммага аён. Айниқ-

республика ҳам бошқа областлар каби йигирма биринчи аср ташвиши билан яшамоқда... Қорақалпоқ ва ўзбек ёзувчиларининг йиғилишида ўтириб, беихтиёр Туямўйин тўғонини эслаيمان. Тўғон юз йилга мўлжалланган. Агар иншоот бир асрдан яшаб ўтса, у ёғи 300 йил ёки ундан ҳам кўпроқ яшаши мумкин экан. Демак, бу тўғонни хоразмликлар ва қорақалпоқларнинг чеварасининг чевараси кўради. Тўғон шунчалик мустаҳкам қурилган!

Бахс жуда яхши. Аммо ёзувчи ҳам, танқидчи ҳам энг аввало халқ ҳаётига чуқурук кириб бориши керак. Китоб саҳифаларидаги ранглар одамлар билан эмас, жонли, шижоатли одамлар билан юзлашиши керак. Ана шундагина, «Давр, адабиёт, қаҳрамон», деган сўроққа далиллар билан жавоб қайтарилади. Асарларнинг умри узаяди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг областларда ўтган юбилей олди кўчма секретариати Аму соҳилидаги икки кўшни дийрда катта қувонч билан аюқланди.

Сафар БАРНОЕВ

Пушкин ва Даль

Владимир Ильич Ленин рус тилининг янги луғатини тузиш ҳақида 1920 йилнинг 18 январида Маориф Халқ комиссари А. В. Луначарский номига йўллаган мактубида В. И. Далнинг луғатини тилга олиб, янги луғат Пушкиндан то Горькийгача бўлган давр лексикасини ўз ичига олмоғи керак, деб таъкидлаган эди.

Улуғ доҳиймиз мазкур хатида А. С. Пушкин номи билан В. И. Даль номини ёнма-ён ёзиши тасодифий эмас. Зеро, бу икки буюк зотни рус тили учун астойдил жонқуярлик бирлаштиради. Агар А. С. Пушкин рус адабий тилининг халқ тили замирида бойиши, шаклланиши ва камол топишига ўз ижоди билан бевосита таъсир кўрсатган ва шу билан ҳозирги замон рус адабий тилининг ривожланиш йўлларини белгилаб берган бўлса, В. И. Даль ўз умрининг ярим асрдан ортироқ қисмини рус халқининг даҳоси билан яратилган, унинг характери, ақл-заковати ва қудратини акс эттирувчи ранго-ранг сўз бойлиги ва ифода воситаларини тўплагашга, рус тилининг жонли луғатини тузишга сарф қилган, шу билан оғзаки нутқ бойлигининг адабий тилдан муносиб ўрин олишига замин ҳозирлаб бергандир. Ана шу эзгу мақсад бирлиги А. С. Пушкин билан В. И. Дали яқинлаштирди.

Владимир Даль аввало ўзининг «Толковый словарь живого великорусского языка» («Жонли великорус тилининг изоҳли луғати») номи тўрт жилдлик луғати билан машҳур. Лекин у фақат лексикография эмас, ҳарбий денгиз флотининг тажрибали офицери, моҳир жарроҳ, истеъдодли ёзувчи, атоқли этнограф, тарихчи ва тилшунос олим ҳам эди. В. И. Даль қолдирган энг муҳим ва бебаҳо ёдгорлик, албатта, ҳормас-толмас олим умрининг асосий мазмунини ташкил этган рус тили луғатидир. Мана қарийб юз йилдирки, бу луғат рус тилининг тенги йўқ қомуси ҳисобланиб келади. В. И. Далнинг хотиранаомалирида айтилшича, унга бу луғатни тузиш ҳақида биринчи марта жуда қимматли маслаҳат берган киши А. С. Пушкин бўлган.

В. И. Далнинг отаси Иоган Даль асли даниялик бўлиб, кўп тил-

ларни (рус, немис, инглиз, француз, лотин ва грек тилини) мукамал билган ва тилшунос сифатида Екатерина II томонидан Петербургда кутубхоначилик лавозимига тақлиф этилган. Кейинчалик у Йенага бориб ўқийди ва у ерда докторлик дипломи олиб, яна Россияга қайтади. Шу-шу Иоган Даль Россия граждани бўлиб қолади ва ўз номини русча Иван Матвеевич Даль деб ёза бошлайди. Врач сифатида дастлаб Петербургда (Гатчинада), сўнгра Петрозаводск шаҳрида, кейинчалик Луганьда (ҳозирги Луганск — Ворошиловград шаҳрида) ишлайди. В. И. Даль шу ерда 1801 йилнинг 10 ноябрида дунёга келади.

Иван Матвеевич Далнинг болалари — Владимир, Карл, Лев, Павел бошланғич маълумотни уйда оладилар: тилларни уларга онаси, адабиёт ва тарихни отаси ўқитади, математика ва расмдан эса, улар ёлланган ўқитувчилардан таълим оладилар.

1814 йилнинг ёз ойларида Иван Матвеевич Даль икки ўглини — Владимир билан Карлни Денгиз корпуси (Морской корпус) номида харбий денгиз флоти ўқув юртига жойлаштириш учун Николаевдан Петербургда йўл олади. Бу ерда Владимир тажрибали денгизчи бўлиб етишади, сафдошлари ўртасида ишбилармонлиги, донишмандлиги ва оққўнгиллиги билан танилади.

В. И. Далнинг яна бир курсдоши, кейинчалик декабристларнинг махфий «Шимолий жамияти» аъзоларидан бири бўлган Дмитрий Завалишиннинг эслашича, Владимир Денгиз корпусидаёқ шеър машқ қилади ва курсантлар ўртасида ишлатилган жаргон сўзлар луғатини тузиб, ёзувчи номини қозонади.

В. И. Даль 1817 йили Денгиз корпусининг ўн иккита энг аъло талабалари билан бирга «Феникс» номида елканли кемада Швеция ва Дания бўйлаб тўрт ойлик денгиз сафарига қатнашади. Владимир Далнинг бу сафар давомида кундалик дафтарига ёзиб борган хотиралари унинг биринчи адабий асари бўлиб, у тилининг аниқлиги ва услубининг соддалиги билан диққатга сазовордир. Шу-шу кўрган-билганларини, бошдан кечирганла-

рини хотира дафтарига ёзиб бориш В. И. Далга доимий одат бўлиб қолади.

В. И. Даль тўплаган «сўзлар хазинаси» тезда қаттагина юкка айланади ва уни туяга ортиб юрадиган бўлдилар. Лекин, таажжубки, тўплаган «сўз бойликлари» асосида кейинчалик луғат тузишни Даль ҳали хаёлига ҳам келтирмаган эди. Шу сабабли у эртақлар ёзишга киришади. Унинг Қазак Луганский тахаллуси билан эълон қилинган биринчи эртақлар тўплами 1832 йилда босилиб чиқади.

Кўп ўтмай В. И. Далга шуҳрат келтирган «Рус эртақлари» мавжуд тузумдан, халқнинг, солдатларнинг ночор аҳволидан норозилик руҳидаги зарарли китоб деб топилиб, унинг муаллифи қамоққа олинади. Озодликка чиққач, В. И. Даль «Рус эртақлари»нинг қўлида қолган сўнгги нусхасини севикли шоири А. С. Пушкинга тақдим этади ва шу баҳона шоир билан танишади.

А. С. Пушкин Далини қадрдон дўстлардек очик чеҳра билан кутиб олади. «Эртақлар» эни завқ билан varaқлар экан, шундай дейди:

— Эртақлар-ку ўз йўлига, тилимизнинг бойлигини қаранга! Афсус, унга эртақлардагидек эркинлик ҳеч қаерда йўқ. Ундан эртақдагина эмас, ҳамма жойда шундай фойдаланиб бўлмасмикан? Бунга қандай эришиш мумкин? Ахир, бу рус тилида сўзлашишни ўргатиш демак-ку! Йўқ, бу ҳали қийин кўринади.

В. И. Даль Пушкиннинг бунчалик аниқ фикрини ҳайрат билан тинглайди, чунки ўзи ҳам кўндан буён худди шу ҳақда ўйлаб келарди. А. С. Пушкин меҳмондан ҳозир нималар устидан ишлаётганлигини сўрайди. Даль ўзи йиғайтган сўз бойликлари, уларнинг йигирма мингдан ошиб кетганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

— Ундай бўлса, сиз луғат тузинг! — дейди А. С. Пушкин. — Луғат! — қайтариб сўрайди В. И. Даль.

— Ҳа, Луғат! Биласизми, биз ҳозир нақадар муҳтожмиз шундай жонли тил луғатига! Сиз унинг учдан бирини тайёрлаб қўйибсиз. Шунча бойлиқни ташлаб юбормасиз, ахир!

— Албатта! Қаранга, шу чок-қача бунга ўйламаган эканман.

— Тил ижодкори халқ эканлигини биз гўё унутиб қўйганмиз. Узимизнинг тилимиз бор-ку, ахир!

— Борликка бор-ку, лекин биз уни билмаймиз.

— Ҳа, баракалла. Ишингизни дадил давом эттиринг. Урф-одатлар, воқеалар, қўшиқлар, эртақлар. Езама тил булардан жуда ҳам ютади. Луғатни нашр қилгунча, ишни тўхтата кўрманг. Уни албатта ниҳоясига етказинг.

— Албатта етказаман. Бу фикр илгари ақлимга келмаганига ҳозир ўзим ҳам ҳайронман.

Бу суҳбат В. И. Даль ҳаётида чуқур из қолдирди, унинг луғатшунослик соҳасидаги ишлари мазмунини ва йўналишини аниқлаб олишига катта ёрдам берди.

Биринчи асарёқ ман этилган В. И. Далнинг «Учинчи бўлим» (декабристлар қўзғолони бостирилгандан кейин подшоҳ амри билан омманинг фикри-руҳияси устидан махсус орган) панжасдан эсон-омон қутулиб чиқиши ўша муҳажир даврда ақл бовар қилмас бир мўъжиза эди. Шу сабабли В. И. Даль ўз халоскори В. А. Жуковскийнинг маслаҳати ва тавсияси билан Петербургни тарк этиб, Оренбургга — генерал губернатор Перовский ҳузурида махсус топшириқлар бўйича чиновник лавозимида ишлаш учун йўл олади.

1833 йилнинг 18 сентябрида А. С. Пушкин «Путича қўзғолони тарихи»ни ёзиш учун материал тўплаш мақсадида Оренбургга келади, Оренбург губернияси бўйлаб барча сафарларда В. И. Даль унга ҳамроҳ бўлади. Қизгин, дўстона суҳбатларда улар рус тили ҳақида, унинг бойлиги, нафосати, қудрати ҳақида сўзлашадилар, уларни қандай кўрсатиш ҳақидаги фикрлари ҳамда ўзларининг планлари билан ўртоқлашадилар. Кейинчалик В. И. Даль, ана шу суҳбатларни кўзда тутиб, «Рус тили» ҳақидаги мақолани ёзиш учун энг хурматли ва энг эътиборли суҳбат сабаб бўлган, деб эслайди.

Оренбургда А. С. Пушкин билан В. И. Даль бир-бирларига эртақлар ҳам айтиб беришган. «Бу эртақлар менга А. С. Пушкин айтиб берган эди», деб ёзади

ХОНАНДА ВА АКТРИСА

Санъат

В. И. Даль «Жасур Георги ва бўри ҳақида» номли эртаги эълон қилингандан кейин. Пушкин эса, «Олтин балиқ ва балиқчи ҳақида эртақ» номли эртагини В. И. Даль: «Ўзингники ўзингникидан! Эртақчи Қазак Луганскийга эртақчи Александр Пушкиндан» деган ёзув билан тақдим этади.

Оренбургда В. И. Даль умрининг энг порлоқ даврини ўтказди: бу ерга 32 ёшида келган, адабиётга эндигина қадам қўйган В. И. Даль Оренбургдан 40 ёшида ёзувчи бўлиб қайтади; унинг танқидчилар орасида энг талабчани В. Г. Белинский томонидан юксак баҳоланган ҳикоя ва повестларини бутун Россия зўр қизиқиш билан ўқийди. Бу ерда «сўз бойлиги» ҳам анча ортади: Оренбург станицаларининг турли ўлкалардан келган ва ўз шева хусусиятларини сақлаган ранг-баранг аҳолиси Даль учун бебаҳо казина эди.

1836 йилнинг охирида Перовский Хевага юриш учун олиб борилаётган тайёргарлик муносабати билан Петербургга, подшоҳ ҳузурига отланади. Даль ҳам у билан пойтахтга келади. Бу ерда у А. С. Пушкиннинг фожияли ҳалокати устидан чиқади. Шоирнинг оғир яраланганлиги ҳақидаги хабарни эшитиши биланок В. И. Даль Пушкинлар хонадонига йўл олади.

Даль кириб келганда Пушкиннинг ёнида Жуковский ўтирар эди. У Далга ўрнини бериб, чиқиб кетади. Даль шоирнинг қўлини ушлаб, томирини кўради. «Томир уриши яхши, аҳволи хатарли эмас», — деб кўнгилдан ўтказди Даль. Диққат билан кузатиб турган шоир буни англайди, Далнинг чехрасидаги табассумни кўриб, ўзи ҳам жилмаяди, шоирнинг кўзларида умид учқунлари кўрилади. Олдинги врачлар: «Хотинингизни чақрайликми? Васиятларингиз борми?» каби саволлар билан шоирнинг оғир аҳволини янада ёмонлаштираётган бўлсалар, Далнинг пайдо бўлишиёқ унга анча дадда беради. Охириги кеча Даль шоир ёнида бўлади.

Бироқ яра оғир эди: эртаси куни шоир Далнинг қўлида жон беради. Жасадни ёриб кўргач, Даль яранинг ҳақиқатан ҳам ҳалокатли эканлигига ишонч ҳосил қилади. Бундай ярадорларнинг жонини сақлаб қолишга ўша давр медицинаси ожиз эди.

Кейинчалик А. С. Пушкин дўстларининг шоир ҳақида ўз хотираларини ёзиб юбориш тўғрисидаги даъватларига В. И. Даль биринчилардан бўлиб жавоб беради. Петербургдан Оренбургга қайтишда эса, у йўл дафтарига «Шоирнинг ўлими» номли катта мақола режасини туширади: у Пушкин оғзидан эшитган ҳар бир сўзни келажак авлод хотирасига етакшир ўзининг муқаддас бурчи эканлигини яхши тушунар эди.

В. И. Далнинг А. С. Пушкин билан дўстона муносабатлари узоқ давом этмаган бўлса-да, улар ўртасида бўлиб ўтган қизгин ижодий суҳбатлар Далнинг адабий фаолияти учун, хусусан унинг луғат устидаги ишлари учун жуда қимматли бўлди.

Саидфозил АКОБИРОВ, филология фанлари кандидати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими

1960 йилнинг кеч кузида театр бош режиссёри Аббос Бакиров олдида санъатшунос олим Мамажон Раҳмонов жамалак сочли, қоп-қора қошлари туташиб кетган ёшгина қизчани олиб кирди. — Мана, яна бир қизимни олиб келдим. Ажойиб овози бор. Синаб кўринг, театрга қабул қилсангиз бўлар...

Шу кунги Аббос Бакиров Маърифатхон Убайдуллаевани театрга ишга қабул қилди ва уни талантили актриса Қамара Бурнашевага шогирдликка топширди. Маърифатхон устози Қамара опа бажарган ролларни завқ билан берилиб томоша қилар, ундан роль ижро этишнинг мураккаб сирларини ўрганар эди.

— Қизим, — деб таъкидларди опа. — Санъатни ўргангин, аммо тақлид қилмагин.

Маърифатхон дастлаб кичик ролларни ижро этди. Ана шу дастлабки талқинлардаёқ оригиналликка интилди. Секин-аста маҳорати ўсверди.

...Одатдагидек, Йўлдош Охунбобоев номли Андижон область давлат драма ва комедия театрининг ижодкор коллективи Ҳошимжон Разоқовнинг «Нодира» асари муҳокамасига тўплашилди. Театр бош режиссёри, СССР халқ артисти Аббос Бакиров актёрларнинг фикрини эшитиб бўлгач, ролларни тақсимлаб чиқди.

Драмадаги ёш, зукко канизак Ойпарча ролига келганда Аббос ака бироз ўйланиб қолди. Ойпарча — дилбар, шоиртабиат, қалби нозик аёл. Бу ролни бажариш учун театрга талантили актрисалар етарли. Лекин ролни саҳнада ҳам ҳаётдагидек, қолаверса, XIX аср аёлларининг дунёқарашини ва психологиясини ҳам тўлақонли ёритиш лозим эди. Режиссёр ўйланиб қолди-да, Маърифатхонга деди:

— Қизим, Ойпарчани сен ўйнасан.

Бу театр оstonасига кечагина қадам қўйган ёшгина қизалоққа бўлган катта ишонч эди... Маърифатхон Ойпарча ролини зўр маҳорат билан ўйнади. Пьеса премьерасига тақлиф қилинганлар ёш актриса талқинидаги Ойпарчанин ҳар бир ҳаракати, сўзлаш манераси ва ижросини мамнуният билан қарши олдилар.

Саҳна ортида Маърифатхон ролидаги Ойпарчани кузатиб турган Аббос ака хурсандчилигини яширолмади:

— Қизим, сен келажакда ҳақиқий санъаткор бўласан! — деб юборди.

Уша кундан бошлаб Аббос Бакиров актрисага етакчи ролларни ишониб топширадиган бўлди. Маърифатхон ўзи учун топширилган роллар нечоғлик масъулиятли эканлигини чин дилдан ҳис қилар, ҳар бир рол ижроси



устида тинимсиз ишлар, уларнинг бир-бирига ўхшаб қолмаслигига ҳаракат қилар эди. Ана шундай изланиш, ўрганиш натижасида саҳнада ўзига хос Жамила («Вой ила хизматчи»), Ҳожар («Аршин мол олон»), Катерина («Момақалдироқ»), Шохсанам («Ошиқ Ғариб ва Шохсанам»), Зайнаб («Зайнаб ва Омон») образлари яратилди.

Маърифатхон Убайдуллаеванин Андижон область театридаги ижодий фаолиятига ҳам ўттиз йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Ўттиз йилдирки, у театрининг етакчи ижодкори ҳисобланади. Бугунги кунда у кўпгина ёшларга устоз ҳисобланади. Устоз бўлганда ҳам, қаттиққўл, айни пайтда меҳрибон. Зеро, хушовоз хонанда Нуриддин Ҳамроқулов опани устоз деб бекорга айтмайди. Бундан Маърифат Убайдуллаева гурурланади. Ахир унинг ўзи ҳам кечагина шогирд эди-да.

Маърифатхон Убайдуллаева театрга саҳна асарларини ижро этиш билангина қеланиб қолмайди. У устоз санъаткорлар издан бориб халқ ашула ва куйларини ҳам маҳорат билан куйлай-

ди. Шу боис у халқ ўртасида ўзига хос овози билан ҳассос кўшиқчи сифатида ҳам хурмат қозongan. Шунини таъкидлаб ўттиш керакки, Маърифатхон Убайдуллаева серкира истеъдод соҳиби ҳамдир. У гоҳ лирик, гоҳ комик, гоҳ трагик ролларда ўйнайди. У қайси характердаги ролда ўйнамасин, жонли, ҳаётий образлар яратади.

— Театримиз коллективи, — дейди Маърифат Убайдуллаева, — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига муносиб совга тайёрламоқда. Мақсадимиз санъатпарвар халқимизни янада хушнуд этиш.

Дарвоқе, яқинда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мувофиқ санъатдаги катта ютуқлари учун Маърифатхон Убайдуллаевага «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берилди. Бу мўътабар унвон хушовоз хонанда, етуқ актрисани янада илҳом билан ишлашга даъват этади.

А. НАВИХУЖАЕВ,
Х. ҚУРОНБОВ

БАЙРОҚДОР ШИФОХОНА

Қадимий Тошкентнинг Торкўча деб аталган мавзеида жойлашган 1-клиник касалхона кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бу ерда янги-янги даволаш корпуслари, бўлимлар ва лабораториялар ташкил этилди.

Шифохона ҳовлисиغا илк бор қадам қўйган киши уни қандайдир истироҳат боғига муқоёса қилади. Бутун атроф ям-яшил. Текис ва тоза йўлаклар ёқасидаги серсоя довдарахтлар, қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб яшнаб турган арчалар кишига ором бағишлайди. Фавворалардан отилиб турган зилол сув зарралари эса атрофга салқинлик таратиб, яшил либосга бурканган хиебонлар четидаги ўриндиқларда яйраб дам олаётган беморларга хушнуд кайфият бахш этади.

— Ёзининг жазирама иссиғи беморларга,



Медицина ҳамшираси Клара Мирсоатова УВЧ аппаратини кўздан кечираётган.

соғлом кишиларга қараганда ҳам, оғир таъсир этади, — дейди клиника бош врач Кўлаҳмад Ризаев. — Шуни ҳисобга олиб шифохона микроклиматини яхшилашга алоҳида эътибор бераймиз. Фаввораларни мутасил ишлатиш билан бирга палаталарга ва даволаниш хоналарига қўшимча кондиционерлар ўрнатганмиз. Ҳовлидаги дарахтларнинг, гулзор ва бошқа хил яшилликларнинг ёмғирлатиб суғорилиши ҳам клиникамиз территориясининг сўлимлигини таъминламоқда. Ҳозир клиникамиз бир вақтнинг ўзига 1 минг 100 беморни даволаш имкониятига эга. Уларга 172 малакали врач, 675 нафар медицина ҳамшираси хизмат қилмоқда.

Айни вақтда шифохонамиз Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг клиник базаси ҳамдир. Мазкур институтнинг хирургия, урология, пульмонология, реанимация, терапия каби кафедраларига раҳбарлик қилаётган профессорлар Манзура Ҳамидова, Одил Мухторов, Абдулла Убайдуллаев, Аза Семеновна Заръзар, доцент Нуриддин Бойматов сингари етук шифокор-олимлар беморларни даволашда фаол иштирок этиш билан бирга клиника шароитида муҳим тиббий тадқиқотлар ҳам олиб бормоқдалар. Бу йил хирургия кафедраси базасида республика мизнинг турли районларидан, РСФСРнинг узоқ шаҳарларидан келган йигирмадан ортик хурурглар 45 кун давомида ўзларининг ихтисосий малакаларини ошириб кетдилар. Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ҳакима Мирабдуллаева ва Муҳаббат Қулабдуллаева, Тамара Куликова, Раъно Мухторова сингари моҳир врачларимиз, Дилдора Шукурова, Шаҳодат Иброҳимова, Хотира Юсупова каби малакали ҳамшираларимиз шифокорларнинг муқаддас қасамёдларига содиқ қолиб, беморларни даволашда алоҳида жонкуярлик кўрсатмоқдалар.

Маълумки, инсон ҳаёти санъат билан гўзал. Бугунги кунда санъат эса ҳаётимизга кенг сингиб бормоқда. Биз ҳам бир ярим йил бўлдики, жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда клиникамиз қошида «Шифокор» номли дуторчи қизлар ансамблини тузганмиз. Унга санъатга ҳавасманд, истеъдодли ҳамшира қизларимиз жалб этилган. Ансамблга санъаткор Махмуд Юсупов раҳбарлик қилмоқда. Ҳаваскор санъаткорларимизнинг репертуари анча бой. Улар беморлар ҳузурда тез-тез концерт бериб, маънавий бардамлик бахш этмоқдалар...

Дарҳақиқат, шундай. Яқинда шифохона коллективи ҳаётида қувончли воқеа юз бер-



Клиниканинг томоқ-бурун касалликлари бўлими мудри, Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ҳакима Мирабдуллаева медицина ҳамшираси Насиба Низомова билан беморнинг рентген пленкасини кўздан кечиришмоқда.

ди. Тошкентдаги 1-шаҳар клиникаси мамлакатимиз тиббий коллективлари ўртасидаги 1983 йилги социалистик мусобақа якунларига кўра, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва Бутуниттифоқ медицина ходимлари касба союзи комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Байроқдор коллектив КПСС Марказий Комитети Апрель пленуми ва СССР Олий Совети ўн биринчи чақириқ биринчи сессияси қарорларига изчил амал қилган ҳолда даволаш ва профилактика ишларини янада такомиллаштиришга қатъий бел боғлаганлар.

Шомурод СИДДИҚОВ



Клиникада ташкил этилган «Шифокор» дуторчи қизлар ансамбли.

Н. Шарипов фотолари

ДЕҲҚОН ҚИЗМАН

Чорлар бағри бепоеъи далам,
 Далам томон ташлайман қадам.
 Кетмонимда ярқираб қуёш,
 Мендан таълим олади бардош.
 Ер текислов, яғана, чопик...
 Ва шу ерда оламан ҳордик.
 Бир гул бўлиб очилган қизман,
 Юрт кўкида порлоқ юлдузман.
 Боғларимга, ўтлоқларимга,
 Тенгқурларим, ўртоқларимга,
 Яшил далам, сўлим гулқишлоқ,
 Шабнам ювган қайрилма сўқмоқ,
 Марваридлар сачратган сойлар,
 Кўп қадимий қадамжойлар —
 Ҳаммасига умр тилайман,
 Ғайратимга ғайрат улайман:
 Ижод — меҳнат,
 Ижод — яратиш,
 Деҳқон қизман жуда серташвиш.
 Далаларим бамисли дафтар,
 Қўш эгатлар мен ёзган байтлар.
 Унда ранг бор зангор ва зангор,
 Ва оҳанг бор руки — жарангдор.
 Руқнларга солинг сиз қулоқ,
 Ундан садо таралар оппоқ —
 Дилларга куй тарар албатта
 Мисраларда чақнаган пахта!..

ҒУНЧАЛАР ГУЛБАРГИН ЕЗМОҚДА ҚАЛБДА...

Сен менинг бахтимсан, хақиқий бахтим,
 Сен бунӣ сезмайин қолишинг мумкин.

Вулқондай қалбимга ларзалар солдинг,
 Учган туйғуларим ёнди ўшал кун.
 Димоғим ёргудай муаттар бир ҳид,
 Балки бу — Ҳаётнинг тансиқ ифори;
 Дайди бир гармсел тегиб ўтган гул —
 Адашган севгининг яшил баҳори!..
 Энди... Куртак боғлар интизор новда,
 Қулочин кенг ёзар эркин ва мағрур,
 Ғунчалар гулбаргин ёзмоқда қалбда,
 Бахт деган қуёшдан тараларкан нур.

ЖАНГЧИ УҒЛИ

(баллада)

I

У эди ёшгина дуркун келинчак,
 Шахло кўзларида ишқ, вафо, орзу.
 Кутар эди уни бешик-беланчак,
 Бундан ортиқ шодлик ва толе борму?!

Дўппи тикар меҳру ихлосин қўйиб,
 Қатимлар жилоси кўзни олади.
 Оппоқ ипақларга кетар қўшилиб,
 Тонгнинг оқ нурлари иниб қолади.

Келинчак тортади қилдай оқ қатим,
 Янги ой дўппининг таркида тўлар.
 Кўнглидан кечади: чин эрур бахтим,
 Ерим мени жону дилидан севар.

Қўшиқ тинар, кўзлар учрашар, эвоҳ,
 Нимадир сезади — хайрон келинчак.
 Уруш хабаридан ёр этар огоҳ,
 Аёл кўзларидан ёш томар чак-чак...

II

Кекса она қолди душманни қарғаб,
 Йигитнинг дутори деворда қолар.
 Келинчак куйманар вокзалда қақшаб,
 Аламдан вужуди ўт бўлиб ёнар.

Поезд гудок чалиб жилиб боради,
 Шинелли йигитлар қўл силтар тинмай.
 Аналар, жувонлар, қизлар қолади,
 Ниҳоят, вагонлар кетар кўринмай.

Уруш уруш экан... Аҳвол эди танг,
 Тириклик кечарди баҳоли қудрат.
 Тобора авж олиб борар эди жанг,
 Гоҳо ҳатто оилаб келмас эди хат.

III

Дард чекар келинчак, туғилар ўғлон,
 Оппоқ лўппи бола, пешонаси кенг.
 Исмини қўйдилар унинг Қобилжон,
 Гул эди, чиройли чечакларга тенг.

Бувисининг умид юлдузи бўлди,
 Онасин бағрида бамисли қуёш.
 Отаси эшитди, қувончга тўлди,
 Хат ёзди ўғлига тилаб умр, ёш.

Гоҳида бешиқда, гоҳ беланчакда,
 Болақай ой каби тўлиб ётарди.
 Онаси иш қилар, буви юракдан —
 Аллалар айтади ва тебратди.

IV

Йиллар оша ўғил ўсди, онасига меҳрибон,
 Уй шифтида турган ўша дутор тортар меҳрини.
 Усемир йигит куй ошиги, қўшиқ деса берур жон,
 Топиб олди бир кун созу ҳам қўшиқнинг сеҳрини.

Жаҳон учун тинчлик истаб уриб турар юраклар,
 Қобилжонлар қўлда тори қўшиқ куйлаб юрибди.
 Қўшиқларда парвоз этар орзу, умид, тилақлар,
 Қўшиқ борки, демак, жаҳон гуллаб-яшнаб турибди.

Фаргона

ЛОЧИН ПОЛВОН

Бадантарбия билан мўътадил ва ўз вақтида шугулланувчи киши касалликларнинг давосига муҳтож бўлмайди.

Абу Али ибн СИНО

ХАЛҚИМИЗ яратган хикматлар орасида мазмун-моҳияти ва таъсир кучи кишини мафтун этиб, ҳайратга соладиган бир мўъжиза бор. Инсон куч-қудрати, маҳорати, эпчиллиги, довораклики ўзига мукассамлаштирган бу мўъжиза полвонлик жасоратидир. Халқимиз қадим-қадим замонлардан бери тилларда дoston бўлиб кела-

ётган кўплаб Алпомишу Фарҳодлари билан фахрланиб келади. Бахшилар, шоирлар халқ паҳлавонларини қалбларидаги сўз дурдоналари билан алқаб-ардоқлаб, уларнинг шаънига кўплаб дostonлар ҳам битдилар.

Ҳа, жисмоний чиниққан, бақувват инсонни иззат-хурмат қилиш, уларни эъозлаш, хурматлаш ҳар бир халқнинг азалий удумидир. Ҳозирги кунда ҳам тўй-томшаларда, Ҳосил байрами, Қовун сайли, Наврўз байрами каби маросим ва халқ йиғинларида эл-юрт аҳли паҳлавонларнинг маҳоратини зўр иштиёқ билан томоша қилади.

Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон республикаларининг тоғли жойларида яшовчи аҳоли орасида ажойиб одат бор. Тоғ қишлоғи томон бораётган йўловчининг кўзи йўл ёқасида қатор тизилиб ётган тошларга тушади. Дафъатан, уларни тоғлардан юмалаб тушган ёки сойнинг сувлари оқизиб келган деб ўйлайсиз. Аммо диққат билан манзарога назар ташланса, бу ишга инсон қўли аралашганлиги, тошлар тартиб билан териб қўйилганлиги кўзга аққол ташланади. Ҳа, қишлоқ йигитлари бу тошларни кўтариб, ўз кучларини синайдилар, жисмоний машқ қиладилар. Тошларининг оғирлиги 80 килограммдан тортиб 160 килограммгача етади. Тошларнинг энг қатъисини полвонтош деб аташади. Одатда, биринчи тошни кўтара олган киши иккинчисига, иккинчисини кўтарганидан кейин эса, учинчисига ўтади. Биринчи марта тош унга оғирлик қилса, бошқа сафар ўтиб кетаётганда, қайтадан кўтаришга уриниб кўради. Шу йўсинда улар ёшликларидан то улғай-



гунга қадар билак мускулларини, бутун гавдасини чиниктириб борадилар. Тоғликлар тошни фақат ердан узиб олибгина эмас, балки кўкрагигача, ҳатто бош устигача кўтариб машқ қилишади. Акс ҳолда тош кўтариш ҳисобга олинмайди. Аммо полвонтошнинг фақат чиниққан чинакам полвонгина кўтаради. Полвоннинг номи тез орада элга тарқалади ва хурмат билан тилга олинади.

Эҳтимол, шу йўсинда тошполвонлар пайдо бўлгандир. Уларни цирк полвонлари деб ҳам аташади. Чунки улар кўпинча дорбоз ва масҳарабоз, бошқа санъатчилар ҳамроҳлигида ўйин-томоша кўрсатадилар. Деярли ҳар бир юртининг шундай полвонлари бор. Халқ орасида номи машҳур, томошабинлар хурматини қозongan ана шундай паҳлавонлардан бири ҳамзаободлик Лочин полвон

Усмонов, Уни Шохимардон, Унинг афродиага кишлоқларда етти яшардан етмиш ёшгача бўлган кишилар яхши билишадди. Гарчи у ўз кишлоғидан бошқа жойларда ҳар замонда томоша кўрсатиб турса-да, шухрати Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон республикаларига ҳам тарқалган. Бунинг боиси шундаки, ёз ойларида Шохимардон халқ сайилгоҳига айланиб, бу ерга Урта Осиёнинг кўпгина шаҳар ва кишлоқларидан ҳар кун иезлаб саёҳатчилар келишадди. Улар бу ерда полвоннинг турли ўйинларини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

Лочин полвон Усмонов икки пудли тошларни ҳавога отиб ва айлантириб ўйнайди, тегирмон тошини қорнининг устига қўйиб парчалайди, сўнг ияги ва қўли билан йўғон темирни букади ва бўйнига осганча давра бўйлаб оҳангча вазмин ўйнай олади. Шуниси ажойибки, у ҳар бир машқни намойиш қилар экан, номерлар орасида баданини қизитиб, мушакларни ўйнатиб туради, синчалокда икки пудли тош кўтариши ҳам кўпчиликини қойил қолдиради. Ҳар сафар томошани кизитиш мақсадида полвонларнинг ичида фақат ўзига хос

салобат билан гора рақсига тушади. Уйин пайтида юзидан табассум аримайди. Лочин навбатдаги номерни кўрсатади: бу сафар у икки томошабин йигитни икки ёнбошига, учинчисини елкага миндириб, яна музика жўрлигида гўё юксиздек энгил рақсга тушади. Сўнгра ётиб, оёғида ва қўлларида 350-400 килограммли тошларни кўтаради ва устига учтўртта йигитларни ҳам чиқаради. Энгил машиналарни устидан тахта қўйиб ўтказадилар.

Бундай ўйинлар полвон репертуарида анчагина. Лочин полвон санъат ихлосмандларини фақат куч билан мафтун қилибгина қолмай, сеҳргарликда ҳам катта маҳоратга эга. У ҳар хил кўзбойлагич ўйинларини (илни қирқиб, бутун қилиш, «телефон», соққаларни бор ва йўқ қилиш) кўрсатганда, халқ орасидан, айниқса, ёш ўсмирлардан ўзига вақтинча «шогирд ёлдайди» ва қизиқ сўзлар билан кулгили, завқли ўйинлар кўрсатади. Илон ва мушукларни рақсга туширганда эса, одамлар хайратдан ёқа ушлайди.

Лочин полвон яна ўзга бир фазилати билан ажралаб туради. У даврани олиб боришда қочирин, чистон сўзларга ҳамда сало-

лантириб, қиёмега етказишга ниҳоятда уста. У шेरхият ва фольклор намуналарини билади. Лочин полвон дostonлардан парчалар ўқиган пайтда томошабинлар бутун вужуди билан тинглайдилар.

Лочин полвон Усмоновнинг бу муваффақиятларининг боиси шундаки, у қадимдан санъатда урф бўлиб келган «уста-шогирд» мактабини ўтаганлигидир. Бутун умрини Ўзбекистонда ўтказган озарбойжонлик машҳур полвон Эльбрус Нажафов, тошкентлик полвон Тўланбой Қурбонов, самарқандлик Жума Полвонлар санъатидан баҳраманд бўлган, эндигина 44 баҳорни кўрган Лочин полвон ҳозирги вақтда талайгина шогирдлар устози. Аҳаджон Набиев билан Рустам Полвонлар, водиллик шогирди Турсунали Мамажонов унинг муносиб издошларидир. Полвонликдаги юксак маҳорати учун у 1980 йилда цирк санъати I телевизион фестивали, 1981 йилда Республика дорбозлар кўригининг лауреати бўлди.

Тўлқин ОБИДОВ,
санъатшунослик кандидати

мизнинг рақиблари кучли ва истеъдодли шахматчилар: уларнинг кўпчилиги, чунончи, У. Андерссон (Швеция), Я. Тимман (Голландия), З. Рибли (Венгрия), Л. Любоевич (Югославия), Р. Хьюбер (ГФР) Э. Майлс (Англия), Э. Торре (Филиппинлар) ҳам ўз мамлакатларининг фахридир.

Лондонда қўлга киритилган галаба мамлакатимизда шахматни янада омалаштириш ва шахматчиларимизнинг маҳоратини янада ошириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Энди эътиборингизга А. Белявский — Я. Сейраван партиясини ҳавола қиламиз.

Қабул қилинган фарзин гамбит.


1.d4 d5 2.c4c 3. Kf3 Kf6 4. Kc3. Бу ерда кўпича 4. e3 e5 5. C:c4 c5 6. 0—0 аб ўйналади. Қўлланган бу вариантда оқларнинг мақсади 5. e4 юриб, бирданги марказни эгаллаб олиш.

4. ... c5
4. ... а6. 5. e4 d5 6. e5 Kd5 7. a4 варианты жуда чигал ва мураккаб позицияларга олиб келади. 4. ...c6 юриб, ўйинни славянча химоя вариантларига ўтказиш ҳам мумкин эди. Энди тахтада тактик «жанг» бошланиб кетади. 5. d5 e6?

Бу ерда 5... Cf5 юриб, e2—e4-га қаршилик қилиш дуруст эди. 6. e4 ed 7. e5 Kfd 7 8. Cg 5! Ce 7 9. C:e7 Ф:e7 10.K:d5 Фd8 11. C:c4 0—0 12. Фc2.

Оқларнинг сезиларли устунликка эришганлиги кўриниб турибди. Уларнинг доналари марказда қулай позицияларни эгаллаган, қоралар эса ўз доналарини ўйинга сафарбар қилишда сусткашлик қилди. Оқларнинг ўйин плани ҳам оддий: аввал катта рокировка қилинади, сўнгра иккинчи рух e1 хонасига жойлаштирилади.

12. ...Le8 13. 0—0—0 K:e5 14.Lhe Kc6 14. ...K:f3 15. L:e8+ Ф:e8 16. Ke7 холда ҳам оқларнинг фойдасига ҳал бўларди. 15. K:e5 K:e5 16. Cв 5 Le6 17. Kf4 Фf6 18. Фd2!



Қоралар учун қутилмаган, чиройли тактик зарба!
18. ...g6 19. Фd8+ Kpg7 20. K:e6+ C:e6 21. Ф:a8 C:a2 22. Фd8! Фf5 23. C:d3 Фf4+ 24. Ld2 Kc6 25. Fe8 C:e6 26.Le4 Ф:h2 27. L:e6! Fe 28. Ф:e6 Kd4 29. Fe7+ Kрh6 30. Фf8+ холдада қоралар таслим бўлди.

Акрам ТОШХУЖАЕВ,
СССР спорт мастериликка номдод



КОМАНДАМИЗ ЖАҲОН ҒОЛИБИ

Мамлакатимиз шахмат тарихи муҳим воқеаларга бой. Чунончи, СССР терма командаси 1945 йилнинг сентябрь ойида ташкил этилган.

Дастлаб 1970 йилнинг баҳоринда Белградда ўша пайтдаги Халқаро Шахмат Федерацияси (ФИДЕ)нинг президенти, собиқ жаҳон чемпиони М. Эйве ташаббуси билан Совет Иттифоқи терма командаси ва жаҳон терма командаси ўртасида ўнта тахтада тўрт даврандан иборат матч ўтказилди. Ушанда мутахассислар томонидан «Аср матчи» деб номланган бу учрашув 20,5: 19,5 ҳисобида мамлакатимиз шахматчилари фойдасига ҳал бўлганди.

Мана, ниҳоят орадан ўн тўрт йил ўтгач, Лондонда шундай матч қайтадан ўтказилди. Шу йилнинг 20 июлида Халқаро Шахмат Федерацияси ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлади. Жаҳон матчи ҳам ана шу са-

нага бағишланди. Ҳозирги кунда ФИДЕга 120 дан зиёд миллий шахмат федерациялари аъзо. Қарангки, мамлакатимиз шахматчилари шунча давлат вакиллари орасидан саралаб олинган гроссмейстерлар билан дона сурдилар.

Бу сафар ҳам СССР терма командасининг қўли балинд келиб, 21:19 ҳисобида галабага эришди. Шахмат баҳслари қуйидаги жуфтлик ўртасида ўтказилди:

Биринчи тахтада: жаҳон чемпиони А. Карпов — У. Андерссон (Швеция). Иккинчи тахтада: жаҳон чемпиони унвонига даъвогар Г. Каспаров — Я. Тимман (Голландия). Учинчи тахтада: Л. Полугаевский — В. Корчной (Швейцария). Тўртинчи тахтада: собиқ жаҳон чемпиони В. Смирлов — Л. Любоевич (Югославия). Бешинчи тахтада: Р. Ваганян — З. Рибли (Венгрия). Олтинчи тахтада: А. Белявский — Я. Сейраван (АҚШ). Еттинчи тахтада: собиқ жаҳон чемпиони М. Таль — Д. Нанн (Англия). Саккизинчи тахтада: А. Юсупов — Э. Майлс (Англия). Учинчи тахтада: СССР чемпиони, халқаро мастер А. Соколов — Э. Торре (Филиппин). Халқаро гроссмейстерлар В. Тукмаков, О. Романишин, М.Чандлер (Англия) Б. Ларсен (Дания) кўшимча ўйинчилар сифатида қатнашдилар.

Хуллас, ФИДЕ Лондонга барча шахмат юлдузларини йиғишга муваффақ бўлди.

Бир hafta давомида жаҳондаги ҳамма шахмат мухлислари Лондондаги бу мусобақани зўр қизиқиш билан кузатиб туришди. Ниҳоятда кескин курашлар билан ўтган биринчи турда томонларнинг ҳеч бири устунликка

эриша олмади ҳисоб 5:5 бўлди. Иккинчи тур учрашувларини кўтаринки руҳда ўтказган мамлакатимиз шахматчилари 6:4 ҳисобиде галаба қозонишди. Учинчи турда ҳам совет гроссмейстерларининг қўли балинд келди. Ҳисоб: 5,5:4,5. Ҳал қилувчи охириги тўртинчи тур ўйинларига ҳақ шахматчиларимиз 16,5:13,5 ҳисобиде пешқадамликка эришдилар. Энди матчада умумий галаба қозониш учун совет шахматчиларига охириги ўнта имкониятдан тўрт очко олиш кифоя эди. Жаҳон терма командасига эса матчни ҳеч бўлмаса дуранг билан аяқунлаш учун охириги турда уч очко фарқ билан галабага эришиш зарур эди. Тўртинчи тур 5,5:4,5 ҳисобида жаҳон терма командаси фойдасига аяқунланди.

Умумий ҳисоб СССР терма командаси фойдасига ҳал бўлди. Шундай қилиб, мамлакатимиз шахматчилари 1970 йилги биринчи матчидагидек бу сафар ҳам голиб чиқдилар. Бу, совет шахмат мактабининг жаҳонда энг олдинги ўринни эгаллаб турганлигининг яққол исботидир.

Мана, масалан, Белявский — Сейраван партиясини олайлик. Америкалик гроссмейстер ўзига жуда кўп марта галабалар келтирган дебют вариантини қўлади. Лекин Белявский Сейраваннинг ўйин услубини синчиклаб ўрганиб чиқши натижасида ажойиб янгилик кашф этиб, рақибни жуда қийин аҳволга солиб қўйди.

Аммо эришилган галаба фақатгина шахмат омилларига боглиқ эмас, албатта. Галабага эришишда коллектив ўртасидаги дўстона ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга бўлди. Зеро, гроссмейстерлари-



БҮЁҚЧИ

(Айрим маъхум расмларни кўриб...)

Уни ҳар ким ҳар қил атайди:
Биров — «Гулчи», биров — «Бўёқчи».
Узи бўлса: «Рассомман», дейди,
Кузатганлар атар: «Сувоқчи».

Расм чизар доим деворга,
Бўёқлари ётар чаплашиб.
Расмларин англайсиз зўрга,
Узи билан аста гаплашиб.

Қошни чизса — одаммиш гўё,
Соч — аёлмиш, мўйлов — эркаклар.
Ой — тун, қуёш — кундуз, дунё —
Худди гунглар айтар эртақлар.

На табиат тасвири эплар,
На инсонни чизолар тўлиқ,
Не чизганин тушунмас кўплар,
Аммо унинг маъсули «бўлиқ».

Ҳа, ижоди галати бутун —
Гўёки у тил билмас мехмон.
Расмларин тушуниш учун
Керак экан дугат, таржимон.

1984.

Олим ҚҲҶҚОРБЕКОВ

МАЙМУН, ҚАРҒА ВА КЎРСИЧҚОН

Мисал

Маймунларнинг ичидан
Битта очкўз чиқибди.
Неки топса шошилиб,
Ўз инига тиқибди.
Ортган сари бойлиги,
Очкўзлиги ошибди.
Тўплаб барча бойлигин,
Овлоқ жойга ташибди.
Сезмасин деб бойлигим
Инин лойдан урибди.
Битта синик дераза,
Чирик эшик қурибди.
Дастурхони ичида
Могор босган ейимлик,
Устида-чи, чанг босган,
Ямоқ-ямоқ кийимлик...

Ахир бир кун тўймаган
Кўзларини юмди у.
Илдизини қурт еган
Дарахт каби тиңди у.
Баланд дарахт учида
У яширган бор бисот
Битта қари қарғага
Бўлди гўё бир нажот.
Топганларин барини
Ер остига кўмди у.
Яна нелар қилай деб,
Ширип ўйга чўмди у.
Шу пайт унинг бор сири
Англаб қолди кўрсичқон.
Ер остида не бўлса,
Зум ўтмай қилди гумдон.
Лекин тайёр «ўлжа»ни
Сичқон олиб ким бўлди?
Кўрганида гердайиб
Оч мушукка ем бўлди.

Қурбонбой МАТРИЗОВ

Домла кўрпачада кўзини юмиб,
тасбех ўтириб ўтирибди. Унинг
олдига икки кўли кўксига Тош-
мат қиради.

Тошмат. Ассалому алайкум,
домла почча! Тинч-омон, зерик-
май ўтирибизми?

Домла. Э, келинг, бўтам, ке-
линг. (Эсламоқчи бўлади). Кў-
зимга иссиқ кўринаяписиз-у эслол-
маялман-да, бўтам.

Тошмат. Мен, домла почча...
(Хиргойи қилади.)

Юзимни оч, эй ғассол,
Ота-онамни бир кўрай.
Бошимда фарёд айлаган
Қаддронларни бир кўрай.

(Ишшайиб) Қалай, эсингизга
тушдимми?

Домла. Бўлди, бўтам, бўлди,
эсладим. Сиз ҳалиги Тошмат
отарчисиз, сизни ҳамма Тошотар
дейди.

Тошмат. Ҳа, яшанг, домла
почча, танидингиз.

Домла. Хўш, бўтам, хизмат,
не юмуш билан келдингиз?

Тошмат. Домла почча, шу
улуғ айём кунларида бир ният
қилгандим. Келаётган шанбага
кичкинагина ифторчамиз бор эди.
Биласиз, менинг сизга ихлосим
баланд. Шу маросимимизни ўзин-
гиз ўтказиб берасиз, домла почча.

Домла. (Четга.) Ҳмм, менга
ихлоси баландмиш. Бултур наби-
рамга суннат тўйи қилганимда,
тўйга айтсам, вақтим йўқ, банд-
ман деб, ваз қилган эди бу отар-
чи. (Тошматга.) Кўп улуғ ният
қилибсиз, бўтам. Шундай улуғ
айём кунлари хеш-ақраболарни
чақириб, ис чиқариш савобдан
хоти эрмас.

Тошмат. Раҳмат, домла поч-
ча. Яхшилигингизни сира унут-
майман. Сизга атаб қўйганим бор.

Домла. Қайси кунни дедингиз
бўтам?

Тошмат. Шу келаётган шан-
бага.

Домла. Э, аттанг, э, аттанг.
(Дафтарчасини арақлайди.)
Шанбага вақтим йўқ экан-ку, бў-
там!

Тошмат. Ундай деманг, ният
қилиб қўйганман, домла почча.

Домла. Йўқни йўндириб бўл-
майди бўтам, бандман, сира ило-
жим йўқ.

Тошмат. (Четга.) Вой домла-
си тушмагур-ей, ўтган йили нева-

расининг тўйига айтиб борганда:
«Бандман», деган эдим, шунинг
аламини олаяпти. (Домлага.)
Бир иложини қиласиз, домла поч-
ча. Мен одамларни айтиб қўйган-
ман.

Домла. Энди, бўтам, асло
иложи йўқ. Сиз ишни хом қилиб-
сиз. Шу ниятингиз бор экан, аввал
келиб мен билан маслаҳат қил-
майсизми? Боролмайман, бўтам.

Тошмат. Домла почча, бор-
масангиз бу маърака менга сира
татимайди.

Домла. Униси аён менга, бў-
там. Лекин иложим йўқ. Лаба де-
ган нарса бор.

Тошмат. (Четга.) Бормай
бўпсан, борасан! (Домлага.) Дом-
ла почча, ўзи ким? Кимга ваъда
қилгансиз?

Домла. (Четга.) Е лазаambil-
ло, ё лазаambilло! Шошилганда
бирон кимсанинг исми ҳам ти-
лимга келмайди. (Тошматга.)
Бир муридим бор. Исми... Ниёз-
бой. Шу лўғит айтиб кетган. Би-
ласиз, куруққа айтимаган. Озгина
ниёз ҳам ташлаб кетган.

Тошмат. (Енидан эзлик сўм
чиқаради.) Домла почча, Ниёз-
бойнинг ниёзини қўйинг, мана
буни олинг.

Домла. (Пулни кўриб, озги-
нинг таноиб қочади.) Ҳай-хай-
хай! Кўп зукко йигитсиз-да, мул-
ла Тошотар! Бу ёғи қандоқ бўл-
ди-а? Мени кўп муаммога қўй-
дингиз-ку. (Пулни олади.) Ҳай,
майли, одамнинг юзи иссиқ... Но-
илож. Мен сизга айтсам, бир на-
фаси ўткир шогирдим бор. Ана
шунини Ниёзбойниқига юбориб,
ўзим сизниқига борурман. (Чет-
га.) Айтинг-айтинг, ул бадбахт
ўша кунни ичиб келиб, мени обдон
шарманда қилмас яхши эрди.

Тошмат. Ҳа, яшанг, домла
почча. Гап деган мана бундоқ
бўпти. Йўли бор экан-ку.

Домла. Бор, бўтам, бор. Изла-
ганга йўл топилавер.

Тошмат. (Шивирлаб.) Домла
почча, сиз ҳам худди ўзимиздан
экансиз-да.

Домла. Тушунмадим, бўтам?

Тошмат. Бизлар ҳам кимдан
кўпроқ унадиган бўлса, шу то-
монга оғиб кетамиз. Бунинг но-
мини отар дейдилар, домла поч-
ча!

Домла. Е алҳазар! Е алҳазар,
отар?!!

Тошмат. Худди шундай тақ-
сир, сизни кутаман, ҳамкасб!

Элбек МУСАЕВ

ИКИР-ФИКРЛАР

«Ортиқча билет бор, деяписиз-
ларми? Эгаси топилмас, менга
узатиб юборақолинглар ўша би-
летни».

(Автобусада айтилган гап)

«Чинакам овчи уйига ҳеч қачон
ўлжа билан қайтмайди, бирор
нарса отса ҳам дўст-ёрлариники-
га ташлаб келади».

(Омадсиз овчининг ёз қовдонидангилар-
га хамиша такрорлайдиган гапи)

«Орифжон галатироқ йигит
ўзи. Чойхонага чиқмайди. Элга
қўшилмайди — одамгарчиликни
билмайди».

(Доммо чойхонада ўтирадиган тақасал-
таннинг лўжмаси)

«Барака» деган сўзга «тара-
кан»ни қофия қилсам бўладими-
кин?

(Бир шоярнинг саволи)

«Мажнуотлонинг соғси,
Ошиқларнинг уяси».

(Уш шояр шерида)

Хурматли редакция!
Кроссворд, чайнворд ва криптограмма ҳақида маълумот беришларингизни сўраймиз. Чунки биз шу ақлий машқ турларига жуда қизиқамиз.

А. ТОШЛОНОВ,
М. МУҲИДДИНОВ

Денов райони

БИЛИМДОНЛИК МАШҚИ

Кроссворд ўзи нима, у қандай маънони англатади?

Қомусий лугатда бу терминга кроссворд инглизча «кросс» — кесишган ва «ворд» — сўз деган маънони англатади, деб изоҳ берилган. Бунда бир-бири билан кесишган чизиқлардан ташкил топган катакларга шартли белгилар (масалан, рақамлар) қўйилади ва топилиши лозим бўлган сўзлар таърифи маълум тартибда (энига ва бўйига) яширинган бўлади. Шуларга мувофиқ жумбоқ сўзлар топилади ва шаклга ёзиб чиқиш йўли билан кроссворд ечилади.

Албатта, кроссворд тузишнинг маълум қоидалари ишлаб чиқилди, улар асосан қуйидагилардан иборат: топилиш лозим бўлган сўзларнинг энг қисқаси тўрт ҳарфи бўлиши ва ҳар бир сўз шаклда бошқа сўзлар билан камиде икки катакда кесишган бўлиши лозим. Чизмадаги катаклар симметрик жойлашган бўлиб, бир-биридан узилиб қолмаслиги керак. Сўзлар бош келишида ва бирликда қўлланилиши лозим.

Кроссворд ҳордиқ дақиқаларини қизиқарли ва фойдали ўтказиш машқидир. Бу тасодифий эмас, албатта. Кроссвордни ҳал қилиш билан киши ўз билими, топқирлиги ва сеҳнини синаб кўради, хотирасини мустаҳкамлайди. Жавоблардан эса мазмуни илгари маълум бўлмаган сўзларни билиб олади ва билиш доирасини кенгайтиради.

Кроссворд мазмунига кўра умумий характерда ёки маълум бир соҳага оид бўлиши мумкин.

Вақт ўтиши билан кроссворднинг хилма-хил турлари — чайнворд, чайнкроссворд, кроссчайнворд, циклокроссворд, диагональ кроссворд қабилар ўйлаб топилиди. Хусусан, чайнвордда топилиши лозим бўлган биринчи сўзнинг сўнгги ҳарфи иккинчи сўзнинг бошланғич ҳарфи бўлиб, шу тарзда давом эттирилади ва шаклга ёзиб чиқиш йўли билан ечилади.

Чайнкроссворд, кроссчайнвордлар чайнворд ва кроссворд қўшилишидан ташкил топади. Чайнкроссворд сўзлари чайнворд қондасига кўра «занжир» бўлиб боғланиб боради ва натижада кроссворд ҳосил бўлади. Кроссчайнвордда эса ҳар бир сўз бошқа сўз билан кесишган ҳолда чайнворд ҳосил қилади. Бу турдаги чизмали топшириқларда жумбоқ сўзлар шаклда кесишган ўтадиган катакда тугалланмаслиги зарур.

Циклокроссвордни ечиш учун эса белгиланган катакларга керакли ҳарфларни чапдан ўнгга қараб ёзиб чиқиш лозим.

Булардан ташқари, кроссворднинг жавоблари рақамлар билан (масалан, йиллар) ифодаланадиган тури ҳам мавжуд. Кроссвордларнинг баъзилари тузилишига кўра мураккаб бўлиб, уларда яширинган сўзларнинг биринчи ёки маълум ҳарфлари орқали (цифrogramма) ҳикматли сўз, мақол ёки шюор ҳосил қилинади.

Чизмали жумбоқнинг яна бир тури криптограмма бўлиб, у грекча «крипто» яширин ва «грамма» ёзув деган маънони билдиради. Бунда мазмуни маълум белги ёки рақамларда яширинган ёзув тушунилади. Криптограммани ечишда таърифлари баён этилган очқич сўзларни топиш зарур. Очқич сўзлар рақам ёки белги билан ифодалангани ва берилган таърифи асосида жавоб топилиб, ҳарфлар билан алмаштирилади. Бир хил рақамлар бир хил ҳарфларни англатади. Шунга мувофиқ криптограмма шаклидаги рақамлар очқич сўзлардаги тегишли ҳарфлар билан алмаштирилиб ёзиб чиқилади. Шаклдаги рақамсиз катак эса сўзларни ажратиб туради.

Фозилжон ОРИПОВ

МУҚОВАДА:


Биринчи бет: Пиллачи Мавжуда Пулатова.

Н. Шарипов фотоси.

Иккинчи бет: Хоразм область, Қўшқўйири районидаги «Тошкент» колхозининг механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўғили Нуриллаева (чапдан учинчи) шогирдлари даврасида.

Н. Мухаммаджонов фотоси

Тўртинчи бет: Рассом Н. Галиев чизган плакат.



«КЛАССИК АДАБИЁТ» ЦИКЛОКРОССВОРДИ

1. Хиндистонда яшаб ижод этган ҳамсанавис шоир. 2. Алишер Навоий дostonи қаҳрамони. 3. Саъдий асаери. 4. Шарқ шеърятинида кенг тарқалган лирик жанр. 5. Дунёвий ўзбек адабиётининг таниқли намоёниси, «Мухаббатнома» дostonи муаллифи. 6. Ёзув санъати мутахассиси. 7. Шарқда кенг тарқалган ахлоқий-эстетик мазмунадаги машхур асар. 8. Ўз замонида «Малик-ул-калом» деб шухрат топган мутафаккир ўзбек шоири. 9. Классик шеъринг жанри. 10. Ўзбек халқ миф(асотири) қаҳрамонларидан бири. 11. Классик шеъринг жанрларидан бири, ўзига хос шеъринг жумбоқ. 12. Масалнавис ўзбек классик шоири. 13. «Халпалак» ҳажвий шеърининг муаллифи. 14. Муқимийнинг шеърларидан бири. 15. Мутафаккир шоир, файласуф, «Комде ва Мудан» дostonи муаллифи. 16. Грузин классик шоири Шота Руставелининг «Иулбарс терисини ёпинган пахлаван» дostonи қаҳрамони. 17. Халқ озаки ижодининг энг оммавий жанрларидан бири. 18. Шарқ шеърятини жанрларидан бири. 19. Шоир шеърларининг қофия ёки радифларига кўра, алифбе тартибидеа тузилган тўплам. 20. XIX асрда Хоразмда яшаб ижод этган шоир. 21. Ўзбек классик шоираси. 22. Беш мустақил дostonи ўз ичига олган асар. 23. Ўзбек халқ дostonи. 24. Лутфий дostonи қаҳрамони. 25. «Гуруғини» туркумидаги дostonлардан бири. 26. «Раъно ва Зебо» дostonи муаллифи. 27. «Қисса Сайфулмулк» ишқий саргузашт дostonининг муаллифи. 28. Туркман классик шоири. 29. Асарда образив бўлтириб мақоват билан тасвирлаш усули. 30. Китобнинг лирик муқаддимаси. 31. XV асрда яшаб ижод этган ўзбек тазалливис шоири. 32. «Шоҳнома» дostonи қаҳрамонларидан бири. 33. Шарқ классик шеърятини жанрларидан бири. 34. Нишотий қаламига мансуб дoston. 35. Қадимий хинд халқ эпоси қаҳрамони. 36. Классик шеър шаклларидан бири. 37. Қирғиз халқ дostonи. 38. Ўзбек халқ дostonи қаҳрамонларидан бири. 39. Бирор тарихий шахс ёки ҳодиса улуғланиб ёзилган шеър. 40. Машхур тарихчи, Навоий замондоси.

Тузувчи: О. ФОЗИЛОВ

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Баҳодир АМИНОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МУИДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Мухаммадали ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислидин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).



Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 325832.

Босмаҳонага туширилди 20.07.84 й. Босишга рухсат этилди 23.08.84 й. Р-20038 Қоғоз 70×108¹/₂. Ботик усулда босилди. Шартли босма тоқиб 5,6. Нарх ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 232910. Буяртма № 4150. Нашр В-117.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.


Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.



АСКИЯ



С. Маҳкамов фотолари





БЕШ йИЛЛИКНИ
МУДААТИДААН
ИЛГАРИ
БАЖАРАМИЗИ!

ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН!